

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими  
вазирлиги  
Фарғона вилоят ҳокимлиги  
Қўқон Давлат педагогика институти**

**Фурқат ижоди муаммолари**  
(Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудининг  
150 йиллигига бағишланган илмий-услубий мақолалар тўплами)

Фарғона - 2010

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

*В. Маҳмудов – институт ректори*

“Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тўла тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”,<sup>1</sup> – деб ёзган эди Президентимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, шўро тузуми йилларида маълум сабабларга кўра фақат бир томонлама талқин қилиб келинган барча мумтоз адибларимиз ижоди эндиликда умуминсоний нуқтаи назардан қайта таҳлил қилинмоқда. Шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакилларида бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат(1859-1909)нинг адабий-бадиий мероси бундан мустасно эмас.

Гўзал Фарғонанинг шоирлар ва фозиллар шаҳри сифатида доврўғи оламга ёйилган Хўқанди латифда камол топган Амирий, Махмур, Гулханий, Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, Муқимий, Завқий, Ҳазиний, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Чархий ва бошқа юзлаб аллома адиблар ижодини, илмий-адабий меросини ўрганиш ва уларни кенг тарғиб қилиш маънавиятимизнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудининг 150 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2009 йил 27 октябрда қабул қилинган 201-сонли қарори ҳам юқоридаги фикрларимизнинг исботидир.

Улкан сўз санъаткори, ўзбек халқининг ардоқли маърифатпарвар, ватанпарвар шоирларидан бири сифатида шуҳрат қозонган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ижодий мероси доимо халқимиз томонидан эъзозлаб келинган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Китобда: Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т, 1998, 125-бет.

Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганиш жуда эрта – шоир шеърларини тўплашдан бошланган эди. Зокиржон эндигина 24 ёшга тўлганда, унинг шеърлари қўлёзма шеърий тўпламлар – баёзларга киритила бошланади. Кейинчалик катта-катта қўлёзма ва тошбосма баёзларда шоирнинг ўнлаб ғазаллари, мухаммаслари ва мусаддаслари ўрин олганини таъкидлаш лозим. 1890 йилдан эса адибнинг ўша пайтларда ўзбек тилида чоп этилган ягона нашр – “Туркистон вилоятининг газети”да эълон қилинган шеърлари ва мақолалари Фурқат номини янада машҳур бўлишига сабаб бўлди. Адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда қимматли манба бўлган “Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг ахволоти, ўзи ёзғони” эсдалик-мемуарлари ҳам шу газета саҳифаларида босилган эди. Ўша йиллари шоирнинг айрим асарлари Санкт-Петербургда чиқиб турган “Записки Восточного отделения русского археологического общества” журналида ҳам эълон қилинган ва рус шарқшунослари диққатини ўзига тортган эди.

Фурқат ижодини ўрганиш XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб кучайганини кузатиш мумкин. Маърифатпарвар шоирнинг айрим шеърлари шўша пайтларда нашр этилган мактаб дарсликлари ва хрестоматияларида учрайди. Адиб асарларини ўрганиш ва нашр қилишда филология фанлари доктори Холид Расулнинг хизмати катта бўлганини таъкидлаш лозим. Унинг Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган ўнлаб мақолалари, рисоалари чоп этилган. Олим шоир асарларининг ўзбек ва рус тилларида бир жилдлик ва икки жилдлик нашрларининг бир неча марта амалга ошишида жонбозлик кўрсатди.

1959 йилда шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналари адиб ижодини ўрганишда муҳим ҳодиса бўлди. Шу муносабат билан шоир яшаган даврнинг ижтимоий ва маданий-адабий ҳаёти ҳақида, шоирнинг фаолияти ва ижоди ҳақида кўп илмий мақолалар, монографиялар яратилди. Унинг ижодига оид аллома шоирлар Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, С.Абдулла, академиклар И.Мўминов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, йирик адабиётшунослар Ҳ.Зарипов, Л.Қаюмов, А.Абдуғафуров,

Э.А.Каримов, Ш.Юсуповларнинг салмоқли тадқиқотлари ва монографиялари яратилди.

Адабиётшунос Ғ.Каримов Фурқат ижодий меросини шакли ва мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- а) лирикаси;
- б) маърифатпарварлик руҳидаги асарлари;
- в) дostonлари;
- г) мемуарлари;
- д) публицистикаси;
- е) илмий асарлари;
- ё) бадиий таржималари.<sup>2</sup>

Фурқат форс-тожик тилида ҳам шеърлар ижод қилган. Демак, у форс-тожик тилини ҳам мукамал билган. Унинг айрим ижодкорларнинг асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилганлиги ҳам маълум.

Адабиётшунос Холид Расул: “XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшган демократик йўналишнинг йирик сиймоси Зокиржон Фурқат маданият ва адабиёт тарихида янги саҳифа очди ва ўзбек шеърятини юксак босқичга кўтарди,”<sup>3</sup> – деб ёзиши бежиз эмас, албатта.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда ўз хукмронлигини ўрнатган чор ҳокимияти ўзбек халқи бошига катта кулфатларни солди. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-мафкуравий воқеалар бадиий адабиётда ҳам акс этди. Бу даврда Туркистонга илғор фан ва техника ютуқлари ҳам кириб кела бошлаган эди. Ўрта Осиёда колониал ва миллий зулм авж олган бир даврда илғор янги мафкура пайдо бўлди ва бу илғор мафкура ўзбек адабиётида илк бор Фурқат ижодида ўз аксини топди.

---

<sup>2</sup> Ғ.Каримов, Ўзбек адабиёти тарихи. Т., “Ўқитувчи”, 1987, 135-бет.

<sup>3</sup> Х.Расул. Сўзбоши. Китобда: Фурқат. Танланган асарлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 5-бет.

Фурқат ижодий фаолияти кўлами кенг, серқирра ва маҳсулдор адиблар жумласига киради. У қолдирган ижодий мероснинг ҳажман катта қисмини она-юртни меҳр билан куйлаш, ишқ-муҳаббат, ғурбат ва ватандан жудолик каби мавзудаги лирик шеърлар ташкил этади. Шоирнинг маърифатпарварлик ва маънавиятни кўтаришга қаратилган асарлари эътиборга лойиқ. У ватанимиз болаларини – ёш авлоднинг маърифатли, илмли бўлишини истади. Илм ўрганишни ҳар нарсадан устун қўйган шоир ўзининг илмсиз қолганидан пушаймонлигини билдиради:

Жаҳон басти кушоди илм бирла,  
Надур дилнинг муроди – илм бирла.  
Кўнгулларнинг сурури илмдандур,  
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.  
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,  
Бўлур ҳар қайси ўз вақтинда даркор.  
Дариғо, Фурқатий, беилм қолдим,  
Ўзимни жаҳл зиндониға солдим.<sup>4</sup>

Бунда шоирнинг дунёвий илмларни ўргана олмаганидан афсусланаётганини сезиш қийин эмас.

Фурқат шеъриятимизнинг қадимий анъанавий жанрларида ижод қилди. Айни пайтда у – ҳаёт нафасини, давр руҳини санъаткорона очиб беришда юксак маҳорат кўрсата олди. Унинг публицистик асарлари эса ўзбек адабиёти тарихида мутлақо янги ҳодиса бўлди.

Фурқат ўзбек адабиётини дунё миқёсига олиб чиқишда алоҳида ўрида туради.

Фурқат қачон ва қандай шароитда бўлмасин, халқ бахти-саодатини кўзлаган халқпарвар, ватанпарвар шоир эди. У халқнинг бахтли келажагини, илм-фан маориф ва маданияти боғланган маърифатларвар шоир эди.

Фурқат Ёркентда яшаган даврида ҳам маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирди, у ерда яшовчи халқлар ўртасида илм-маърифат тарқатишга

астойдил ҳаракат қилди. У Ёркентда ижодий иш билан бир қаторда илмий иш билан ҳам шуғуллангани маълум. Шоирдан қолган материаллардан маълум бўлишича, у табобат билан ҳам шуғулланган. Унинг ўт-ўланлар билан беморларни моҳирона даволагани ҳақида ҳам, астрономия билан ҳам жиддий шуғуллангани ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар етиб келган.

Фурқат ўз Ватанининг мустамлака кишанларидан озод бўлишини, янада гуллаб-яшнашини бутун вужуди билан истаган, лекин бу ватандан тириклигида абадий жудо бўлган ижодкордир. Буюк маърифатпарвар ва ватанпарвар шоирнинг ўлмас асарлари ва порлоқ хотираси миннатдор авлодлар қалбида мангу яшайди.

### **Фурқат ижодини “Мулоқот” тренинги асосида ўрганиш**

**М.Қодирова**

**Ф. Ф.н.**

Ўзбек маорифатчилиқ адабиётининг етук вакилларида бири саналган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижодини ўрганишга академик лицей дастурларида 3 соат ажратилган: Ўқитувчи уч соат мобайнида Фурқат ижодини ўрганишни шундай усул билан олиб бориши керакки, бу жараёнда Фурқат ҳаёти ва ижоди, унинг лирикасидаги асосий йўналишлар, ҳасби ҳол, анъанавийлик, маърифий фикрлаш ва қарашларнинг нечоғлик акс этганлиги борасида муайян тасаввурларга эга бўлмоқлари даркор. Шоир ижодини ўрганишда анъанавий методлар ҳам ўзини оқлаган. Бироқ ўқитишдаги янгича қараш ва янги ёндашувлар Фурқат маърифатчилигини шаклланиб бораётган янги педагогик технологиялар асосида ўргатишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, биз шоир ижодини ўрганишни “Мулоқот” тренинги асосида ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур тренинг ўқувчиларга дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрларини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда баҳслашиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бу методда дарслар аудиторияни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилса, қутилган самарани беради.

Дарсдан қутилган мақсад эса танланган мавзу, муаммо асосида тенгливчиларнинг диққатларини ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мутақил ҳолда

умумий фикрларга келишларига аниқ хулосалар чиқаришларига кўмаклашиш, эркин ҳолда баҳслашишларига ёрдам беришдан иборатдир.

Ўқитувчи “Мулоқот” тренинггини ўтгазишдан бир ёки икки ҳафта аввал ўқувчиларни мулоқот мавзуси, мулоқот ва баҳс-мунозара ўтказиш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар, қоидалар билан таништиради, сўнгра ушбу тренинг босқичма-босқич ўтказилишини тушунтиради. Ана шу босқичма-босқич ўтказиш уч соат мобайнида маърифатпарвар шоир ижодини атрофлича ўрганиш имконини беради.

Тренингнинг 1 босқичида ўқувчиларга бир неча топшириқлар берилади. Улар дарс ўтадиган топшириқларни тўлиқ бажарган бўлишлари шарт. Бу топшириқлар ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади. Дарс бошлангунга қадар мавзу ва режа доскага ёзиб қўйилади. Хонанинг кўзга кўринарли жойига Фурқат ҳаёти ва ижодига доир кўргазма, деворий газета, ўқувчиларнинг шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб тайёрлаган ижодий ишларидан бурчак ташкил қилинади. Шу ўринда Фурқатнинг ҳаёт йўлини ифодаловчи хронологик жадвал, шоир портрети, асарлари, у ҳақида ёзилган китоблар, рисола ва мақолалар ҳам шу бурчакда жой олиши лозим. Айни чоғда, ўқувчилар ушбу кўргазмалар билан олдиндан танишган бўлсалар ёки вақт топиб ўқитувчи булар борасида ўқувчиларга қисман бўлса-да маълумот берган бўлса, тренингнинг жонлилиги ва самарадорлиги ортади. Хронологик жадвал қуйидагича тузилиши мумкин:

**1859-1870йиллар** - Фурқат Қўқон шаҳрида савдогар оиласида таваллуд топди. Дастлабки таълимни маҳалласидаги мактабдор Муҳаммад Олимдан олган. 6 ойда “Ҳафтияк”ни тамом қилди. “Чор китоб”ни ўтиб, “андак фурсатда” уни ҳам тамом қиладию 8 ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонини ёд олади. Сўнг Навоий асарларини ўрганишга киришади. Навоий бошлиқ улуғ шоирлар (Низомий, Жомий, Аттор в. б.) унинг тушига кириб, “Чор девон” (Навоий)дан имтиҳон қабул қиладилар ва Фурқатга “шеър машқига рухсат” берадилар. Ўн ёшида Фузулийни севиб ўқиган.

**1870 йил** - Ашур Муҳаммад коридан кироатини ўрганди.

**1870-1871 йиллар** – Мударрис Пошшоҳўжа эшондан араб тилини ўрганиб, мадараса таълимига тайёргарлик кўради.

**1873 йил** - Ўн тўрт ёшида мадрасага киради. Бироқ барча мадрасалар ёпилгани сабабли, Фурқат мадрасани тамомлай олмайди.

**1879 йил** - Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона)да савдогарчилик билан шуғилланади. Хусусий муаллимдан сабоқ олади. Сал кейинроқ ўзи

бошқаларга дарс беради.

**Изоҳ:** Шоирнинг “Фуркат” (айрилик) таҳаллусини танлаши борасида уч хил қараш бор. Бири – унинг Қўқондан узоқда – Янги Марғилонда яшаганлиги, бири эса, ҳаётининг юрт, дўстлар дийдоридан йироқда ўтгазганида деб ҳисобланади. Аслида, “Фуркат” сўзи “Мантиқ ут-тайр” моҳияти таъсирида, Аллоҳ дийдоридан жудоликни назарда тутган ҳолда таҳаллус сифатида танлангани ҳақиқатга яқинроқ.

**1880-1886 йиллар** - Қўқонга қайтади. Ижод билан шуғилланади: шеърлари муҳлислар орасида кенг ёйилади. 21-22 ёшида “Девон” тузади. Фуркат ўзбек адабиётида энг ёш соҳҳиби девон бўлган. “Ҳаммоми ҳаёл” рисоласини ёзади, “Нух манзар”, “Чор дарвеш”ни форсийдан таржима қилади.

**1886-1887 йиллар** - Марғилонда яшайди

**1888 йил** - Тошкент сафарига отланади. Хўжандга келганда, қон-томир касаллиги билан бетобланади.

**1889 йил** - Тошкентга келади. Ҳожи Аъзам ёрдамида Қўқалдош мадрассасида яшайди.

**1890 йил** - Тошкентда “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири, Тошкент эрлар гимназиясининг директори Н. Остроумов билан танишади. Март ойида Н. Остроумов уни Тошкентнинг Янги шаҳар қисмига олиб боради, уни рус амалдорлари, руслар хизматида ўзбеклар, хатто генерал-губернатор билан таништиради. Ушбу юришлар натижасида “Гимназия”, “Илм хосияти”, “Акт мажлиси хусусида”, “Наъма базми хусусида”, “Виставка хусусида”, “Суворов” каби шеърлари “ТВГ”да босилади.

**1890-1891 йиллар** - “ТВГ”га таржимон бўлиб ишга киради. Газетада “Саргузаштнома”, “Фуркатнома” номлари билан танилган насрий мемуари – “Хўқандлик шоир Зокиржон Фуркатнинг авлоди. Ўзи ёзғони” давомли босилади.

**1891 йил 14 май** - Зиёли савдогар ва этнограф олим Мирзо Бухорий таклифи билан Самарқандга йўл олади.

**1891 йил июл** - Бухорога боради Когондан поездга ўтириб, Марв, Ашхобод, Боку, Ботум орқали Истамбулга йўл олади. Истамбулда Султонтёпа деган такяга қўнади. 280 мисралик “Сабоға хитоб” маснавийси ана шу ерда ёзилган.

**1891-1893 йиллар** - Туркиядан Юнонистон ва Булғория саёҳат қилади. Миср ва Шом сафарига бўлади. Макка ва Мадинани зиёрат қилади. Сўнг Ҳиндистонга юзланади. 1892 йил сентябрда Бомбайга етиб келади. Ҳожи Аҳмад деган юртдошининг ўйида 6 ой яшаган, Кашмир томон юради. Тибет ва Хўтан орқали октябр ойида (1893) Ёркентга етиб келиб, умрининг охиригача шу ерда қолиб кетади.



Шоир Қашқардаги Русия идорасида котиб бўлиб ишлаган. 1906 йилгача Туркистон “ТВГ” билан алоқасини узмаган.

Шоир “Донгдор” кабристонига қўйилган. Адабиётшунос

Н. Абдулҳакимнинг аниқлашича, 1958 йилда зилзила туфайли қўчирилганда, Фурқат жасадининг бош қисми тириклигидаги ҳолда турган. Бу унинг ўзига хос шахс бўлганлигига ишорадир.

Дарс мусиқали дақиқа билан бошланади. Бундан хофиз Т. Қодиров ижро этган “Сайдинг қўябер сайёд”, “Фасли навбаор ўлди...” қўшиқларидан парчалар эшиттирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчи тренинг умумий режасини қуйидаги тарзда доскага ёзиб қўяди:

1. Фурқатнинг таржимаи ооли.
2. Фурқатнинг лирик шеорлари.
3. Фурқатнинг маорифий руодаги шеорлари.
4. Фурқатнинг “Саргузаштнома” асари.

Мазкур режа шоир ижодига ажратилган 3 соат давомида ўқувчилар гуруҳларга ажратилган ҳолда, баҳсу мунозараларга ўрин берилган тарзда тшқил этилади. Ушбу жараёнда ўқитувчининг роли алоҳида бўлиши лозим. Аввало, юқорида келтирилган жадвал асосида ўқитувчи Зокиржон Фурқат шахси, унинг ҳаётидаги муҳим нуқталар борасида маълумот беради ва шоирнинг маорифатчилик адабиётидаги ўрнига урғу қилади. Таҳлиллар олдида шоирнинг салафлари Навоий, Фузулий, Лутфий ижодидан баҳраманд бўлгани уларнинг тажрибаларига суянган ҳолда ўзбек лирикасининг ифода имкониятларини кенгайтира олишга эришгани ҳақида маълумот берилади. Айниқса, Фурқатнинг “Қосидо, айғил ўшал дилдорға” деб бошланадиган ғазали лирикасининг табиати, ундаги етакчи йўналишларни белгилашда муҳим ўрин тутганига ўқувчилар эътиборини қаратади. Мазкур ғазал зоҳиран дунёвий, ботинан эса тасаввуфий характер касб этганини ўқувчилар онгига етказиш ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Шунингдек, шоирнинг Фузулий ғазалига тазмин қилиб ёзилган ва шартли равишда “Келинчак” деб номланган шеъри таҳлилида ҳам ҳаётийлик ва маърифийлик уйғунлигига ўқувчилар диққатини тортиш лозим. Айниқса, шу ғазалнинг:

Сурмадин кўзлар каро, қўллар хинодин лоларанг,

Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг,-

Сатрларига эътиборни қаратиш, таҳлил жараёнида шоирнинг эстетик идеалини аниқлашга ҳаракат қилиш, тренингнинг кейинги босқичларида баҳс-мунозаранинг жонли чиқишини таъминлаб беради.

Фурқатнинг “Бормасмиз” радифли ғазалида ўз шахсиятини, умр баёнига даолдор жиоатлар кўпроқ кўзга ташланишини эътиборда тутиб, ўқувчига тушинтириш, тренинг

сифатини оширади. Дарҳақиқат, мазкур ғазалда маърифатли инсон тақдири борасида сўз кетади. Шеърда комиллик йўлига кирган ориф шахс ҳаётини қарашлари баён этилади. Ғазалнинг қаҳрамони ўз қадрини биладиган, инсонлик ғурурини бойлик ва манфаатдан устун қўя оладиган шахс:

Биз истиғноғли қичқирмаган маъвога бормасмиз,

Агарчандики, хирмон айласа дунёга бормасмиз.

Шоирнинг асосий шиори- малоллик келтирмай яшаш. У нафақат жамиятнинг, балки табиатнинг малоллатига ҳам сабабчи бўлишни истамайди:

Агар лабташна қолсак, филмасал, саоройи оламда,

Малолат зоҳир этса, мавж урар дарёга бормасмиз.

Шоир эотиқодида собит. У бу ёлғон дунёдан кетгунча қарашларини ўзгартирмоқчи эмас. Шу тариқа шеърда ўз қадрини билган, эзгуликка интилан, ҳақиқатга астойдил етишмоқчи бўлган солиқ туйғулари самимий ифода этилган:

Эмасдур онча асбоби жаҳонга фикримиз, Фурқат,

Вале, кетгунча юз андишаи фардога бормасмиз.

Бу ва бундан ташқари кўзда тутилган Фурқат шеърлари таҳлил қилинганда, улардаги тимсолларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Дунёвий ва тасаввуфий тимсолларни моҳияти очиб берилади, булар ғазал мавзусидан ва фикрлар талқинидан келиб чиқилган ҳолда таҳлилга тортилади.

Шоир руҳиятидаги тўлғанишлар, пўртаналар билан табиатнинг уйғунлиги пейзаж лирикасининг гўзал намунаси “Фасли навбаҳор ўлди” ғазалида акс этганини уқтириш ҳам аҳамиятлидир. Зеро, унда кўклам келиши билан табиатда рўй бераётган гўзал ўзгаришларни ғоят синчиклаб кузатган шоирнинг қалб кечинмалари акс этган. Ўзбек тилининг ифода имкониятларидан маорат билан фойдаланган шоир ўқувчига ахборот бериб қолмай, унда кучли ҳис-туйғу уйғотади:

Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,

Гул уза томиб кам-кам, ёғди абрў найсонлар.

Фурқат кўклам манзарасини ўз ҳолича тасвирламайди, уни жонлантиради. У атрофдаги ҳар бир унсурни дилга яқин кишига муносабати нуқтаи назаридан тасвирлайди. Уларда “ёронлар”, яъни ёр-жўраларга интизорлик, интиқлик кўради. Киши кўзини қувонтираётган баҳорий кўкатлар шунчаки гўзал эмас, балки яқинларни кутиб олишга ҳозирлик кўраётгинлиги сабаб гўзалдир:

Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,

Наргис очубон кўзни интизори ёронлар.

Қисқаси, шеърда шоирнинг табиат ҳақидаги қарашлари жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари билан уйғунлашиб, шоирнинг лирик “мен”ини ҳаётӣй шахс, ўзгалар тақдирини ўз қисмати билан бир кўрган маърифатли шахс қиёфасида кўришга имкон беради.

Фурқат маърифатчилик адабиётига ўз лирик шеърлари билан катта ҳисса қўшганини доимий таъкидлаб бориш ҳам ўқитувчининг зиммасига тушади. Зеро, шоирнинг дастлабки шеърларидан тортиб, умрининг сўнгига қадар яратган битикларида кишиларни маърифатга чорлаш, илмнинг аҳамиятини тарғиб қилиш устувордур. Фикрни янгиламай туриб ҳаётни янгилаш ҳам, яхшилаш ҳам мумкин эмаслигини англаб етган шоир “Илм хосияти”, “Гимназия”, “Виставка хусусида” ва бошқа бир қатор маснавийларида ҳамда кўплаб ғазалларида маърифатчилик қарашларини олдинга суради, илмнинг аҳамиятини уқтириб, кишиларни илм ўрганишга чақиришдан чарчамайди:

Дейин сўзни илмнинг хосиятидин,  
Баён айлаб, анигнғ моҳиятидин.  
Бу сўзни гўши бор одам эшитсин,  
Ўзида хуши бор одам эшитсин.

Фурқат бу шеърда илмнинг аҳамияти, Искандардай жаҳонгир илм туфайли ўз номини тарихга битгани, Афлотун ҳам илми орқали “Муаллими аввал” рутбасига эришгани, илм ҳамма учун сув ва ҳаводек зарур эканини уқтиради. Ҳамма нарса илм орқали чиқишига ўқувчини ишонтиради:

Жаҳон басту кушоди илм бирлан,  
Надур кушоди дилни муроди илм бирлан.

Шоирнинг “Фурқатнома” насрий мемуар асарида ҳам илмнинг инсон ҳаётидаги ўрнига катта эътибор билан қаралган. Айниқса, унинг ети ёшидан мактабга боргани, саккизда “Мантиқ ут-тайр”га ошно бўлгани, тўққиздан ҳазрати Навоӣй асарини ўқий бошлагани, ўн бир ёшида Қурҳони каримни ҳатм қилгани, устозлари ҳақидаги қимматли маълумотлар, рус илм-фани, маданияти ҳақидаги хабарлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, шоирнинг маърифатпарварлик қарашларига баҳо беришда булар анчагина қўл келади. Айниқса, Тошкентда кўрган босмаҳона, гимназия, музей, кўргазма, театр каби тушунчаларнинг яхшилаш мумкинлагига кишини ишонтиради.

Шоирнинг “Адашганман” ғазали ва шу радифдаги муҳаммасида ички кечинмалар маҳорат билан очиб берилган бўлиб, унда ватан ёрқин бўёқларда кўрсатилган.

Хуллас, ўқитувчи ана шу мухтасар маълумотлар орқали Фурқат ижодига экскурсия қилади ва трснинг учун замин ҳозирлайди. Гуруҳларга бўлинган ўқувчилар танланган мавзулари бўйича иш бошлайдилар.

Тренингни ташкил қилишда гуруҳларни қуйидагича муаммолар билан банд қилиш зарурга ўхшайди:

1. Фурқатнинг ўзбек маърифатчилик адабиётидаги ўрни. Ҳаёт йўли. Ижодининг йўналишлари.

Асос: “Саргузаштнома”. Фурқатнинг шеърий тўпламлари. Хронологик жадвал

2. Фурқат – лирик шоир. Лирик шеърларида маърифатли шахс тимсоли. Шоир маҳорати муаммоси.

Асос: Фурқатнинг шеърий тўпламлари. Шоир ҳақидаги рисола ва мақолалар.

3. Фурқат – Маърифатпарвар шоир. Соф маърифий шеърларида маърифатли шахс қайғуси.

Асос: Фурқатнинг шеърий тўпламлари. Шоир ижоди ҳақидаги рисола ва мақолалар.

Навбатдаги бискичда ҳар бир гуруҳдаги ўқувчилар ўз мавзулари бўйича керакли далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрларини тасдиқловчи кўргазмалар, материаллар, имкони бўлса, аудио-видео техника, мақолалар тайёрлайдилар. Гуруҳдан бир кишини ҳимоя учун танлайдилар, қолганлари эса ўз фикрларини қўшимча қилишлари мумкин. Ана шу жараёнда Фурқатнинг маърифатга интилишларига кўпроқ урғу бериш керак. Юқорида ўқитувчи томонидан баёнда келтирилган фактларга, шунингдек “Саргузаштнома”га кўпроқ суяниш зарурлиги ўқитувчи томонидан уқтирилиши лозим. Айни чоғда, Фурқатнинг Тошкентдаги фаолияти, “ТВГ”да ишлаган пайтдаги кўрган-кечирганлари асосида ўқитувчи берган топшириқни ёритсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, Фурқатнинг қайси сабабга кўра Тошкентдан чиқиб кетганлиги, нима учун чет элларда қолиб кетганлигини баҳсу мунозарага айлантирилса, тренингнинг бу босқичи аҳамияти янада ошади.

Шу билан бирга, ўқитувчи бошқа гуруҳларга ҳам тайёргарлик кўришни шу гуруҳ тайёрланаётган вақтга нисбатан белгилаши лозим. Ҳимоя учун сўз берилган вақтда, бошқа гуруҳдагилар пассив тингловчига айланишлари лозим. Фаол тингловчи мақомида ҳимояланаётган гуруҳ аъзоларигина қоладилар.

Тренингнинг 3- 4-босқичида қолган гуруҳлар ўз мавзуси бўйича ҳимоя қилади. Ҳимоялар тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар бир гуруҳнинг ҳимояси вақтида ўқитувчи иложи борица уларга ҳалакит бермасликка, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмасликка, савол бермасликка ҳаракат қилади, ҳеч қайси гуруҳга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради, гуруҳлар ҳимояси вақтида тартиб

сақланишига ва мулоқатни ўтказишга қўйилган талаб, қоидаларни тўлиқ бажаришига эришишга ҳаракат қилади. Бу босқичда, асосан, ҳар учала гуруҳ эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари талаб қилинади.

Кўриниб турибдики, Фуркат ижодини ўрганишга бағишланган дарснинг дастлабки соати ўқитувчининг тренингга тайёргарлиги, шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маърузаси, ўқувчиларни гуруҳларга ажратиш, уларнинг вазифаларини белгилаш билан ўтади. Гуруҳдошлар биринчи ва иккинчи соат оралиғида ҳимояга тайёргарлик кўрадилар. Демак, иккинчи соат ҳимояга сарф этилади. Учинчи соат тренингнинг бешинчи ва олтинчи босқичлари ҳисобланади. Бунда гуруҳлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гуруҳлар томонидан бериладиган саволлар улар ҳимояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида шунингдек, оз гуруҳларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларнинг ҳам шу фикрга қўшилишларини даъват қилиш учун берилиши мумкин. Чунончи:

1-гуруҳ саволлари намунаси:

1. Зокиржон Фуркатнинг болалик даврига хос хусусиятлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?
2. Унинг болалигидаги кечмишлари унинг салафлари– Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий болалигидан қайси жиҳатидан фарқ қилади?
3. Фуркат болалик ва ёшлик йиллари замондошлари Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар ўғли ҳаётидан қайси томонлари билан фарқ қилади?
4. Фуркатнинг ҳаёт йўли билан ижоди орасида қандай боғлиқликни кўриш мумкин?
5. Шоир саёҳатларининг дунёқарашига, дунёқарашининг эса ижодига кўрсатган таъсирлари нимадан иборат?

2-гуруҳ саволлари намунаси:

1. Фуркатнинг лирик шеърларининг мавзу йўналишлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?
2. Фуркат шеърларидаги дунёвий ва сўфиёна белгиларнинг манбалари қайсилар?
3. Фуркатнинг лирик шеърлари қаҳрамонини “Маърифатли шахс” дейиш учун қандай тамойилларга таяниш мумкин?
4. Шоир шеърларининг бадиий хусусиятлари асосан, қайси тасвирий-таъсирий белгилар билан ўлчанади?
5. “На бўлди, нигоро” ва “Фасли навбаҳор ўлди” ғазалларидаги таъсирчанлик манбалари ғазалларнинг қайси ўринларида намоён бўлади?

3-гуруҳ саволлари намунаси:

1. Фурқатнинг маърифатчилик адабиёти ривождаги ўрни қайси шеърлари мисолида белгиланади?
2. Шоирнинг “Илм хосияти” маснавийсидаги:  
Дариғо, Фурқати беилм қолдим,  
Ўзимни жаҳл зиндониға солдим,-  
мақтаси мутафаккирларнинг қайси ҳикматли сўзларини эслатади?
3. Фурқат маърифатчилиги сўфийликдаги маърифатга чақиришдан қандай фарқланади?
4. Фурқатнинг рус илм-фани, маданияти ютуқларига муносабатини қандай изоҳлаш мумкин?
5. Фурқат ўз маърифий ғояларини бериш учун қандай мақсадни кўзлаб айнан маснавий шаклини танлаган ва бу орқали шоирнинг бадиий маҳорати қай тариқа намоён бўлади?

Саволларга жавоб берган ўқувчилар эркин ҳолда ўзларининг чиқишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга интилишлари лозим. Ўқитувчи бундай ҳолатда шароит, имконият яратади, бахс-мунозарани самимийлик билан бошқариши керак.

Тренингнинг сўнгги олтинчи босқичида ўқитувчи учала томоннинг ҳам бир-бирларига саволлари, айтадиган фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, бу фикрларни умумлаштиради ва ўзининг мазкур масала ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини баён этади ва гуруҳ ўқувчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга ҳаракат қилади.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гуруҳнинг машғулотни жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни якунлайди.

### **9-синфда Фурқатнинг “Келинчак” ғазалини ўрганиш**

**ҚДПИ п.ф.н., доцент в/б.**

**Б. Абдурахмонова**

Мактаб адабий таълимида адабий-назарий тушунчалар беришга алоҳида аҳамият берилган. 5-9-синфлар учун чиқарилган адабиёт дарсликларида қирқ олти назарий маълумотлар бериш режалаштирилган. Жумладан, 5-синфда ҳадис ҳақида, масал тўғрисида, ривоят ва афсона, шеър ҳақида, рубоий жанри тўғрисида, 6-синф адабиёт дарслигига эса қисса

жанри, саргузашт асар, бадий асар тили ҳақида маълумот бериш киритилган. Адабиёт дастури талабига кўра ўқувчилар бадий асар тили ҳақидаги илк маълумотга умумтаълим мактабларининг 6-синфида эга бўладилар. Абдулла Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси ўрганилгач, дастур талабига кўра бадий асар тили тўғрисида тушунча бериш кўзда тутилган. Ўқитувчи болалардаги ана шу билимга таянган ҳолда юқори синфларда ҳам бунга эътибор қаратади. 9-синфда Фурқат ҳаёти ва ижодини ўрганишга уч соат вақт ажратилган. Ўқитувчи шоир лирикасини ўргатиш жараёнида ғазалларининг тилини ўрганишга алоҳида аҳамият беради.

Дарс аввалида шоир ғазаллари ўқилади, сўнгра, ғазал таҳлилига ўтилади. Таҳлил жараёнида Фурқат шеърлари тилининг ўзига хослиги таъкидланади. Шоирнинг шеърларидаги сўзларнинг ҳозирги ўзбек тилига муносабати тўғрисида гапириб, орадан 150 йил ўтганлиги, ундаги сўзларнинг айримлари бугунги кун ўқувчиси учун тушунарсиз бўлиб қолгани, баъзилари эса истеъмолдан чиққани ёки фонетик ўзгаришлар орқали бизга қадар етиб келгани тўғрисида маълумот берилади. Бироқ шунга қарамай шоир шеърлари мавзу ва ғоя жиҳатдан пухталиги билан бугунги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмагани айтилади.

9-синф адабиёт дарслигида Фурқатнинг “Тортадур”, “Бормасмиз” радифли ҳамда “Келинчак” ғазаллари ўқиш учун берилган. Шоирнинг “Келинчак” ғазали катта ахлоқий-таълимий аҳамиятга эга бўлиб, унда ўзбек келинчагининг маънавияти ва характер хусусиятлари очиб берилган.

Дарсда “Келинчак” ғазалини ўқитувчи ўзи ифодали ўқиб бергани ёки синфдаги иқтидорли ўқувчилардан бирига ўқитгани маъқул. Дарсни мустаҳкамлаш қисмида ўқилган шеърнинг таҳлили мукаммал бўлиши, уни ўрганиш учун ғазалдаги сўзларни уч қисмга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг адабиёт дафтарида қуйидаги жадвал чиздирилиб, уни тўлдириш вазифаси топширилади. Хуллас, матн устида ишланади. Ўқитувчи ғазал байтларидаги сўзларни жадвалга жойлаштиришларини топшириқ қилиб беради. Ўқувчилар топшириқни таҳминан қуйидагича бажаришлари мумкин:

|                           |                                         |                                               |
|---------------------------|-----------------------------------------|-----------------------------------------------|
| Истеъмолдан чиққан сўзлар | Бироз ўзгариш билан қўлланадиган сўзлар | Ҳозир ҳам ҳеч ўзгаришсиз ишлатиладиган сўзлар |
| Ғоза, арғувон, нуқра.     | Тоб, рўймол.                            | Сурма, ўсма, хино, билакузук.                 |

Матн мазмунини тўла ва аниқ тасаввур этишлари учун дарсликда<sup>5</sup> берилган “Ўзбек келинчаги Фурқат тасвирида” деб номланган 5-топшириқни ўқувчилар мустақил бажаришлари учун берилади.

Бунда қуйидаги жадвалнинг ҳар бир хонасини ғазалдаги уларнинг мазмунига мос келадиган тушунча ва номлар билан изоҳлаб, уларни гуруҳлаштириш топшириғи берилади.

|                                                  |                                                                      |                                                                          |
|--------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|
| Миллий оройиш ашёлари ва зеб-зийнатлар           | Ташқи кўриниш ва кийимлари                                           | Маънавияти ва характер хусусияти                                         |
| Сурма, хино, ўсма, олтин узук, билакузук, гавҳар | Қора кўз, юзларда тоб, қошлар таранг, заъфароний кўйлак, нозик панжа | Жилвалар билан юрур, таннозу сатанг, паритек силкинур, шўхи-шанг, жафожў |

Бу усул ўқувчиларни матнга яқинлаштиради, ғазал мазмунини чуқур англашларига ёрдам беради, матндаги сўзларни гуруҳлаш эса Фурқат асарларининг тилини ўрганишларига хизмат қилади. Дарсни бундай шаклда ташкил этиш ўқувчиларда мавзунини узоқ вақтга қадар ёдда сақлашларига имкон яратади.

### **Фурқат поэтикасининг бир қирраси**

**Барно Хасанова**

<sup>5</sup> Ёйдошев Қ. Ва бошқалар. Адабиёт. 9-синф учун дарслик-мажмуа. Т., 2006., 167-бет.



Шарқ шеърятини манзур қилган жиҳатларидан бири уларда поэтик сўзга беназир ҳилқат сифатида қаралиб, уни илоҳийлик даражасида юксакликка кўтарилганлиги, маъно ва шаклларида алоҳида жилваланиш, алоҳида жозибадорликнинг намоён этилгани эканлиги кўп таъкидланган. Зокиржон Фурқат янги ўзбек адабиётининг сўзга чечан шоирларидан бири сифатида, шеърый сўзга меҳру-муҳаббат билан қараб, улар воситасида бир бирдан гўзал, такрорланмас ва таъсирчан тимсоллар тизимини яратган, анъанавий тимсол ва бадий тасвир воситаларига янгича рух, бетакрор жозиба бахш этган. Мумтоз шеърят хазинасидан мустаҳкам ўрин олиб, асрлар оша ўтиб келган поэтик тимсоллар, шеърый санъатлар шоир яшаган даврнинг талаб ва эҳтиёжлари, Фурқатнинг шеърый маҳорати натижасида, бирқадар янгиланиш касб этиб, улар таъсирида ҳаёлий тасвирлардан ҳаётийлик томон катта силжишлар юз берганини кузатиш мумкин.

Фурқатнинг “тортадур” радибли ғазали бор. Ҳажман каттагина - 10 байт. Анъанавий услубда яратилган: мураддиф ғазал, вазни - рамали мусаммани маҳзуф. Асосан, дунёвий маъшуқанинг таъриф- тавсифига бағишланган. Сўнгги байтлардагина ошиқ (лирик қаҳрамон) ўзининг мана шундай юксакликда турган маъшуқага қўли етмаслиги, натижада, ҳижрон дардидан бемисл эзилганлигидан шикоятларини беради. Матладаёқ маъшуқанинг кўзларига сурма тортиши, тортганда ҳам бежо тортиши, бунда дунё одамлари (дахр эли - ошиқлар) орасида ғавғо кўпиши янгича бир талқинда берилади. Иккинчи байтда эса, ана шу маъшуқа – дахр элини телбалантирган ҳилқатнинг портрети чизилади, тўғрироғи унинг кўзлари васф қилинади:

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,

Икки ҳинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.<sup>6</sup>

---

<sup>6</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Тошкент, Бадиий адабиёт нашр, 1960 й.-183-бет

Матла байтида радиф бўлган сўз жинос (тажнис) сифатида ишлатилиб, икки хил маънога ишорат қилган: сурма суртиш ва ғавғо тортиш (тўпалон чиқариш, жанжал қилиш). Кейинги байтда эса “тотрмоқ” сўзи “камонни отиш учун ипини ортга чўзмоқ” маъносини бериб, матладаги тажниснинг учинчи маъносини юзага келтирган. Гап бунда ҳам эмас, чунки бу каби усул анъанавий Навоийда, Бобурда учрайди. XVI асрда Ҳожа “кечадур” радифли ғазал битиб, мазкур сўзни 8 хил маънода қўллаб, ажойиб тажнис яратгани маълум. Ҳамма гап иккинчи байтдаги истиорада. Матлада шиор сўзни маъшуқанинг кўзини таърифлашдан бошлаган. Лекин бу ўринда айнан кўз эмас, балкиқора кўз, яъни маъшуқа асосий тасвир объекти асосий тимсол сифатида эътиборга олинган. Иккинчи байтда маъшуқа кўзлари истиоравий тимсол бўлган. Кўз тавсифи “икки ҳинду бача” – икки ҳинд боласи тимсоллари зиммасига юкланади. “Ҳинд” сўзи бу ўринда икки хил маънода – айни ҳинд маъноси ва “қора” маъносини беради. Мазкур тимсолни ўз даврида Бобур ҳам ишлатган: “Ўз ерни қўйиб ҳинд сори юзландим...” Унда ҳам ўз ва кўчма маънода, яъни “жуғрофий ҳудуд” ва “қора” маъносида ишлатилган. Чунки рубоийнинг кейинги мисраси юз қаролиги ҳақида. Бу паралеллик рубоийдаги маънони анчайин кучайтиришга сабаб бўлган. Фурқатдаги “икки ҳинду бача” тимсоли байтда кўз маъносини беришдан ташқари, яширин ташхис вазифасини ўтаган ҳолда, маъшуқанинг кўз қаролигига тўла урғу беряпти. Айни чоғда мумтоз адабиётда маъшуқанинг қошларини ёй(камон)га, киприкларини ўк(пайкон)га, менгзаш муомалага жуда эрта кирган ташбеҳлардан. Бироқ Фурқат мазкур анъанавий ташбеҳларни бир жонлантириш доирасига олиб киради-ки, натижада маъшуқанинг, кўз, қош, қабоғ, киприклар ҳам ўта назокатли тасвир ичида намоён бўлади. Шу байтдаги “фаттон” сўзини “фитнакор” маъноси билан уйғунлашган “ўзига тортувчи” маъносидаги “мафтункор” сўзи ўрнида тушунмоқ маъқул. Чунки, матладаёқ маъшуқанинг мафтункорлигига урғу бериб ўтилган. Шу ғазалдаги “Кокулингдан бўй олган боғнинг тупроғидур, Боғбон сотмоққа доим мушки соро тортадур” байтини ҳам шоирга хос бир

топилма деб санаш мумкин: кокул, мушк, тупроқ ташбеҳларининг таносуби шоирга хос янгилик.

“Кечалар” сўзини радиф қилган бир ғазалида, худди “тортадур” сўзига ўхшатиб, бу сўзни турли маъноларда ишлатган. 7- байтда эса, муболаға ва ташхисни уйғун ҳолда қўллайди, маъшуқанинг соч қаролиги ва шундан юзага келган ҳусн гўзаллигини ғоят таъсирчан ифодалашга эришган:

Йул адошиб кўкда ой ҳоли паришон ўлмасун,  
Бир мурувват кўргазу тарқатма гису кечалар<sup>7</sup>

Аввало, маъшуқа гўзаллигидан мутаассир бўлган кўкдаги ой ўз йўлида адашиб қолади. Бу ҳам етмаганидек, маъшуқа тун каби қаро сочлари (гису)ни

Шу қадар ёйиб (паришон қилиб) ташлайдики, соч қаролиги олдида тун қорлиги ҳеч бўлиб қолади. Кўкдаги ой бу қаролик орасида ўзини тамомила йўқотиб, йўлидан адашади. Бу каби тасвир Фурқат салафлари шеъриятида деярли учрамайди ёки учраса ҳам, анчайин бошқача шаклда келади.

Фурқатнинг “Келинчак” деб шартли номланган Фузулийга тазмин ғазалида ҳам янгилик сифатида баҳолашга арзигулик сўз-тимсоллар, тасвирий восита вазифасини ўтаган калималар талайгина учрайди. Матладаги анъанавий сўз – тимсоллар доирасида “ғозадин юзларда тоб” ифодасини қўллайди. Бир қарашда, бу ифода у қадар тушунарсиз туюлади. Лекин “ғоза” сўзини “пардоз-андоз” маъносида англашиладиган бўлса, фикр ойдинлашади: маъшуқанинг юзи пардоз-андоз туфайли силлиқлашиб, товланиб, ялтираб кўринади. Иккинчи байтда устига заъфароний (сарик, олтин рангда) кўйлак ва арғувоний (қизил, Шарқда қип-қизил гуллайдиган дарахтни “арғувон” дейишган ва бу сўз истиора сифатида илк бор “Қутадғу билиг” да ишлатилган. Фурқат бу ўринда от туркумидаги сўзни – ий қўшимчаси воситасида сифатга айлантириб ҳам оригинал сўз – тимсол яратишга эришган Б. Ҳ.) камзул кийган, рўмолини пешонасига танғиган

---

<sup>7</sup> Шу тўплам, 184-бет

келинчакни тасвирлайдики, булар ҳам Фурқатгагина хос бўлган янгича тасвирлар саналади. Айниқса, сўзга бошқача маъно юклаш Фурқатда кўп учрайди. Масалан, “танноз”, “сатанг”, каби сўзлар жонли сўзлашув тилида кўпроқ салбий маъноларда ишлатилади. Бироқ, Фурқат, бу сўзларга-да ижобий рух беради:

Гамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,  
Турфа бир ноз, офарин, пуришва таннозу сатанг.<sup>8</sup>

Шуниси қизиқки, “танноз”, “сатанг”, сингари сўзлар ўзидан олдин ишлатилган “пуришва” сўзи таъсирида тамомила ижобийлик касб этган. Қолаверса, байтдаги бошқа сўзлар ҳам мазкурларнинг “ижобийлашувини” таъмин этган.

Хулоса қилиб айтганда, Фурқат сўзга чечан шоир сифатида ҳар бир шеърида янгича сўз-тимсоллар қўлагани, анъанавий тасвир воситаларига янгича рух бағишлагани унинг ардоқли шоир бўлиб етишуви ва эларо катта эътибор топганини таъминлаган, дейишга тўла ҳақлимиз.

### **Фурқатнинг бир тахмиси ҳақида**

**Талаба: Ирмухамедова Г.**

Тахмис – арабча сўз бўлиб, бешталик қилиш, бештага етказиш деган маънони англатади. Муҳаммаснинг бир тури ҳисобланади. Тахмис бандлари ҳам муҳаммас сингари беш мисрадан иборат бўлади. Тахмис бир шоиргагина боғлиқ бўлмай, балки икки шоирнинг мисраларидан ташкил топади: дастлабки уч мисра тахмис ёзаётган шоирга, кейинги икки мисра эса тахмис ёзилаётган шоир ижодига мансуб бўлади. Тахмисда ҳар иккала шоирнинг бир бандни ташкил этаётган мисралари мазмун ва шакл жиҳатдан ўзаро мос бўлиши талаб этилади. Тахмисни одатда, бирор-бир шоирнинг ғазалига муҳаммас деб таъкидлаб ёзганлар. Ўзбек мумтоз шеъриятида Мунис, Огаҳий, Амирий, Завқий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқатларнинг Навоий,

---

<sup>8</sup> Шу тўплам, 55-бет.

Фузулий, Машраб сингари шоирлар ғазалларига ёзган тахмислари маълум. Тахмис ёзиш шоирдан катта маҳорат талаб этади, чунки тахмис яратувчи шоир ўзидан аввал яшаб ижод қилган шоирларнинг етук ғазалларини ривожлантириб, анъаналарини давом эттирганлар. Тахмиснинг сўнгги бандида шоирлар тахаллуслари эслатиб ўтилади. Фурқатнинг “Кавлама” номли мухаммаси ҳам тахмис асосида яратилгандир.

Фурқатнинг шеърий мероси жуда ранг-барангдир. У жуда кўп ғазал, мусаддас, мустазод, мухаммас каби ўнлаб шеърий жанрларда ижод қилган. У Қўқонда яшаган пайтида жуда кўп мухаммас ёзади. Фурқатнинг шеърий меросида тахмис жанрининг ўрни жуда катта. Фурқат асосан Навоий, Фузулий, Машраб ва бошқа қалам аҳллари яратган асарларни катта қизиқиш, ўзгача ҳурмат ва юксак эҳтиром билан ўрганади. Уларнинг асарларида мажозий ишқ, одамийлик, инсондаги барча эзгу фазилатлар Фурқатнинг диққат-эътиборини ўзига тортади ва уларнинг ғазалларига атаб кўплаб мухаммаслар ёзади.

Фурқат Машраб ғазалларига катта қизиқиш билан қараган. Унинг асарларини севиб ўқиган. Ўша асарлардан илҳом ва ибрат олган. Фурқатга Машрабнинг қаландарлик йўлини тутганлиги, Аллоҳга ошиқ бўлиб, девонага айланганлиги, кўп шаҳарларда бўлганлиги маъқул тушган. Машраб ғазалларида бош мавзу – Аллоҳга бўлган ишқдир. Фурқат Машраб ғазалларидан таъсирланиб, илҳомланиб, унинг ғазалларида баён этилган фикрларни, ғояларни қўллаб-қувватлаб, ушбу “Кавлама” номли тахмисини яратган.

Тахмиснинг ғоявий мазмуни – Аллоҳга бўлган ишқдир. Асар асосан, мажозий ишқ ҳамда ижтимоий, фалсафий, тасавуфий йўналишда яратилган.

Бундан ташқари, шоир асарда камтарлик, сабрлилик, тоза диллилик, одамийлик маърифатли бўлишликни, тўғри йўлдан боришликни илгари суради. Дарҳақиқат асарнинг бош ғўяси Аллоҳга бўлган ишқдир. Шундай экан ушбу мисраларга эътибор қаратайлик:

Ишқ савдоси тушиб бошимга, аҳволим хароб,  
Жоним айлар тан аро сиймоб янглиғ изтироб,  
Таъна қилма, зоҳидо, кўнглумда ғамлар беҳисоб,  
То кишиға дард тегмай бўлмади бағри кабоб,  
Дилда дардинг бўлмаса дарди саримни кавлама!

Диққат билан эътибор берсак, бу банднинг замирини, моҳият эътиборини Аллоҳга бўлган ишқ ташкил этади. Унда шоир Аллоҳга бўлган ишқи туфайли аҳволи хароб бўлганлигини, жони тан ичида сиймоб сингари изтироб чекаётгани тасвирланган.

Тахмис ааааа, бббба, ддда тарзида қофияланган.

7-банди – Машрабга

7-банди – Фурқатга тегишли

Тахмис аруз вазнида ёзилган.

Ошиқи дилдодадурман дилбаримни кавлама,

– v – – – v – – – v – – – v – –

Ахгар олди ғам ўтида пайкаримни кавлама.

– v – – – v – – – v – – – v – –

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Рамали мусаммани маҳзуф

Асарда кўплаб бадий санъатлар қўлланган.

1-бандга эътибор берайлик:

Сайр қилдим баҳру бар хушку таримни кавлама

мисраларидаги баҳру – бар, хушку – тар сўзлари орқали ўзаро зид маънони, яъни таъзод санъатини кўришимиз мумкин.

2-банднинг 4-5-мисраларидаги

Ҳар замоне Лайлидин менга китобатлар келур  
Санки Мажнун бўлмасанг сардафтаримни кавлама!

жумлаларидаги Лайли ва Мажнун сўзлари адабий қаҳрамонни келтириш  
йўли билан таълимий санъати қўлланган.

3-банднинг 2-мисрасидаги

Йўқса мискин на билур шахзодаларни ҳолини

Жумласидаги мискин ва шахзода сўзлари орқали тазод санъати қўлланган.

3-банднинг 4-мисрасидаги

Хона вайронлар билур афтодаларнинг ҳолини

Мисрасидаги хонавайрон – афтодалар сўзлари бир-бирига мослиги билан  
таносуб санъатини кўришимиз мумкин.

4-банднинг 2-мисрасига эътибор қилсак:

Жоним айлар тан аро сиймоб янглиғ изтироб

мисрасидаги сиймоб сўзи орқали ташбих санъати қўлланган.

3-банднинг 1-2-мисраларидаги:

Ғамдин озода билур озодаларни ҳолини,

Йўқса мискин на билур шахзодаларнинг ҳолини.

мисрасидаги озода орқали истиора, мискин орқали ташбеҳ қўлланган.

5-банднинг 1, 2, 4-мисраларидаги

Неча кунлар ҳамдам ўзга ваҳшию тайр айладим,

Билмадим бу йўлда шар қилдим ваё хайр айладим,

Ламаконни шахрини бир ҳу била сайр айладим.

мисраларидаги ваҳшию тайр сўзи орқали очик ўхшатиш, яъни ташбеҳи  
мутлақ қўлланган.

2-мисрадаги шар ва хайр сўзлари орқали тазод санъатини, 4-мисрадаги  
Ламакон сўзи орқали шартли ўхшатиш – ташбихи маршрут қўлланган.

6-банднинг 3-мисрасидаги

То шариятни тутиб қўйдим тариқатга қадам

жумласидаги тариқат ва шарият сўзлари ўзаро таносубни ҳосил қиляпти.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки, Фурқат ўзбек тахмисчилигини ривожлантиришга, яна кўплаб шоирларни тахмис яратишига туртки бўлган ўзбек драматургидир. Айниқса, шу тахмиси орқали ўзбек тахмисчилиги ривожланишига катта ҳисса қўшган.

### **Фурқат ва Ғарибий**

**Зоҳидова Д.**

**ҚДПИ, ф.ф.н. катта ўқитувчиси**

Ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоий ва Бобур, Мунис ва Огаҳий, шунингдек, Муқимий ва Фурқат каби ўз адабий мактабларида шогирд-издошларга ижод йўлланмасини берган ёрқин сиймолар кўпдир. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Муқимий ва Фурқатларга издошлик йўлини тутиб, ўз истеъдодлари билан девон соҳиби даражасигача кўтарилган шоирлар анчагинадир. Қўқон адабий муҳитининг вакилларидан бўлган Мулла Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий (Шуҳрат)<sup>9</sup> (1877-1961) давр адабиётининг шундай намояндаларидандир. Мазкур шоир истиқлол туфайли номи ва ижоди қайта кашф этилган адабий сиймодир.

Бир хил тарихий шароитда яшаб, маслак, савия, истаклари муштарак жиҳатларга эга бўлган ижодкорларда ҳаётий муносабатлар ҳам кўпинча ўхшаш бўлади. Буни бир адабий муҳитнинг вакиллари бўлган Фурқат ва Ғарибийлар ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳар иккала шоир шеърияти ўртасидаги умумийлик, аввало, улар ижодига хос ғоявий

---

<sup>9</sup> Мулла Умрзоқ Абдували ўғли Ғарибий 1926 йилдан кейин Шуҳрат тахаллуси билан ижод этган.



йўналишга тегишли. Уларнинг асарларида қуйидагилар жиҳатлар уйғун ҳолда акс этган:

-Шарқ мумтоз назмиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, ривожлантириш;

-XX аср бошларидаги миллий уйғониш ва маърифатпарварлик тамойилининг ўзига хос бадиий ифодаси;

-Дунёқарашнинг фалсафий-ахлоқий замини сифатида тасаввуфга суяниш;

-Ватанга муҳаббатни ардоқ ва эътибордаги мавзу сифатида талқин этиш;

Фурқатнинг кичик замондоши бўлган Ғарибий шеърларида ҳам унинг ижодида кузатилгани каби «яхши–ёмон», «оқил–жоҳил», «доно–нодон», «мўътабар–муфлис» каби қарама-қаршиликларни жуфтлаштириш орқали ижтимоий адолатсизликлар очиб ташланади. Унинг

*Мўътабар эл ичра бўлмишлар мунофиқрўйлар,  
Бўлди кизб аҳли баланд, пастда қолиб ҳақгўйлар.  
Бу жаҳон оқиллара мотамсародур доимо,  
Аҳмақу нодонлара ҳар соате минг тўйлар.<sup>10</sup>*

каби мисралари Фурқат қалами билан битилган

*Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен,  
Айшни нодон суриб, кулфатни нодон тортадур*

байтига мазмунан ҳамоҳангдир.

---

<sup>10</sup> Ғарибий. Девон: ҚАМ қўлёзмаси, сақл. р. 373, 22б-варақ. (Бундан кейин девондан олинган мисолларнинг саҳифаси ёнида кўрсатилади)

Ғарибий шеърлари орасида руҳи, йўналишига кўра Фуркатнинг машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд» мусаддасига яқин турувчи бир асар бор. У шоир Камийнинг қумрига мурожаат тарзида ёзилган ғазалига боғланган мухаммасдир. Унда лирик қаҳрамон қафасдаги қумрига шундай мурожаат этади:

*Дегил манго, недин афтодаҳолу нотавон бўлдинг?  
Ниҳолин боғидин бўлгон жудо гуллар каби сўлдинг?  
Тамасхур бирла ё бир аҳли дард ҳолин кўруб кулдунг?  
Қафас зиндонига, бўйнингда гул, недин асир ўлдинг?  
Магар бир журм ила ҳукм ўлди жононингдин, эй қумри.*

*Чекилди сафҳаи гардунга ашқинг обидин марқум,  
Вужудинг изтироб бирла турар, кўнглунг арому бум?  
Баёни ҳоли дил эт не сабабдин бўлдузинг мағмум,  
Ки, бир сарви сихи қад интизорин чекдугинг маълум  
Синуқ рангинг била бу чашми ҳайронингдин, эй қумри. (Д., 81а)*

Келтирилган парчада Ғарибий ва Камийнинг қумрига туйғудош бўлиб, унинг ҳол-аҳволини сўроқлашлари фақат фикр таъсирини орттириш мақсадида қўлланган бир усул эмас. Тўғри, шеърда қумри бадий тимсол, унга қилинган хитоб лирик қаҳрамон кечинмаларининг ёрқинроқ ифодаси учун восита бўлганини инкор этиб бўлмайди. Лекин шеърнинг таъсирини оширган жиҳат фақат бугина эмас. Унга алоҳида таъсир ва шукуҳ берган нарсалирик қаҳрамоннинг табиатнинг ўзи каби тирик бир хилқати – қумрига нисбатан чуқур меҳр, шафқат, ғамхўрликка эгаллиги. Қаҳрамонига шоир қалбидан кўчиб ўтган бу кечинмалар агар унинг ҳаёт

муносабатларидан туғилмаганида, шеърда бу қадар самимият таъмин этилмаган бўларди. Фурқатнинг мусаддасидаги «сайд»га ҳам эркисизлик тимсоли сифатида рамзий маъно жойланган бўлса-да, шоирнинг тутқунлик ва айрилиқ ҳақидаги фикрларини қоралов остида умумлаштиришига бундай озорли ва шафқатсиз вазиятни фақат инсонга эмас, жониворга ҳам раво кўрмаслиги туртки бўлган. Манбашунос олим Н.Жабборов мусаддаснинг ёзилиш тарихи билан боғлиқ далиллар қаторида ўзи аниқлаган бир ҳужжат мазмунини келтиради. Унда айтилишича, Фурқат шеърининг яратилишига ҳинд сайёдининг тузоғига илинган кийик воқеаси сабаб бўлган.<sup>11</sup> Бу манбада билдирилган фикр «Сайдинг кўябер, сайёд»нинг юзага келиш сабабини қанчалик холис изоҳлайди ёки йўқ, бу бизга номаълум. Лекин Фурқат мусаддасининг ҳам, Ғарибий тахмисининг ҳам яратилишида шафқат ҳисси бутун кенглиги, тўлиқлиги билан туйилгани ҳақиқат.

Анъаналарга муносабат ва адабий таъсирнинг муҳим кўринишларидан бири мухаммас боғлашдир. Ғарибий Ҳофиз Шерозий, Навоий, Машраб, Фузулий, Ҳувайдо, Ҳозик, Амирий, Нодира, Муқимий каби устоз шоирлар қаторида Фурқатнинг ҳам икки ғазалига тахмис боғлаган. Фурқатнинг тасаввуфий йўналишдаги «бўлурму» радифли ғазалига боғланган мухаммасда ғоявий-бадий яхлитлик сақлаб қолинган бўлиб, унда устоз ижодкорнинг анъаналари Ғарибий қаламида муносиб давом эттирилган:

*Юз ўгуриб жаҳондин, хўбларга ўзни қотмай,*

---

<sup>11</sup> Жабборов Н. Фурқат асарларининг кўлёзма манбалари: Филолог. фанлари номзоди... дис. автореф.- Т., 1994., 7-бет

*Сар побарахна йиллар комилга хизмат этмай,  
Санги қаноат ила нафс гарданин ушотмай,  
Етмиш икки маротиб бу йўлда ўзни сотмай,  
Ишқини Боязиддек даъво қилиб бўлурму?*

*Тийги ҳавойи бирла жисмингни қилма ранжур,  
То тонумай ўзингни, эй бандадур ишинг гўр,  
Лоф урма сирри ишқдин, кўнглингда минг ҳавасдур,  
Чилтан шаробин ичмай, бош ўйнамай чу Мансур,  
Дор узра деб «анал-ҳақ», гавго қилиб бўлурму?*

*Дунёи бевафонинг ҳавосидин кечинглар,  
Ағёрдин юмуб кўз, ҳақ сориға кочинглар,  
Дил мазраъига тоат тухмин, аё сочинглар,  
Ғофилни суҳбатидин жон борича қочинглар,  
Дўзах аро, чунончи, маъво қилиб бўлурму?*

Фурқат таъсирининг бадий ифодаси сифатида яратилган Ғарибий шеърларидан бири «Таманной саёҳат» деб номланади. У Фурқатнинг «Истар кўнгул» мухаммасига ўхшатма тарзида битган. Ғазал Фурқат мухаммаси каби фасли баҳорда табиат ўзалликларига ошуфталик истаган кўнгул ҳақида. Ғарибий ғазали Фурқат шеъридан жанр эътибори билан фарқланса-да, радиф, қофия, вазн жиҳатлари билан унга монанд. Бадий тасвир усуллари ҳам мухаммасникига ҳамоҳанг:

*Ғуссадин ўн икки ой фасли баҳор истар кўнгул,  
Ҳар тарафда сабза бирла лолазор истар кўнгул.*

*Моҳи мазкурдин бир ой ихрож этиб, вақти қимиз  
Улфати соз ила кабки кўҳсор истар кўнгул.  
Бўлса содиқ маҳраме дил сирридин оғаҳ агар,  
Дафъи савдолар учун сайри мазор истар кўнгул.*

Ғарибий ғазалининг якунловчи байтлари Фурқатнинг сўнгги Мунча қилгон орзулардин муяссар бўлмаса, Фурқатий узлат учун бир кунжи гор истар кўнгул, – мисраларидан мазмунан батамом янгичадир. Зеро, тахмис ёки назира ёзишда мавзу йўналишини сақлаган ҳолда унинг доирасини янги ғоялар билан бойитиш маҳорат белгиси ҳисобланади. Ғарибий ғазалининг охириги байтлари кўнгилда туғилган истакларнинг сабабини изоҳлайди: ўз диёридаги саргашталиқ туфайли шоир ўзга маъво ҳақидаги орзуларга берилган эди. Лекин шунга қарамай, унинг учун она юрт ишқи ҳар қандай истак-хоҳишлардан устун. Шунинг учун кўнгил қаерда бўлмасин, ватанга қараб талпинади: *Турфа саргашта бўлубман ўз диёримда нетай,  
Кеча-кундуз бўљажаб ўзга диёр истар кўнгул.  
Бош олиб кетсам, Ғарибий, ҳар қаён ҳижрат қилиб,  
Гоҳ-гоҳ «ҳуббул-ватан» деб Ёрмазор истар кўнгул (Д., 56<sup>а</sup>).*

Айтиш керакки, бу шунчаки шоирона таъбир эмас, балки кўп йилларини сафарларда кечириб, ватандан ташқарида унинг ҳақиқий қадрини англаб етиш баробарида иймони чиниққан Ғарибийнинг чин иқрори эди.

Намуналари кўриб ўтилган шеърлар мисолида Ғарибийнинг Фурқатдек устоз сўз санъаткоридан мазмунни бой ва теран

мундарижада, инсоний ҳиссиётларни нозик ва жозиб шаклларда бериш каби муҳим жиҳатларидан ўрганганлигини кузатиш мумкин.

Қуйида Ғарибий(Шуҳрат)нинг Фурқатнинг машҳур “Сурмадин кўзлар қаро” деб бошланувчи ғазалига боғланган мухаммаси илк марта ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

### ФУРҚАТ ҒАЗАЛИГА ШУҲРАТ МУХАММАСИ

*Бир париваи қоматин кўргач, бўлубман ҳангу манг,  
Лол ақлим, ҳуш учуб, таҳсинида бошлар гаранг,  
Шарҳ қилсам васфидин, аҳбоблар, манга қаранг:  
Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лоларанг,  
Ғозадин юзларда тобу вўсмадин қошлар таранг.*

*Билмадим, ким? Насли одам ё фаришта ёки ҳур,  
Турфақим, бошдин аёғи дилрабонинг гарқи нур,  
Қомати ул шўҳшангнинг мунча ҳам зебандадур,  
Заъфароний кўйлак узра арғавоний камзуҳур,  
Рўймол оғушидан пешонанинг аҳволи танг.*

*Боғи ҳусн ичра киши кўргон эмас мундоғ ниҳол,  
Қаддидин сарве хижолат, кўз қаросидин газол,  
Лола бағрин доғ этиб лаб ости, ораз узра хол,  
Бори нозук панжасалар олтин узукдин зеби нол,*

*Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.*

*Топса жон, не тонг, ўлук, қилса такаллум, нўйханд,  
Хури жаннат ҳуснининг олдида эрмасдур писанд,  
Зебу оройиш юзида, деса бўлмас чуну чанд,  
Гавҳар оққон ҳалқалар сийми баногўшида банд,  
Кўринур зулфи тунида субҳи содиқдек аранг.*

*Нимнигаҳ бирла неча ошиқни бетийғ ўлдурур,  
Ноз бирла йиғлатиб, лутфи-ла гоҳи кулдурур,  
Ўт солиб оламга юздин гоҳ, яксар куйдурур,  
Ғамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,  
Турфа бир нозофарин, пуришва, таннозу сатанг.*

*Кимга дерман ҳасратимни ул ситамгар дастидин,  
Бош олиб кетмоққа йўл топмай баланду пастидин,  
Жон берурдин ўзга чора йўқки дабби шастидин,  
Йўқ қутулмоғлиқ манго ул офати жон қасдидин,  
Қасдима қошлар камон, пайваста мижгонлар хаданг.*

*Соқие, махмурман, таъхирсиз бергил аёғ,  
Кўз боқардин, қўл тутар, рафтордин қолди аёғ,  
Нўш этай то ўзни билмай, қуртулай ғамдин бу чоғ,  
Ул париваиш ишқидин гаҳ телбадурман, гоҳи соғ,  
Чунки бордур ўртамизда гоҳи сулҳу гоҳ жанг.*

*Зулму бедодеки, Шухрат, манга бадхў айлади,  
Қилгонин ул рахнагарнинг қайси ҳинду айлади,  
Лутфи хўбин борҳо бадмеҳр ҳар сў айлади,  
Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожў айлади,  
Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонга фаранг.*

### **Фурқат шеъриятида харобот аҳли талқини**

**И. Маннопов,  
Ўзбек адабиётшунослиги  
кафедраси ўқитувчиси (ФарДУ)**

Ўрта Осиёда турли тариқатлар ва тасаввуфий оқимлар вужудга келиб, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётига сезиларли таъсир қилганлиги маълум. Яссавия, кубравия, нақшбандия, қодирия сингари йирик тариқатлар бунга мисол бўла олади. Лекин шундай оқим ва тоифалар борки, ҳали тўла ўрганилган деб бўлмайди. Шундай оқимлардан бири хароботийлар ҳисобланади.

Шоир нима сабабдан хароботийлар мавзусига қўл урган? Фикримизча, у Янги Марғилонда савдо ишлари билан шуғулланиб юрганда, бу тоифа вакиллари билан танишган, улар билан ҳамсухбат бўлган. Фурқатнинг “Уч хароботий” деб номланган шеъри мазмунига қараганда ўша даврда хароботийлар тоифаси мавжуд бўлган (Бу жамоанинг энг сўнгги йирик вакили Махсимдада исми билан танилган шахс бўлиб, у зот Марғилонда яшаб, 2008 йилнинг декабрь ойида вафот этди).

Шеър таржеъбанд ва мусаддас жанрларининг шакли ва хусусиятларини ўзида мужассам этган. Шеърда олти мисрали бандларнинг сони ўн бешта бўлиб, жами тўқсон мисрани ташкил этади. Ҳар уч банд (жами



ўн саккиз мисра) ўзаро қофияланган. Шеър шаклининг шу хусусияти таржеъбанд жанри талабларига мос келади. Ҳар бир банднинг бешинчи ва олтинчи мисралари бутун шеър давомида айнан такрорланиб келиши эса мусаддас жанри талабларига мос тушади. Шунинг учун бу шеърни шартли равишда таржеъбанд-мусаддас деб аташимиз керак бўлади.

Бу асар харобот аҳлининг феъл атвори, руҳий ҳолати, турмуш тарзи, карашлари ҳақида тасаввур бера олади. Шеър мазмунини тўғри ёритиш учун тасаввуфий оқимлардан бири бўлган хаработийлар ҳақида ҳеч бўлмаганда тасаввур ҳосил қилиш керак бўлади.

Алишер Навоий ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ўз замонасининг ўттиз тўққиз тоифаси ҳақида маълумот беради. У яшаган даврда бу тоифа сезиларли даражада танилган бўлса керакки, “харобот аҳли”га ҳам ўз муносабатини билдириб ўтади. Уларни “бошида май ҳаваси” дея доимо маст ҳолатда бўлишлари ҳақида хабар беради. Дастлаб ўқувчида бу тоифа ҳақида салбий тасаввур ҳосил бўлади. Лекин Алишер Навоий уларни “нафслари тупроқ”, “ҳимматлари осмон”, “замоннинг яхши ямони билан иши йўқ” дея таъриф берар экан, “замон зўравонларининг зулмидан шундай кун кечиришга ҳақли бўлса, Ҳақнинг авф ва марҳаматига лойиқдир”, - деб уларни оқлашга ҳаракат қилади. Бу тоифага юқори баҳо беради: “Ринд ва гадолар етишган давлат ва саодатга шоҳлар ҳам ҳасрат билан қарайдилар”<sup>12</sup>.

Ҳаробот аҳли таърифидан сўнг, рубоий келтирилган бўлиб, унда риндларнинг дунё ва охиратга майли йўқлиги, Ҳақ раҳмати умидидан тун-кун маст эканликлари, фирибгар зоҳиддан афзал эканликлари мазмуни ифодаланган. Асарнинг аҳамияти шундаки, муаллиф нигоҳида ўқувчи ринд ва харобот аҳли ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Уларнинг илоҳий ҳусн шайдоси, илоҳий ишқ талабгори бўлган ошиқларнинг ўзига хос бир тоифаси эканлиги аён бўлади.

---

<sup>12</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, 1983 йил. 43-бет.

Зокиржон Фурқат қаламига мансуб “Уч хароботий” шеърининг биринчи бандидаёқ хароботийлар тилидан уларнинг руҳий ҳолати аниқ ифодаланган:

Уч хароботий эрурмиз сокини майхонамиз,  
Хум бошидан чарх уруб, монанди парвонамиз,  
Маст ўлубмиз жўшиши майдин ажаб девонамиз,  
Ҳолимиз дунё ғамидин, фориғи кошономиз,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизнинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўқ эрур армонимиз.

Шеърнинг ҳажми анча катта бўлиб, уни тўлиқ шарҳини бир мақолада камраб олиш қийин. Кейинги бандлар воқеабанд характерга эга. Уч хароботий шеърда “ёр”, “махваши хушхўда”, “шўхи ширингўда”, “парӣ” дея ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олинган зотнинг зиёратига боришади. У зотнинг хаста ҳамда уйқуда эканлиги маълум бўлади. Унинг ҳузурида табибни кўрган шеър қаҳрамони ранжийди:

На учун келдинг ҳаримиға, аё нодон табиб?  
Бизлара ағёрдурсан, бедарак, афғон табиб...

Шеър қаҳрамони табибга хитоб қилар экан, “ёр”нинг дардига дорилар дармон бўлолмаслигини айтиб, уни бу амалдан қайтаришга ундайди. Шеър мазмунидан ҳастанинг илоҳий ишқ дардига мубтало бўлганлиги, табиб бу дардни даволашга ожиз эканлиги аён бўлади. Шунингдек, уйқудаги “ёр”нинг юзи “ҳасрат ва қайғули”, тани “заъф ва фарсуда” эканлиги ҳақидаги тасвирлардан ошиқ хароботий образи намоён бўлади.

Ривоятларга кўра, риндларнинг энг кўзга кўринган намояндаси Умар Хайём бўлган. Хароботийлар ўз дуоларида Фаробий, Умар Хайём сингари тарихий шахсларнинг исмларини ҳазрати пайғамбар (с.а.в.)нинг исмларидан сўнг албатта тилга оладилар. Хароботийлар ҳақида алоҳида китоб ёзилмаганлигининг сабаби, бу тоифанинг анча мураккаб феъл-атворга эга эканлигида. Ринд ва Аллоҳнинг ўртасидаги Сирдан ҳеч ким хабардор бўла олмас экан. Уларнинг май ичишлари шариат ҳукмига зид бўлганлиги учун

мусулмон шарқида анча тўсқинликка учраганлиги, ғанимлари бисёр бўлганлиги аниқ. Бу шоир Фурқат яшаган даврга ҳам тегишли. Шеър қаҳрамони хароботий ошиқнинг уйқуси рақиб тўда ва жинслар туфайлидир, деган риторик савол билан мурожаат этади:

Уч мукаддар кўйиға бордук рақиблар тўдадур,

Ё сабаб жинслардин ул пари уйқудадир?

Харобот аҳлининг бир хислати маломатийларга ўхшаб кетади. Маълумки, маломатийлар ўз нуқсон ва камчиликларини халқ ичида яширмаганлар. Шу орқали иккиюзламачилик, мунофиқлик иллатларидан қутулишга ҳаракат қилганлар. Ринд ва харобот аҳли эса ўзларини ниҳоятда хор-зор тутганлар. Ўзга кимсаларнинг ҳазар қилишларини, бошларига бало ёғилишини хурсандчилик билан кутиб олганлар. Бу жуда қизиқ психологик ҳолат. Ринд ва харобот аҳлининг мана шу руҳий ҳолати шоир таҳаллуси қўлланган мисрада акс этган:

Бошидин турғил нари, беҳуда, беъмани табиб,

Фурқатийдин қил ҳазар, албатта, эй жўгий, табиб...

Шеърдан кўриниб турганидек, Зокиржон Фурқат дунёқарашига харобот аҳлининг феъл-атвори, ишқий ва жунун ҳолати катта таъсир қилган. Бўлмаса, шеър қаҳрамони – хароботийнинг руҳий ҳолатини бунчалик таъсирли ифодаламаган, уларга бағишлаб шеър ёзмаган бўлар эди. Шунингдек, ўзбек мумтоз шеъриятида ошиқнинг ҳолати харобот аҳлига муқояса этилса ҳам, харобот аҳлига бағишланган шеърий асарнинг ёзилиши ноёб ҳодиса саналади.

## ФУРҚАТ АСАРЛАРИ ТИЛИДА ҚЎЛЛАНГАН РАНГ БИЛДИРУВЧИ СЎЗЛАР СЕМАНТИКАСИ

Фуркат асарлари тилида ранг билдирувчи сўзлар кўп учрайди. Улар маълум бир юк ташийди. Масалан, “қора” сўзи бир неча матнларда қўлланган. Бир матнда “қора” сўзи “куйган, қора қон” маъносини ифодалайди:

Кеча-кечадур ҳар эрта, кўзум ашкидин ювиб юз,  
Жигарим эзиб қилурмен қора қон ила ғарора. (44-бет).

Иккинчи бир матнда ошиқ маъшуқаси олдида маълум бир айб иш қилиб юзи қорайганлигини ифодалайди:

Агар ўзгани юзига назар айласам кўз очиб,  
Бу орада ҳақ тонукдур, келу қил юзимни қора. (44-бет).

Учинчи бир матнда “қора” сўзи сурма рангини ифодалайди. Бу ранг билан ёрнинг наргис кўзлари янада ёркинроқ кўринади:

Чекиб сурма қаро наргислариға айлади оро,  
Мени ўлдурди охир ғоза бирла юзға хол айлаб. (51-бет).

Тўртинчи бир матнда “қора” сўзи сурмадан ранг олиб, қорайган кўзга ишора қилади:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,  
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг. (55-бет).

“Келинчак” тазминидан олинган бу байтнинг биринчи мисраси Фузулий қаламига мансуб. (Фузулий. Девон. 206-бет).

“Қора” маъносида форс тилидан олинган “сияҳ” сўзи ҳам ишлатилган. Бунда ҳам рақибнинг ўз айби билан юзи қора бўлиши маъноси ифодаланган:

Кўкка оҳим еткуриб тонг отқуча мен йиғладим,  
Ул рақиб рўсияҳ сен бирла ёр ўлган кеча. (34-бет).

“Сариғ” сўзи ҳижрон азобида юзи сарғайган ошиқ таърифидида қўлланган:

Итларингдек боргоҳинг остонида мудом

Кеча-кундуз сорғориб йиғлаб ётай токайгача? (40-бет).

Яна бир матнда “заъфароний” сўзи “сарик” маъносида, “арғувоний” сўзи “қизил” маъносида қўлланиб, ёрнинг портрети чизилади:

Заъфароний кўйлак узра арғувоний камзихул

Рўймол оғушидин пешонани аҳволи танг. (55-бет).

Фуркат “гулранг” сўзини “қизил” сифати ўрнида қўллаб, боданинг рангини ифодалайди:

Эл гумон айларки: нўшим бодаи гулранг эрур,

Йўқ лабинг ёдида тўлмиш қон ила жомим менинг. (62-бет). Бу матнда ташбеҳ санъати қўлланган. Ошиқнинг қўлидаги қизил май қон билан тўлган жомга қиёс қилинади.

Бошқа бир матнда “қизил” сифати ўрнида “гулгун” сўзи қўлланиб, бу ҳам майнинг рангини ифодалайди:

Бодаи гулгун тўкулмиш мастлиғингдин базм аро,

Ё менинг қоним эрур улким тутубдур доманинг.(65-бет).

Ошиқ маъшуқага қарата сен ичаётган май менинг қоним бўлиб, бу қон этагингдан тутқусидир дейди.

Фуркат асарлари тилида араб тилидан ўзлашган сифатлар ҳам учрайди:

Ахзар – яшил, кўк.

Аҳмар – қизил.

Зафарон – сарик.

Кофур – оқ.

Мутарро – тоза, тиник, ялтироқ.

Хуллас, Фуркат асарлари матнини лингвопоэтик тадқиқ этиш фуркатшуносликнинг янги соҳаси бўла олади.

Манба: Фуркат, 2-томлик. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент. Ўзбекистон давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959.

**Фуркатнинг Қашғарда нашр этилган шеърий  
тўплами ҳақида**

Ўзбек мумтоз лирикасининг улкан намоёндаси, ўз асрининг лирик шеърият ижодкорлари орасида санъаткорлиги билан тенгсиз бўлиб турган шоир Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудининг 150 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, унинг лирик шеърларини завқ-шавқ билан қайта-қайта ўқишдан роҳатланамиз. Чунки унинг лирикаси инсон ҳис-туйғуларини кучли завқлантирадиган адабий-бадиий санъатларга жуда бой. Шундай бўлишига қарамай Фурқатнинг лирик мероси нисбатан кам нашр қилинган. 50 йил муқаддам марҳум устоз, профессор Холид Расул томонидан нашр этилган 2 томлик танланган асарларидан кейин қайта нашр қилингани йўқ. Шарқ шеъриятининг жони ҳисобланган рамз, ташбих истиора каби шарқ шеъриятига ҳос лафзий санъатлар шу даражада кўпки, шоирнинг руҳий-маънавий, ҳаёлий дунёсининг кенглигига тан бермай иложи йўқ. Фурқат умрининг сўнгги энг сермахсул 16 йили ўтган Хитой Халқ Республикасининг Қашқар автоном ўлкасидаги Ёркент шахридир. Шоир Қашқардаги Русия Мусулмон идорасида котиб бўлиб хизмат қилади. Дўсти Тошболтуга ёзган шеърий мактубида Раънохон исмли аёлга ўйлангани, худо уларга Нозимжон ва Ҳакимжон исмли фарзандлар берганини, улардан кўнгил узиб Ватанга қайтиш қийинлигини ёзадики, бу унинг умри охиригача Ўзбекистондан алоқасини узмаганлигини кўрсатади. Шу жумладан “Туркистон вилоятининг газети”га ва дўстларига мунтазам равишда мақола ва шеърларини жўнатиб тургани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Менинг қўлимда 1989 йили Хитой халқ Республикасининг Қашқар уйғур нашриётида Неъматилла Убайдулло хожи ва Файзуллажон Исҳоқ хожилар томонидан нашрга тайёрланган “Фурқат танланган шеърлари” китоби турибди. Мазкур китоб араб ёзувига асосланган уйғур графикасида нашр этилган. Матн уйғур ёзуви орфографик қоидалари асосида тайёрланган бўлса-да. Нашрга тайёрловчиларнинг маҳорати туфайли ўзбек тилининг орфоэпик хусусиятлари сақлаб қолинган.

Китобнинг бош қисмида каттагина кириш сўзи берилган. Унда шоирнинг таржимаи ҳолига атрофлича тўхталинган.

Нашрга тайёрловчиларнинг ёзган маълумотига қараганда шоир Фурқат Қашғарда уйғур халқининг ўзбек халқига бўлган меҳр-оқибатини жуда ошириб юборган. Уни ёшу-қари бирдай хурмат қилган.

Сўз бошида ёзилишича инсон руҳияти ва танасининг табиби-шоир Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат “1859 йили 3-ойнинг, 1-куни Фарғона водийсини Қўқон шахрининг ғишт кўприк гузаридаги эски бешарик маҳалласида ушшоқ тижоратчи оиласида туғилган. Зокиржоннинг дадаси Ҳолмуҳаммад замонасининг лойиқ илм суяр маърифатчи кишиси бўлган. Зокиржон Қўқоннинг хусусий мактабларида савод чиқарган. 1870- йили “Моҳлар Ойим” мадрасасига кириб илм таҳсил қилади,”- деб ёзади.

Сўз боши муаллифлари шоир Фурқат Ёрқентда ёзган ҳамма асарларини ҳам савдогарлар орқали доимий равишда Тошкентга, “Туркистон вилоятининг газети” тахририятига, Тошболту сингари дўстларига жўнатиб улгура олмаганини. Унинг кўпгина шеърлари сиёҳи қуримай, Ёрқентликлар тилига тушиб кетганини чуқур хурмат билан таъкидлайдилар. Унинг учдан-икки қисмигина қолганини тахминлайдилар.

“Шу нуқта мисолида қайт қилиш зарурки, -деб ёзади сўз боши муаллифлари, - ўзбек адабиёти кўп миллатли Шингжонг адабий тарихини бир аср илгарилаб кетишига сабабчи бўлди”.

Фурқат ҳаётининг охириги йилларида Ёрқентда яратган асарларини тўплаб икки жилдлик девон тузишга киришган. Унинг биринчи жилдига “Девочаи аввал” деб ном қўйилиб, унга ғазал ва мусамматларини киргизмоқчи бўлганини, иккинчиси “Девочаи сони” бўлишлигини ҳисобга олиб асарларига тартиб бера бошлаганини, афсуски бу эзгу мақсадини шоир амалга ошира олмаганини. У 1909 йилнинг 9-ойида бўғуз оғриғи” касали билан вафот этганини, унинг жасади Ёрқентдаги ўзбеклар қабристонида қўйилганини ёзадилар.

Мазкур тўпламга, -деб ёзади, сўз боши муаллифлари шоирнинг қўл ёзма асарларидан “Баёзлар”, “Тухфат ул - обидин”, “Арғумони Хислат”, “Баёзи Муҳалла”, “Баёзи гулшани ашъор”, “Баёзи Дилкаш”, “Девони Қори”

сингари Ёркентда сақланаётган қўлёзма ва тош босма баёзлардан шоирнинг асарларини териб олиб киритдик.

Уйғур ёзувида нашр этилган мазкур тўпلامга шоир Фурқатнинг 196 та ғазали, 17 та мухаммаси, 3 та маснавийси, 4 та мактуби, 1 та достони, 3 та мусаддаси, 1 та таржибанди, 1та мустазоди, 1 та қасидаси ва бу асарларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида изоҳлар берилган.

Лекин тўпلامдан шоирнинг Тошкентда ёзган “Виставка хусусида”, “Тошкент шаҳридаги виставка хусусида”, “Акт мажлиси хусусида”, “Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида”, “Рус аскарлари таърифида”, “Суворов ҳақида”, “Юнон мулкида бир афсона” каби қатор маснавий ва қасидалари ўрин олмаганлигини нашрга тайёрловчиларнинг “... қўлимиздаги манбаалардан фойдаландик”, жумласи изоҳлаб турибди.

Тўпلامга киритилган асарларни марҳум устоз Холид Расул томонидан тузилган икки жилдлик Фурқат “Танлаган асарлари” билан таққослаганимизда анчагина ғазаллар жумладан – “Берди жаҳонларға сафо”, “Андалиби хуш наво”, “Бу замона жабрўсида вафо” сингари ғазаллар ўзбекча нашрда йўқ”.

Хуллас, биз шоир Фурқат шеъриятининг муҳлислари қардош уйғур наширларига чуқур самимият билан миннатдорчилик билдирамыз. Ўйлаймизки Фурқат асарларининг янги нашрида, уйғурча нашрдаги биз учун янги ҳисобланган асарларни ҳам қўшиб мукамал асарлар тўпламини яратадилар деган умидда қоламыз.

Шу ўринда ҳамшаҳарим шоир Фурқатнинг бу уйғурча (дурдона) тўпламини ҳамда олти китобдан иборат уйғур фольклори материалларини келтириб берган дўстим ХХР Синьцзян пахтачилик институти директори, профессор, тадбиркор Чжу Вен Цзин (Ясин)га ўз самимий миннатдорчилигимни билдираман

**Филология фанлари номзоди, доцент**

**И.Бекмуродов**



## ИЖОДКОРНИНГ ЭСТЕТИК ЭЪТИҚОДИ

Й. Солижонов,  
ФарДУ, ф.ф.д.

Бадий адабиётда ўз ўрни ва овозига эга санъаткорлардан ҳар бирининг яшаш ҳамда ижод қилишдан кўзлаган асосий мақсади бўлади. Ана шу мақсад ижодкорнинг шахсий ҳаётида ҳам, бадий асарларида ҳам яққол акс этади. Ижодкорнинг эстетик эътиқоди деб аталувчи бу таълимот қадим Юнон, Шарқ ва Ғарб файласуфлари Аристотел, Фаробий, Гегель кабилар томонидан чуқур ишланган. Санъаткорнинг эстетик қарашлари шаклланиб, ривожланиб, унинг шахсий услубини белгиловчи муҳим омилга айланади. Кўп асрлик тарих ва бой меросга эга бўлган ўзбек адабиётида ҳам ўзининг мустақам эстетик эътиқодини, шахсий “мен”ини намоён қила олган ижодкорлар талайгина.

Ана шундай санъаткорлардан бири “Авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони”<sup>13</sup> бўлмиш Алишер Навоийдир. Инсон сифатида ҳам, ижодкор сифатида ҳам Навоийнинг феъл-атвори, табиати, кўнгли ниҳоятда нозик бўлганлигини замондошлари ва олимлар томонидан кўп бора таъкидланган. Ана шундай назокатли кўнгил соҳиби ғазалларидан бирида:

*Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,*

*Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.*<sup>14</sup>

деб ёзадики, бу хитоб ўқувчига шоирнинг ўзини катта олиши, унча-мунча одамларни менсимаслиги бўлиб туйилиши табиий. Аслида эса бу Навоийнинг яшашдан кутган бош мақсадини англатади. Шоир бутун умри давомида яхшиларга интилиб яшади, ўзидан улуғроқ, билимдонроқ инсонлар суҳбатидан баҳраманд бўлишга интилди. Ана шу эстетик мақсадига қатъий амал қилган шоир буюклик чўққисига кўтарилди.

Ростгўйлик, қатъийлик ва бўйсунмасликни ўз ҳаёти ва ижодининг бош шиорига айлантириб, унга умрининг охиригача амал қилган шоирлардан бири Фурқатдир. Маълумки, Фурқат жуда ёшлигидан “Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги девонларини мутолаа қилиб, унинг рангин ижод гулдастасидан” кўп баҳра олди. Тўққиз ёшида ҳазрат тушида аён бўлиб, ёш Зокиржоннинг “қўлига қалам ва қоғоз” тутқазиб, шеър ёзишга фотиҳа беради.<sup>15</sup> Демак, Фурқат ўз ижодининг бадий-эстетик тамойилларини белгилашда устози Навоийдан ўрнак олган.

Академик А.Қаюмовнинг ёзишича, Фурқат ҳам ғоятда “нозик табиатли, покиза вужуд, камтарин, ҳеч кимга зарари тегмайдиган, ҳамиша кишиларга ғамхўр ва меҳрибон” киши бўлган (кўрсатилган манбаа. 181-бет). Ана шу фазилатларига кўра бошқаларнинг озгина ножўя ҳаракати, сал аччиқ муомаласи, айниқса бўлмағур иғво, тухмат, миш-мишлар кўнглига оғир

<sup>13</sup> И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”. 2008. 47-бет.

<sup>14</sup> А.Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 1-жилди. Т., “Фан” нашриёти, 1987, 223-бет.

<sup>15</sup> А.Қаюмов. Асарлар. 8-жилд. Т., “Мумтоз сўз” нашр., 2009. 115-117-бетлар.

ботган. Ранжиган дил изҳорини ошкора айтган, рақибларини ўз вақтида мулзам қилган. Шу доисдан у 14-16 ёшларидан бошлаб ҳеч қаерга сиғмай қолган. Гоҳ Эски Марғилон, гоҳ Янги Марғилон, Қўқон, Хўжанд шаҳарларида яшади. Кейин Тошкентга келди. Икки йилдан сўнг бу ердан ҳам бадарға қилиниб, чет элга чиқиб кетди.

Шоир Фурқатнинг бундай сарсон-саргардонлиги, ўз юртига сиғмай қолишининг сабабларини унинг характеридаги бўйсунмаслик, исёнкорлик, ростгўйлик, қатъиятлилиқ, ўз Ватани ва халқи тақдири ҳамда дарди ҳақида астойдил қайғурганлигидан излаш ўринлидир. Шахсий ҳаётидаги принципиал қарашлар шоирнинг ижодий эстетик эътиқодига айланди. Бу жиҳатдан Фурқатнинг “Биз истиғно эли қичқирмаган маъвога бормасмиз” мисраси билан бошланувчи ғазали ибратлидир.

Ушбу ғазалда шоир Фурқатнинг худди устози Навоий сингари кўнгил нозиклиги, табиатидаги бўйсунмаслик, исёнкорлик белгилари, ор-номус ва одамийлик қадрини ҳамма нарсадан баланд тутиш, хуллас, шахс ва шоир сифатида ҳаётда яшаш ҳамда ижод қилишдан асосий мақсади очиқ-ойдин ифодаланган. Шу билан бирга, шоир бу “ғазалида ўзи мансуб бўлган адабий доирадаги ижодкорларнинг руҳий ва маънавий дунёсини (ҳам) тасвирлаган. Бу мўътабар зотларнинг интилишлари ҳамиша беғараз ва пок, олийжаноб ва юксак эди. Шунинг учун ҳам тамаъ ва ғараз улар учун бутунлай ёт” бўлган.<sup>16</sup>

7 байт (14 мисра)дан иборат бу ғазал сиртдан қараганда шахснинг манманлиги, кибру ҳавоси, ўзгаларни менсимаслик кайфиятини ифодалаётгандек таассурот туғдиради. Аммо ғазалнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб борилса, бутунлай бошқача манзара ҳосил бўлади. Чунки ғазалнинг бирон сатрида ҳам “мен” деган ибора учрамайди. Шоир лирик қаҳрамон “биз” деб кўпчилик номидан фикр юритади. Кўплик маъносини англатувчи “биз” олмошини “эл” сўзи янада бойитади. “Биз – истиғно эли”, “Биз эллар - фақр элимиз” иборалари уларнинг уюшган, маълум мақсад сари интилувчи жамоа эканлигига ишора қилади. Ғазал таҳлилига киришишдан аввал унинг тўлиқ матнини келтирайлик:

***Биз, истиғно эли, қичқирмаган маъвога бормасмиз,  
Агарчандиким, хирман айласа, дунёга бормасмиз.***

***Агар лабташна қолсак филмасал сахрои оламда,  
Малолат зоҳир этса мавж уран дарёга бормасмиз.***

***Умид этганимиз аксар саодат бўтан Ҳақдин,  
Агарчи мис эрурмиз, қиймати тиллога бормасмиз.***

***Ҳамиша лоф урармиз халқ аро Фаргона мулкида,  
Бағоят таъимиз озода деб, ҳар жога бормасмиз.***

---

<sup>16</sup> А.Қаюмов. асарлар. 8-жилд. Т., “Мумтоз сўз” нашр., 2009. 144-бет.

*Ҳаво лойига ботган моуманлик дўсти худбинким,  
Ўшандог кам зарофат маскани аъдога бормасмиз.*

*Биз эллар – фақр элимиз, парча нонга сабр айлармиз,  
Ғараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.*

*Эмасдур онча асбоби жаҳонга фикримиз, Фурқат,  
Вале кетгунча жуз андишаи фардога бормасмиз.<sup>17</sup>*

Ғазални тушуниш, ҳис қилиш учун аввало, “Истиғно эли” кимлиги ва қандайлигини билиб олиш шарт. “Истиғно – а. 1. Бошқаларга муҳтож бўлмаслик, эҳтиёжсизлик; 2. Гўзал қилиқ билан тортиниш, ноз қилиш; 3. Тасаввуфда бағишловнинг тўртинчи водийси (А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонини эсланг – Й.С.), унда Оллоҳ ишқи ва мушоҳадаси одамдаги бошқа ҳамма сезгиларни ўзига олади”.<sup>18</sup> Бизнинг таҳлилимизга ушбу изоҳларнинг биринчи ва учинчи маънолари мос келади. Бу “истиғно эли” Оллоҳдан ўзга зотга муҳтож эмас, ҳеч кимга бўйин эгмайди, чақирмаган жойга бормайди, мол-дунёга беписанд қарайди. Гарчи ўзлари фақир яшаса ҳам “Ғараз дунё учун Искандару Доро”нинг ҳузурига бош эгиб боришни ор деб билади. Дарвоқе, фақирлик деганда қашшоқ, камбағал кишини тушунмаслик керак. Тасаввуфда фақирлик, ғариблик комилликка эришишнинг маълум босқичлари саналади. Фақирлар Оллоҳнинг ўз кучи билан топган лўқмасига шукур қилиб яшашга одатланган бандалардир. Уларнинг бойлиги сабр, нафсни тийиш, ўзгаларга мурувват ва футувватдир. Фурқат назарда тутган “истиғно эли”нинг бу фазилатлари ғазалнинг 1, 2, 5, 6-байтларида аниқ кўзга ташланади.

Фурқатнинг ўзи ҳам шахс сифатида “истиғно эли”нинг бир вакили эди. У бутун ҳаёти давомида ҳеч кимга эҳтиёжманд бўлмади, моддий жиҳатдан қашшоқ яшаса-да, маънавий бойликка интилди. У ҳеч қачон оғзидан сўзини, кўлидан қаламини, қалбидан эрк туйғусини бировга олдириб қўймади. Шу боисдан шоир норасолар орасидан жой топа олмади, аммо ростгўйлиги, эътиқодининг қатъийлиги билан адабиётда мангу яшаб қолди.

## **ТУТАШ ТАҚДИР ТАРАННУМИ**

**Камолиддин Марасулов**

**ФарДУ, 355-гуруҳ талабаси**

Ўзбек мумтоз адабиёти ўзининг жаҳонгашта намояндалари билан ҳам маш хур. Шундай дунё кезиб қалам тебратганлар орасида икки йирик ижодкор Бобораҳим Машраб ҳамда Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат

<sup>17</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975, 74-бет.

<sup>18</sup> Навоий асарлари луғати. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 285-бет.

алоҳида ажралиб туради. Гарчи булар яшаган даврни бир ярим асрдан зиёд вақт ажратиб турса-да, биз уларнинг кечинмаларида, дунёқарашида уйғунлик борлигини кўришимиз мумкин. Фикримизнинг далили ўлароқ Раҳимбобо Машрабнинг машҳур “Кавлама” радифли ғазалига Фурқат томонидан боғланган тахмисни олайлик. Машраб ғазали қуйидаги матлаъ билан бошланади:

***Эй сабо, ғамзодадурман, бистаримни кавлама,***

***Чун шафақ олудаман, хокистаримни кавлама!***

Ғазали 9 байтдан иборат. Ғазал тўлалигича ишқи илоҳийга бағишланган. Шоир ушбу ғазалида дардлилар, ҳақ ишқида ёнганлар хусусида тўхталади. Изтиробдан кўзлари тўла ёш эканлигини, дардсиз касларнинг уйи вайронлар, заифлар ҳолидан бохабарлигини таъкидлаб ўтади:

***Хонавайронлар билур афтодаларнинг ҳолини***

***Эйки, маҳрам бўлмасанг, чашма таримни кавлама.***

Машраб дард соҳибидир. Бир умр юрагида Оллоҳга бўлган ишқи ловуллаб турган зот-Раҳимбобо дардсизларга, ишқсизларга “менинг қийналишим сабабларини, менинг ташвишларимни суриштирманглар!” демоқчи бўлади:

***То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб***

***Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.***

Ўзининг ғамгин, ғам ютган (ер ишқи, ғами) инсонлигини таъкид этади.

Машраб билан Фурқат ўртасида қандай ўхшашлик, боғлиқлик мавжуд деган табиий савол туғилади. Биз ўзимиз тадқиқ этган баъзи мулоҳазаларни келтириб ўтайлик:

1. Ҳар иккиси ҳам ҳунарманд оиласида таваллуд топган.
2. Икки шоир ҳам бир вақтда – 7 ёшида таълим олишни бошлаган.
3. Фурқат ҳам Машраб ҳам зуллисонайн ижодкор бўлишган. Ҳар икки ижодкор ҳофиз Шерозий ғазалла рига юксак ихлос би лан қараган.

4. Фурқат лирик ижоди намуналарининг асосий қисми ғазаллар сўнг мухаммаслар бўлса, Машраб шеъриятида ҳам салмоқли қисм ғазаллар ва мухаммасларга тўғри келади.

5. Машрабнинг адабий мероси бизгача тўла етиб келмаган. Фурқатнинг ҳам кўпгина ёзганлари: ўзи қайд этган рисола, манзума ва таржималар бизгача етиб келмаган ёки ханузгача топилмаган. Фурқат илк бор шеърларини тўплаб мажмуа қилган эди. Бироқ у ҳам хануз номаълумлигича қолмоқда.

6. Ҳар икки шоир шеърлари улар тириклик чоғида, ундан кейин ҳам, машҳур хофизлар томонидан қўшиқ қилиб қуйланиб, кенг халқ оммасига етказилган, етказилмоқда.

7. Яна бир ўхшаш жиҳати иккала ижодкор ҳам жаҳонгашта бўлганлар. Машраб умрининг деярли 40 йилини сайру-саёҳатга бахшида қилди. Ундан деярли икки аср кейин яшаган Фурқат у каби дунё кезди. Раҳимбобо Машрабнинг қадами етган ҳар бир гўшани: Самарқанд, Бухоро, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон каби жойларни саёҳат қилиб чиқди. Шох Машраб ҳаётида алоҳида ўрин тутувчи Қашқар, Хўжанд, Ёркент ҳам Фурқат назаридан четда қолмади. Таъкидлаш жоизки, Фурқат ҳам Машрабдек киндик қони тўкилган заминда эмас, ўзга юртларда оламдан кўз юмди.

Машраб ижодининг Фурқатга таъсири кучли бўлган. Айниқса, “Кавлама” радифли ғазал Фурқатнинг диққатини тортган. Икки шоир қалби бир-бирига яқин эди. Оқибатда, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли юқоридаги ғазалга таҳмис боғлади: машраб ғазали тўққиз байтдан иборат, лекин мухаммасда етти банд бор. Сабаби, Фурқат икки байтни ташлаб ўтади (балки, шоир Фурқат қўлидаги “Кавлама” радифли ғазал етти байтдан иборат бўлгандир). Ҳозир ўша “четлаб ўтилган” байтларни келтирамиз:

***1. Ҳажр тошидин зорру офат бошига етган ўзум,***

***Киштийи мотамдадурман, лангаримни кавлама.***

***2. Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг оҳидин,***

### ***Оташи ҳажрида куйган миҳмаримни кавлама.***

Фурқат Машраб кўнглидаги, дард ва изтиробни жуда яхши тушунган дейиш мумкин. Йўқса, “Эй сабо, ғамзодадурман бистаримни кавлама”, деган шох Машрабга “Ошиқи дилдодадурман дилбаримни кавлама” – дея жавоб ёзмаган бўларди.

Шеър қурилишида шундай ҳолатларни кўрамиз:

1. Мухаммаснинг биринчи мисраси тўртинчи мисрага, яъни Машраб ғазали байтларининг 1-мисраси Фурқат ёзган 1-қаторга мос келади:

Ғамдин озода билур озодаларнинг холини (Фурқат).

Хонавайронлар билур афтодаларнинг холини (Машраб).

Ишқ савдоси тушиб бошимға, аҳволим хароб, (Фурқат).

То кишига дард тегмай, бўлмади бағри кабоб (Машраб).

2. Баъзи бандларда эса тафовутлар кўзга ташланади. Масалан:

Фурқат: Неча кунлар ҳамдам ўзга ваҳшию тайр айладим,

Машраб: Ломаконни шаҳрини бир ху била сайр айладим.

Фурқат: Гаҳ ўзимни сувға урдум, гоҳ ўтга дам бадам,

Машраб: Баҳри раҳматга кириб қилдим вужудимни адам.

Хуллас, ҳалқимизнинг ҳар икки атоқли сиймоси ижодидаги уйғун жиҳатлар, анъана ва ўзига хослик масалалари тадқиқотчилар учун муҳим материаллар бериши табиий.

### **МАКТАБДА ФУРҚАТ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ**

***Қозоқбой Йўлдошев, ЎзМУ профессори***

***Валижон Қодиров, АДУ катта ўқитувчиси, ф.ф.н.***

Адабий таълимда Фурқат ижоди доимий равишда ўрганиб келинган. Шўро даврида ҳам адиб асарлари дарсликлардан муқим жой олган эди. У давр адабиётшунослигидаги чекланган жиҳатлар шоир ижодини ўрганишда ҳам айнан акс этган эди. Ижтимоий воқелик, тузум талабига кўра шоирнинг дастурга киритилган асарлари асосан ижтимоий ва мафкуравий нуқтаи назардан талқин қилинган. Мустақилликдан кейинги даврда Фурқат ижоди кенгроқ кўлам ва ўзгача нигоҳ билан ўрганила бошлади. Олдинги учта

дастурга кўра адиб қаламига мансуб битиклар умумтаълим мактабларининг 6-, 8- ва 10-синфларида ўрганилди. Энди бу асарларни ўқитишда дидактик ва эстетик ёндашув етакчилик қилмоқда. Шунингдек, улар бағрида жо бўлган ирфоний мазмунга ҳам эътибор қаратилмоқда. Охирги қабул қилинган дастурда кўра Фуркат ижоди 9-синфда ўрганилиши белгиланган. Биз бу мақолада сўнгги дастурга кўра дарсликка киритилган шоир лирикаси намуналарини ўрганиш юзасидан мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Фуркат умрбаёнига оид маълумотлар дарсликда етарлича берилган. Ўқитувчи мазкур биографик далилларни кенгроқ шарҳлаб, қўшимча изоҳлар билан баён этиб бериши керак. Ушбу соатда фақат ҳаёт йўли, бошдан кечирганлари сўзлаб берилмайди, балки адабий мероси ҳамда ижод оламига ҳам умумий назар ташланади. Бу борада яна дарсликдаги материаллар муаллимга ёрдамга келади. Бизнингча, биринчи соатни қуйидагича режа асосида ўтказиш маъқул бўлади:

1. Фуркатнинг ҳаёт йўли: таҳсил олиши, меҳнат фаолияти, саёҳатлари, оилавий ҳаёти ва турмуш тарзи, чет элдаги ҳаёти.

2. Фуркатнинг публицистик фаолияти: “Туркистон вилоятининг газети” билан алоқаси, мақолалари.

3. Адибнинг илмий асарлари.

4. Фуркатнинг таржимонлик фаолияти.

5. Шоирнинг бадиий оламига экскурсия.

Дарсликда шоирнинг маърифатпарварлик йўналишидаги ижоди тўғрисида умумий фикрлар айтилиб, шеърлари санаб ўтилган, лекин улар ҳақида тавсифий таҳлил берилмади. Ўқитувчи дарсликка қўшимча маълумот сифатида шу руҳдаги шеърлардан намуналар келтириши, айримларини шарҳлаб ўтиши лозим бўлади. Маърифатпарварлик шеърларнинг барчаси маснавий йўлида ёзилган бўлиб, уларда маорифни ислоҳ қилиш, илмга даъват, фан ва маданият янгиликларини тарғиб этиш ғоялари сурилганлигига тарбияланувчилар диққати тортилади. Машғулот сўнггида дарсликдаги савол

ва топшириқлар ҳамда ўқитувчининг ўзи тузган қўшимча саволлари асосида суҳбат ўтказиш мумкин.

Дарсликда берилишига кўра таҳлилга тортилиши керак бўлган Фурқатнинг „*Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар*“ ғазали табиат лирикасининг намунаси. Унда кўклам келиши билан табиатда рўй бераётган гўзал ўзгаришларни ғоят синчиклаб кузатган шоирнинг қалб кечинмалари акс этган.

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

Ўқувчилар диққати бу шеърда ҳам худди Муқимийнинг „Навбаҳор“ ғазалидаги сингари йилнинг энг дилбар фаслидаги гўзалликдан дўстларни баҳраманд қилиш истаги ифодаланганлигига қаратилади. Мумтоз адабиётда узоқ интиқ кутиб, орзуга етган дамлардан олдинги интизорлик даврини қоронғулик сифатида тасвирлаш анъана эканлигини айтиб, талабалардан ўтилган мавзулар бўйича мазкур фикрга мисоллар (мисралар ёки байтлар) эслашни сўраш ўринли бўлади. Навоий Фарҳоднинг туғилишини „Шабистонда туғди бир янги ой“ деб тасвирлайди. Мисрада „шабистон“ сўзи ҳоқоннинг ўғил кўргунча бўлган даврдаги фарзандсизлик ҳасратида ўтказган йилларни ифодалайди. Огаҳий баҳор келгунга қадар ҳукм сурган азобли қиш кунларини сояга менгзайди: „Кўтарди ер юзидин соя наврўз“. Шунинг учун ҳам Фурқат ўткинчи умрни гўзаллик қўйнида эзгулик билан ўтказишни истайди. Чунки баҳоргина эмас, умр ҳам ўткинчи — „ғанимат“. Матлаъдан сўнг шоир ўзини мувозанатдан чиқарган, ҳаяжонга солган кўклам манзарасини чизишга тутинади. Кўз олдингизда дилбар баҳор тонгининг латиф манзараси намоён бўлади: субҳий шабнамлардан кўм-кўк майсаларнинг яшнаб туриши, баҳор булути онда-сонда ташлаб турган томчилар ва Яратганнинг санъатига лолу қойил ошуфта кўнгил... Ўзбек тилининг ифода имкониятларидан маҳорат билан фойдаланган шоир ўқувчига ахборот бериб қолмай, унда кучли ҳис-туйғу уйғотишга эришганлигини болаларга туйдириш лозим:



Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,

Гул уза томиб кам-кам, ёғди абри найсонлар.

Фуркат кўклам манзарасини ўз ҳолича тасвирламайди, уни жонлантиради. У атрофдаги ҳар бир унсурни – масалан, настарин, ёсуман ва наргис гулларини дилга яқин кишига муносабати нуқтайи назаридан тасвирлайди. Уларда „ёронлар“, яъни ёр-жўраларга интизорлик, интиқлик кўради. Киши кўзини қувонтираётган баҳорий кўкатлар шунчаки гўзал эмас, балки яқинларни кутиб олишга ҳозирлик кўраётганлиги сабаб гўзалдир:

Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,

Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Кўкламнинг энг сара чечаклари сара одамлар — ёронларни кутиб олишга ҳозирлик кўришади. Фуркат табиатни тинимсиз ҳаракатда кўрсатади. Кўклам манзараси динамикасини жонли тасвирлайди:

Бир саҳар эдим уйғоқ: ўт туташди оламга,

Тоғлар чекибон ларза, титради биёбонлар.

Бу сатрлар ўз ҳолича ўқувчи тасаввур ва ҳаёлотига таъсир кўрсатади, туйғуларини безовта қилади. Ўқитувчи ўртага шундай савол ташлаши мумкин: Байтда тасвирланган саҳар чоғида нима рўй берди? Сиз уни қандай тушунасиз ва тушунтирасиз? қабилида савол ташлаш мумкин. Ўқувчи нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйга толади. Кимдир кўклам саҳарида момақалдироқ гулдирагандир деса, бошқа ўқувчи чакмоқ чаққандир ёки учинчи бири ёмғирдан сўнг чарақлаб қуёш чиққандирки, олам ўтга буркангандай бўлгандир тарзида тушунар. Хуллас, ҳар бир ўқувчи ўз тасаввуридан келиб чиқиб, бу мисраларни ўзгача шарҳлаши мумкин ва ўз фикрини далиллай олар экан, уларнинг ҳар бири ҳақ.

Шеърнинг бешинчи байтида қўлланган тақлидий сўзлар ғазал мусиқийлигини оширган, олдинги мисраларни кучайтиришга, янги тафсилотлар билан мустаҳкамлашга хизмат қилган. Унда жонли нарсалар ҳолати тилга олинади. Фуркатдан олдин ўрганилган сиймо – Огаҳийнинг ишқий ғазалларида бўлган каби саккиз байтли мазкур шеърда ҳам олтинчи

байтдан ғазалга ижтимоий маъно кириб келади. Тўғри, бу шунчаки анъанавий рамзлар орқали ифодаланган, лекин йил бошидан ўқувчиларнинг мумтоз матнлар тағмаъносини англаш малакалари шаклланганлигини унутмаслик керак:

Булбул ўқуғоч йиғлаб, субҳидам хазон фаслин,

Ғунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Байтда ғунчанинг гул бўлиб очилиши жараёнини ҳусни таълил санъати воситасида ўзига хос тарзда тасвирланганлигига ўқувчилар диққат қилиши лозим. Кўкламнинг шундоқ фараҳли эртасида булбул хазон фаслини эслаб нола қилгач, у қўнган гулнинг ғунчаси ҳам қон ютиб, ёқасини юз жойидан йиртиб юборади. Ёқаси йиртилган ғунча ёзилиб кетади, яъни очилади. Нима учун булбул субҳидамда хазон фаслини эслайди? Бунинг сабаби еттинчи байтда очилади. Чунки дунёдан вафо аҳли кечганлар. Халқимиздаги азадорларнинг кўк кийиш удумидан шоир бу байтда унумли фойдаланган. Ғазалнинг мақтаъсида шоирнинг вафо аҳлининг ноҳақ ранжитилишига, кадр топмаганлигига куюнчак муносабати акс этади:

Куймасун бу савдодан не учун димоғимким,

Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

Албатта, адолатпарвар шоир доноларнинг ғусса чекиб, нодонларнинг шод яшашидан озорланади ва буни мураккаб рамзлар воситасида жозибали ифодалайди. Шоир ўз даври учун ғоят долзарб бўлган адолат ва маърифат муаммоларини фақат фаслнинг гўзаллигини куйлашга бағишлангандай туюлувчи шеърнинг замирига усталик билан сингдириб юборади.

“Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур” ғазалининг олдинги шеър билан умумий жиҳатлари кўп. Ҳар иккаласи ҳам мумтоз адабиётимизнинг энг сара асарларидан саналади. Ҳажм жиҳатидан катта – кўп байтли (бири саккиз, иккинчиси ўн байт) бу шеърлар лирик қаҳрамоннинг тасвир объектига (баҳор ва маъшуқага) идеал ёндашуви билан бошланади.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,

Балки андин даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур.

Шоир мақтаёда тажнис ва ҳусни таълил бадий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланади. Биринчи мисрадаги “тортадур” сўзи “қўймоқ” маъносини берса, иккинчи қатордаги „тортадур“ сўзи „қўтаради“ маъносида келган. Бу — тажнис. Даҳр эли — дунёдаги одамлар орасидаги келишмовчилик, давлатлараро низо ва урушлар, умуман барча ғавғолар, шоир изоҳича, шу қаро кўз туфайли, уни талашиб юз бермоқда. Кейинги байтда қисм бутун орқали идрок этилганлиги учун ифоданинг аниқлигига эришилади:

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,

Икки ҳинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.

Ёрнинг камон қошлари остидаги фитнакор кўзлари гўё ёй отаётган икки нафар ҳинду боласига ўхшайди. Ўқитувчи шу ўринда Нима учун ёр кўзлари ҳинду боласига ўхшатишган? Нега улар “ёндашиб” деб тасвирланаётибди? Улар тортаётган ёй нима? Ўқлари-чи? каби йўналтирувчи саволлар бериб, таҳлилни жонли ва мукаммал бўлишига эришиши мумкин. Ўқувчилар маъшуқанинг кўзлари қоп-қоралигидан улар ҳинду болаларга, кўзнинг жойлашиш шаклига кўра ёндашиб ётишга ўхшатилаётганлигини, уларнинг ёйи ёрнинг қоши, ўқлари эса ғамзали боқишлари эканлигини болалар қийналмай изоҳлай оладилар.

Телбаланмиш зулфини савдосидин девоналар,

Қайға борса ўлтуруб ерға чалипо тортадур.

Ўқувчилар диққати ушбу байтда шоирнинг гўзаллик тасвирида мантикий изчилликка амал қилишига қаратилади. У ёр вужудининг ҳар бир муча (аъзо)сига ҳар жиҳатдан мос келадиган вазифа юклайди. Шу сабаб, унинг зулфи ҳақида гапирар экан, ошиқларнинг телбаланиб, дуч келган жойга бут расмини чизишларини тасвирлайди. Яъни ёрнинг зулфидан ошиқлар шу даражада эс-ҳушларини йўқотадиларки, телбаниш ҳолатига тушадилар. Қайд этилган сабаб ва оқибат муносабати мантиқли ҳамда мароқли: ёр зулфи — паришон, яъни тартибсиз. Тартибсизлик эса телбаликнинг илк белгиларидан

бири. Ғазалнинг тўртинчи байти тасвир мураккаблиги жиҳатидан ажралиб туради:

Жон ила кўнгил талошур, эй санам, дарду ғаминг,

Бирни сол кўнглумғаким, жон бирни танҳо тортадур.

Ўқитувчи бу байтнинг таҳлилида ўқувчиларга ёрдамга келиши керак. Аксарият ҳолларда уларнинг ўзи бу мисраларни шарҳлашга қийналишлари тажрибаларда кўрилди. Сўздаги маъно нозикликларига эътибор қилинмаса, байтнинг маъносини англазмаслиги, шоирнинг санъаткорлиги сезмай қолиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Машрабнинг “Ўртар” ғазалидаги “Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар” мисраси мисолида “ғам” ва “алам” сўзларидаги маъно нозикликлар тўғрисида тўхталган эдик. Шунини эслатган ҳолда бу ўринда “дард” сўзи муҳаббат маъносида келганини ҳисобга олиш лозим. Шунда жон билан кўнгулнинг ишқ билан ғамдан қай бирини танлашни билмай талашаётгани тушунарли бўлади. Ошиқ маъшуқадан талашилаётган икки нарсадан биттасини кўнглига солишини сўрайди. Ўшанда жон бошқа биттасини кўтара олиши мумкин. Кейинги байтлар таҳлили шу таҳлит давом этади.

Бу ғазалда ҳам мақтаъдан олдинги икки байтда шоир ижтимоий ва фалсафий мушоҳадалар билан чекиниш қилади. Фурқат уйғоқ виждонли кишилар каби чархнинг адолатсиз бир одати (шеваси)дан доғда: айшни нодон суради, кулфатни донолар тортади. Унинг олдинги ғазалдаги “Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар” мисраси билан яқинлигини болалар ўқитувчининг саволи орқали топа оладилар. Ғазалнинг тўққизинчи байтида Фурқат инсоннинг моддий ва руҳий жиҳатидаги бир боғлиқликдан жуда ўринли фойдаланади, яъни одам танасида сафро кўпайса, унда жинниликка майл кучайганидек, бойликка ўчлик инсон кўнглини қора қилишини таъкидлайди. Шоир инсонни бойлик эмас, ишқ улуғлайди деб билади. Шу боис, ғазал мақтаъсида муҳаббат азобларини енгилтак кимсалар тортолмаслигини очиқ айтади:

Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини,

Фурқатийдек бекасу шўрида, расво тортадур.

“Булҳаваслар” ишқни ҳавас, айш воситаси деб билувчи енгилтаклардир. Шу ўринда талабаларга “Муқаддам ўрганилган асарлардаги “булҳавас” образларни эсланг”, “Қайси тимсолларни “Фурқатийдек бекасу шўрида, расво тортган”лар сирасига киритиш мумкин?” каби топшириқ, саволлар бериш мумкин.

Шеърятда инсон портретини сўз билан чизиб, гўзал санъат асари яратиш мумкинлиги шоирнинг „ *Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг*“ сатри билан бошланадиган шеъри воситасида ўқувчиларга кўрсатилади. Фурқатнинг бу машҳур ғазали устоз озар шоири Муҳаммад Фузулийга иқтибос сифатида яратилган. Ҳатто шеърнинг биринчи мисраси тўлиғича Фузулийга тегишли бўлиб, Фурқат уни ривожлантириб, янги бадиий мазмун юклаган. Адабиёт муаллими ўзга шоирнинг мисрасига таянган ҳолда тасвир қудрати, ифода таъсирчанлиги, чизгиларнинг нозиклиги жиҳатидан олдингидан баландроқ бадиий натижага эришмоқ учун улкан талант эгаси бўлиш кераклигини алоҳида урғу билан таъкидлаши лозим. Фурқат шундай истеъдод соҳиби бўлгани учун ҳам ёрнинг шеърий суратини яратар экан, ҳар бир чизгига муайян бадиий вазифа юклаган. Шунинг учун ҳам маъшуқа тасвири деворга илиб қўйилган сурат эмас, балки ўқувчининг кўнглидан жой олган ҳаракатдаги суратдир:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,

Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг.

Дастлабки сатрларда маъшуқанинг гўзаллиги ташқи омиллар туфайли юзага келганлиги тасвирланади. Кўзнинг қоралигига сурма, қўлнинг лоларанглигига хина, юзнинг гўзаллигига элик, қошнинг таранглигига ўсма сабаб. Мумтоз адабиётда қош доим камонга ўхшатилади. Қошнинг таранглиги камоннинг таранглиги демакдир. Яъни маъшуқанинг эгма қоши ошиққа қаратилган таранг камондир. Унинг кейинги мисралардаги оғир қисмати ана шу ҳолатнинг натижасидир. Кейинги байтлардаги келинчакнинг кийиниши, миллий ороланиш ашёлари, тақинчоқ, безаклар, гўзалнинг ўзини тутиши,

киликлари, ошиқ билан муносабатлари, уларни беришда шоир қўллаган бадий тасвир воситалари бир-бир шарҳланиши ҳамда изоҳланиши лозим. Савол ва топшириқлар моҳиятан миллий қадриятларга ҳурмат, миллий ўзликни англаш ва булардан ғурурланиш туйғуларини тарбиялашга қаратилган.

Дарсликда Фурқат умрининг маълум бир палласида тасаввуф йўлига мойиллик билдириб, ўткинчи дунё ғавғоларидан кўнгилни фориғ тутиб яшашга интилгани тўғрисида маълумот айтилиб, “Бормасмиз” радибли ғазалида шоир шахсияти, унинг умрбаёнига дахлдор мазкур жиҳатлар янада яққолроқ кўзга ташланиши таъкидланган эди. Шеърда комиллик йўлига кирган ориф шахс ҳаётий қарашлари баён этилгандек бўлади. Ғазалнинг қаҳрамони – ўз қадрини биладиган, инсонлик ғурурини бойлик ва манфаатдан устун қўя оладиган шахс:

Биз истиғно эли қичқирмаган маъвога бормасмиз,

Агар чандеки хирман айласа, дунёга бормасмиз.

Шу шеър баҳонасида ўқувчиларга тасаввуфий истилоҳларни таништириш давом эттирилади. Истиғно – бу эҳтиёжсизлик. Худодан бошқа ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмай яшашни уддалайдиган одамлар истиғно элидир. Айтилмаган жойга бормаслик, хирмон қилиб уюб қўйсаларда, бойликка интилмаслик лирик қаҳрамоннинг қўлидан келади. Шоирнинг асосий шиори – малоллик келтирмай яшаш. У нафақат жамиятнинг, балки табиатнинг малолатига ҳам сабабчи бўлишни истамайди:

Агар лабташна қолсак, филмасал, саҳройи оламда,

Малолат зоҳир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.

Ғазалнинг кейинги байтларида лирик қаҳрамон яхшиликни фақат Аллоҳдан кутишини, фойда учун дуч келган одамникига боравермаслигини, айниқса, димоғдор, кибрли, кўнгил маърифатидан йироқ кимсаларга яқинлашмаслигини билдиради. Тўртинчи байт таҳлилида нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам таҳлилда иккиланиб қолганликларига тажрибалар давомида гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, “лоф урмоқ” бирикмаси

хозирги кунда асосан “ёлғон сўзламоқ”, “ёлғон даъво қилмоқ” маъносида қўлланади. Агар шу маънода тушунилса, “Биз Фарғона юртида ўзимизни авлиёсифат кўрсатиб, ёлғон гапирамиз, шу лоф билан таъбимиз нозик деб, ҳар жойга ҳам боравермаймиз” деган ғазал матнига мутлақо тўғри келмайдиган маъно чиқади. “Лоф урмоқ” бўрттириб гапириш, қайта-қайта таъкидлашни ҳам англатади. Шу маъноларни билгачгина, байт мазмунини тўғри чақиш мумкин бўлади.

Ғазалнинг олтинчи байтида сўфиёна руҳ яққол намоён бўлиб, шоир кўзда тутаётган кишилар фақр элидан эканлигини алоҳида таъкидлайди. Маълумки, тасаввуфда комилликка эришиш учун босиб ўтилиши зарур босқичлар қаторида „истиғно“, „фақр“ ҳам бор. Лирик қаҳрамон ана шу босқичдан ўтиш истагида бўлганлар номидан бойлик учун жаҳонгирлар олдига ҳам бормасликларини сўзлайди:

Биз эллар — фақр элимиз, парча нонға сабр айлармиз,

Ғараз дунё учун Искандару Дороға бормасмиз.

Шоир — эътиқодида собит. У бу ёлғон дунёдан кетгунча ҳам қарашларини ўзгартирмоқчи эмас. Шу тариқа шеърда ўз қадрини билган, эзгуликка интилган, ҳақиқатга астойдил етмоқчи бўлган солиқ туйғулари самимий ифода этилган:

Эмасдур онча асбоби жаҳонға фикримиз, Фурқат,

Вале кетгунча жуз андишайи фардоға бормасмиз.

“Асбоби жаҳон” инсонни дунёга боғлаб турадиган нафсоний истак ашёларидир. Фикри асбоби дунё бўлмаган кишининг мақсади ва интилишлари Яратганнинг висоли бўлади. Бу маслакда яшовчилар ҳаргиз “жуз андишайи фардоға бормас”лар. Шу тариқа ғазалда кўнгил маърифатига эга шахслар ҳолати жуда таъсирли акс эттирилган.

Шоирнинг “Манам шўрида булбул” мухаммаси дарсликда қисман таҳлил қилинди. Ўқитувчи ҳар бир банддаги шоир ғариблиги сабаби ҳамда руҳиятидаги маҳзунлик ҳолатининг шарҳланишига эришмоғи керак. Матн билан танишилгач, ўқувчилардан ўзлари англаганлари даражасида шеърдаги

ғариблик, ғурбат маъноларини изохлашлари, фикрларини матн асосида далиллашлари талаб қилинади. Изоҳлар турлича бўлиши мумкин: ёр (маъшуқа) ҳажри (“Бўлубман ошиқи шўридаи бир нозанин дилбар”); ўз яқинларидан айрилиқ (“Киши ҳолимни билмас меҳрибонидин адошганман”); дўстлар соғинчи (“дўстонидин адашгонман”); ватанидан жудолик (“Ватансиз бенаводурмен, маконидин адашгонман”, “Ваё бир мурғи ваҳший ошиёнидин адашгонман”); маънавий устоз – тариқатдаги пири комилдан узоқлашиш (“бир соҳиб каромат остонидин адашгонман”); илоҳий макондан, Яратган васлидан мосиво бўлиш (“Фано куйида кимки муътакифдур”, “Замон аҳли бу боисдин тахаллус Фурқатий дерлар, Неча йилдур бир ошуби замонидин адашгонман”).

Мазмунни шарҳлашга берилиб кетиб, шеърнинг бадииятини назардан соқит қилишлик тўғри эмас. Муҳаммасдаги ҳасби ҳол учун қўлланган ташбеҳлар, ҳар бир банддаги сўзларнинг таносубий боғланиши, муболаға учун ишлатилган қиёслар устида ишланиши лозим.

Фурқатнинг “Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек” мусаддаси адабиётшуносликда эрк ва ҳуррият қўшиғи деб таърифланади. Шеърда учта образ: лирик қаҳрамон, сайд – ов (оҳу) ҳамда сайёд образлари иштирок этган. Мусаддас бошдан оёқ лирик қаҳрамоннинг овчи тузоғига тушган оҳуга ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб-тошган. Лирик қаҳрамон тузоққа тушган оҳунинг ҳолини хилма-хил ташбеҳлар ва муқоясалар билан тасвир этгач, овчига хитоб қилиб, уни банддан озод қилишни сўрайди. Лекин унинг ижтимоий мазмун юкланган тағмаёноси ҳам йўқ эмаслиги тарбияланувчиларга англатилиши ўринли бўлади. Ҳар қандай куюнчак миллат зиёлисининг юрагига ҳасрат доғини солган Туркистон юртининг кўлдан кетиб, эл ва юрт овдай бўлиб истило асрининг сайёди қўлига тушиши унга янги ижтимоий мазмун бағишлайди, яъни сайд – бу она Туркистон, сайёд – ғаддор мустамлакачилар. Айрим мутахассислар эса ушбу мусаддаснинг юзага келишида шеърда номи зикр этилган Саъдулла ҳофизнинг ёмонлар томонидан фожиали ўлдирилишини ҳам бир сабаб қилиб



кўрсатадилар. Бу шеър воситасида ўқувчида ўзгалар қайғусини англаш, ҳамдардлик ҳисси чуқурлаштирилади, Ватан тақдирига масъуллик туйғуси камол топтирилади.

## **МАКТАБДА ФУРҚАТ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ**

*Қозоқбой Йўлдошев, ЎзМУ профессори*

*Валижон Қодиров, АДУ катта ўқитувчиси, ф.ф.н.*

Адабий таълимда Фурқат ижоди доимий равишда ўрганиб келинган. Шўро даврида ҳам адиб асарлари дарсликлардан муқим жой олган эди. У давр адабиётшунослигидаги чекланган жиҳатлар шоир ижодини ўрганишда ҳам айнан акс этган эди. Ижтимоий воқелик, тузум талабига кўра шоирнинг дастурга киритилган асарлари асосан ижтимоий ва мафкуравий нуқтаи назардан талқин қилинган. Мустақилликдан кейинги даврда Фурқат ижоди кенгроқ кўлам ва ўзгача нигоҳ билан ўрганила бошлади. Олдинги учта дастурга кўра адиб қаламига мансуб битиклар умумтаълим мактабларининг 6-, 8- ва 10-синфларида ўрганилди. Энди бу асарларни ўқитишда дидактик ва эстетик ёндашув етакчилик қилмоқда. Шунингдек, улар бағрида жо бўлган ирфоний мазмунга ҳам эътибор қаратилмоқда. Охири қабул қилинган дастурда кўра Фурқат ижоди 9-синфда ўрганилиши белгиланган. Биз бу мақолада сўнгги дастурга кўра дарсликка киритилган шоир лирикаси намуналарини ўрганиш юзасидан мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Фурқат умрбаёнига оид маълумотлар дарсликда етарлича берилган. Ўқитувчи мазкур биографик далилларни кенгроқ шарҳлаб, қўшимча изоҳлар билан баён этиб бериши керак. Ушбу соатда фақат ҳаёт йўли, бошдан кечирганлари сўзлаб берилмайди, балки адабий мероси ҳамда ижод оламига ҳам умумий назар ташланади. Бу борада яна дарсликдаги материаллар муаллимга ёрдамга келади. Бизнингча, биринчи соатни қуйидагича режа асосида ўтказиш маъқул бўлади:

1. Фурқатнинг ҳаёт йўли: таҳсил олиши, меҳнат фаолияти, саёҳатлари, оилавий ҳаёти ва турмуш тарзи, чет элдаги ҳаёти.

2. Фурқатнинг публицистик фаолияти: “Туркистон вилоятининг газети” билан алоқаси, мақолалари.

3. Адибнинг илмий асарлари.

4. Фурқатнинг таржимонлик фаолияти.

5. Шоирнинг бадиий оламига экскурсия.

Дарсликда шоирнинг маърифатпарварлик йўналишидаги ижоди тўғрисида умумий фикрлар айтилиб, шеърлари санаб ўтилган, лекин улар ҳақида тавсифий таҳлил берилмади. Ўқитувчи дарсликка қўшимча маълумот сифатида шу руҳдаги шеърлардан намуналар келтириши, айримларини шарҳлаб ўтиши лозим бўлади. Маърифатпарварлик шеърларнинг барчаси маснавий йўлида ёзилган бўлиб, уларда маорифни ислоҳ қилиш, илмга даъват, фан ва маданият янгиликларини тарғиб этиш ғоялари сурилганлигига тарбияланувчилар диққати тортилади. Машғулот сўнгида дарсликдаги савол ва топшириқлар ҳамда ўқитувчининг ўзи тузган қўшимча саволлари асосида суҳбат ўтказиш мумкин.

Дарсликда берилишига кўра таҳлилга тортилиши керак бўлган Фурқатнинг „*Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар*“ ғазали табиат лирикасининг намунаси. Унда кўклам келиши билан табиатда рўй бераётган гўзал ўзгаришларни ғоят синчиклаб кузатган шоирнинг қалб кечинмалари акс этган.

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,

Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар.

Ўқувчилар диққати бу шеърда ҳам худди Муқимийнинг „Навбаҳор“ ғазалидаги сингари йилнинг энг дилбар фаслидаги гўзалликдан дўстларни баҳраманд қилиш истаги ифодаланганлигига қаратилади. Мумтоз адабиётда узоқ интиқ кутиб, орзуга етган дамлардан олдинги интизорлик даврини қоронғулик сифатида тасвирлаш анъана эканлигини айтиб, талабалардан ўтилган мавзулар бўйича мазкур фикрга мисоллар (мисралар ёки байтлар)

эслашни сўраш ўринли бўлади. Навоий Фарҳоднинг туғилишини “Шабистонда туғди бир янги ой” деб тасвирлайди. Мисрада “шабистон” сўзи ҳоконнинг ўғил кўргунча бўлган даврдаги фарзандсизлик ҳасратида ўтказган йилларни ифодалайди. Огаҳий баҳор келгунга қадар ҳукм сурган азобли қиш кунларини сояга менгзайди: “Кўтарди ер юзидин соя наврўз”. Шунинг учун ҳам Фурқат ўткинчи умрни гўзаллик қўйнида эзгулик билан ўтказишни истайди. Чунки баҳоргина эмас, умр ҳам ўткинчи — „ғанимат“. Матлаъдан сўнг шоир ўзини мувозанатдан чиқарган, хаяжонга солган кўклам манзарасини чизишга тутинади. Кўз олдингизда дилбар баҳор тонгининг латиф манзараси намоён бўлади: субҳий шабнамлардан кўм-кўк майсаларнинг яшнаб туриши, баҳор булути онда-сонда ташлаб турган томчилар ва Яратганнинг санъатига лолу қойил ошуфта кўнгил... Ўзбек тилининг ифода имкониятларидан маҳорат билан фойдаланган шоир ўқувчига ахборот бериб қолмай, унда кучли ҳис-туйғу уйғотишга эришганлигини болаларга туйдириш лозим:

Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,

Гул уза томиб кам-кам, ёғди абри найсонлар.

Фурқат кўклам манзарасини ўз ҳолича тасвирламайди, уни жонлантиради. У атрофдаги ҳар бир унсурни – масалан, настарин, ёсуман ва наргис гулларини дилга яқин кишига муносабати нуқтайи назаридан тасвирлайди. Уларда „ёронлар“, яъни ёр-жўраларга интизорлик, интиқлик кўради. Киши кўзини қувонтираётган баҳорий кўкатлар шунчаки гўзал эмас, балки яқинларни кутиб олишга ҳозирлик кўраётганлиги сабаб гўзалдир:

Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,

Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Кўкламнинг энг сара чечаклари сара одамлар — ёронларни кутиб олишга ҳозирлик кўришади. Фурқат табиатни тинимсиз ҳаракатда кўрсатади. Кўклам манзараси динамикасини жонли тасвирлайди:

Бир саҳар эдим уйғоқ: ўт туташди оламга,

Тоғлар чекибон ларза, титради биёбонлар.

Бу сатрлар ўз ҳолича ўқувчи тасаввур ва ҳаёлотига таъсир кўрсатади, туйғуларини безовта қилади. Ўқитувчи ўртага шундай савол ташлаши мумкин: Байтда тасвирланган сахар чоғида нима рўй берди? Сиз уни қандай тушунасиз ва тушунтирасиз? қабилида савол ташлаш мумкин. Ўқувчи нима бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйга толади. Кимдир кўклам сахариди мома-калдироқ гулдирагандир деса, бошқа ўқувчи чакмоқ чаққандир ёки учинчи бири ёмғирдан сўнг чарақлаб қуёш чиққандирки, олам ўтга буркангандай бўлгандир тарзида тушунар. Хуллас, ҳар бир ўқувчи ўз тасаввуридан келиб чиқиб, бу мисраларни ўзгача шарҳлаши мумкин ва ўз фикрини далиллай олар экан, уларнинг ҳар бири ҳақ.

Шеърнинг бешинчи байтида қўлланган тақлидий сўзлар ғазал муסיқийлигини оширган, олдинги мисраларни кучайтиришга, янги тафсилотлар билан мустаҳкамлашга хизмат қилган. Унда жонли нарсалар ҳолати тилга олинади. Фурқатдан олдин ўрганилган сиймо – Огаҳийнинг ишқий ғазалларида бўлган каби саккиз байтли мазкур шеърда ҳам олтинчи байтдан ғазалга ижтимоий маъно кириб келади. Тўғри, бу шунчаки анъанавий рамзлар орқали ифодаланган, лекин йил бошидан ўқувчиларнинг мумтоз матнлар тағмаъносини англаш малакалари шаклланганлигини унутмаслик керак:

Булбул ўқуғоч йиғлаб, субҳидам хазон фаслин,

Ғунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Байтда ғунчанинг гул бўлиб очилиши жараёнини ҳусни таълил санъати воситасида ўзига хос тарзда тасвирланганлигига ўқувчилар диққат қилиши лозим. Кўкламнинг шундоқ фараҳли эртасида булбул хазон фаслини эслаб нола қилгач, у қўнган гулнинг ғунчаси ҳам қон ютиб, ёқасини юз жойидан йиртиб юборади. Ёқаси йиртилган ғунча ёзилиб кетади, яъни очилади. Нима учун булбул субҳидамда хазон фаслини эслайди? Бунинг сабаби еттинчи байтда очилади. Чунки дунёдан вафо аҳли кечганлар. Халқимиздаги азадорларнинг кўк кийиш удумидан шоир бу байтда унумли фойдаланган.

Ғазалнинг мақтаъсида шоирнинг вафо аҳлининг ноҳақ ранжитилишига, кадр топмаганлигига куюнчак муносабати акс этади:

Куймасун бу савдодан не учун димоғимким,  
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

Албатта, адолатпарвар шоир доноларнинг ғусса чекиб, нодонларнинг шод яшашидан озорланади ва буни мураккаб рамзлар воситасида жозибали ифодалайди. Шоир ўз даври учун ғоят долзарб бўлган адолат ва маърифат муаммоларини фақат фаслнинг гўзаллигини куйлашга бағишлангандай туюлувчи шеърнинг замирига усталик билан сингдириб юборади.

“Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур” ғазалининг олдинги шеър билан умумий жиҳатлари кўп. Ҳар иккаласи ҳам мумтоз адабиётимизнинг энг сара асарларидан саналади. Ҳажм жиҳатидан катта – кўп байтли (бири саккиз, иккинчиси ўн байт) бу шеърлар лирик қаҳрамоннинг тасвир объектига (баҳор ва маъшуқага) идеал ёндашуви билан бошланади.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,  
Балки андин даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур.

Шоир мақтаъда тажнис ва ҳусни таълил бадий тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланади. Биринчи мисрадаги “тортадур” сўзи “қўймоқ” маъносини берса, иккинчи қатордаги „тортадур“ сўзи „кўтаради“ маъносида келган. Бу – тажнис. Даҳр эли – дунёдаги одамлар орасидаги келишмовчилик, давлатлараро низо ва урушлар, умуман барча ғавғолар, шоир изоҳича, шу қаро кўз туфайли, уни талашиб юз бермоқда. Кейинги байтда қисм бутун орқали идрок этилганлиги учун ифоданинг аниқлигига эришилади:

Қошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,  
Икки ҳинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.

Ёрнинг камон қошлари остидаги фитнакор кўзлари гўё ёй отаётган икки нафар ҳинду боласига ўхшайди. Ўқитувчи шу ўринда Нима учун ёр кўзлари ҳинду боласига ўхшатишган? Нега улар “ёндашиб” деб тасвирланаётибди?

Улар тортаётган ёй нима? Ўқлари-чи? каби йўналтирувчи саволлар бериб, таҳлилни жонли ва мукаммал бўлишига эришиши мумкин. Ўқувчилар маъшуканинг кўзлари коп-қоралигидан улар ҳинду болаларга, кўзнинг жойлашиш шаклига кўра ёндашиб ётишга ўхшатилаётганлигини, уларнинг ёйи ёрнинг қоши, ўқлари эса ғамзали боқишлари эканлигини болалар қийналмай изоҳлай оладилар.

Телбаланмиш зулфини савдосидин девоналар,

Қайға борса ўлтуруб ерға чалипо тортадур.

Ўқувчилар диққати ушбу байтда шоирнинг гўзаллик тасвирида мантикий изчилликка амал қилишига қаратилади. У ёр вужудининг ҳар бир муча (аъзо)сига ҳар жиҳатдан мос келадиган вазифа юклайди. Шу сабаб, унинг зулфи ҳақида гапирар экан, ошиқларнинг телбаланиб, дуч келган жойга бут расмини чизишларини тасвирлайди. Яъни ёрнинг зулфидан ошиқлар шу даражада эс-хушларини йўқотадиларки, телбаниш ҳолатига тушадилар. Қайд этилган сабаб ва оқибат муносабати мантиқли ҳамда мароқли: ёр зулфи – паришон, яъни тартибсиз. Тартибсизлик эса телбаликнинг илк белгиларидан бири. Ғазалнинг тўртинчи байти тасвир мураккаблиги жиҳатидан ажралиб туради:

Жон ила кўнгил талошур, эй санам, дарду ғаминг,

Бирни сол кўнглумғаким, жон бирни танҳо тортадур.

Ўқитувчи бу байтнинг таҳлилида ўқувчиларга ёрдамга келиши керак. Аксарият ҳолларда уларнинг ўзи бу мисраларни шарҳлашга қийналишлари тажрибаларда кўрилди. Сўздаги маъно нозикликларига эътибор қилинмаса, байтнинг маъносини англамаслиги, шоирнинг санъаткорлиги сезмай қолиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Машрабнинг “Ўртар” ғазалидаги “Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар” мисраси мисолида “ғам” ва “алам” сўзларидаги маъно нозикликлар тўғрисида тўхталган эдик. Шуни эслатган ҳолда бу ўринда “дард” сўзи муҳаббат маъносида келганини ҳисобга олиш лозим. Шунда жон билан кўнгулнинг ишқ билан ғамдан қай бирини танлашни билмай талашаётгани тушунарли бўлади. Ошиқ

маъшукадан талашилаётган икки нарсадан биттасини кўнглига солишини сўрайди. Ўшанда жон бошқа биттасини кўтара олиши мумкин. Кейинги байтлар таҳлили шу тахлит давом этади.

Бу ғазалда ҳам мактаъдан олдинги икки байтда шоир ижтимоий ва фалсафий мушоҳадалар билан чекиниш қилади. Фурқат уйғоқ виждонли кишилар каби чархнинг адолатсиз бир одати (шеваси)дан доғда: айшни нодон суради, кулфатни донолар тортади. Унинг олдинги ғазалдаги “Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар” мисраси билан яқинлигини болалар ўқитувчининг саволи орқали топа оладилар. Ғазалнинг тўққизинчи байтида Фурқат инсоннинг моддий ва руҳий жиҳатидаги бир боғлиқликдан жуда ўринли фойдаланади, яъни одам танасида сафро кўпайса, унда жинниликка майл кучайганидек, бойликка ўчлик инсон кўнглини қора қилишини таъкидлайди. Шоир инсонни бойлик эмас, ишқ улуғлайди деб билади. Шу боис, ғазал мактаъсида муҳаббат азобларини енгилтак кимсалар тортолмаслигини очиқ айтади:

Булҳаваслар торта олмас нозанинлар нозини,

Фурқатийдек бекасу шўрида, расво тортадур.

“Булҳаваслар” ишқни ҳавас, айш воситаси деб билувчи енгилтаклардир. Шу ўринда талабаларга “Муқаддам ўрганилган асарлардаги “булҳавас” образларни эсланг”, “Қайси тимсолларни “Фурқатийдек бекасу шўрида, расво тортган”лар сирасига киритиш мумкин?” каби топшириқ, саволлар бериш мумкин.

Шеърятда инсон портретини сўз билан чизиб, гўзал санъат асари яратиш мумкинлиги шоирнинг „*Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг*“ сатри билан бошланадиган шеъри воситасида ўқувчиларга кўрсатилади. Фурқатнинг бу машҳур ғазали устоз озар шоири Муҳаммад Фузулийга иқтибос сифатида яратилган. Ҳатто шеърнинг биринчи мисраси тўлиғича Фузулийга тегишли бўлиб, Фурқат уни ривожлантириб, янги бадиий мазмун юклаган. Адабиёт муаллими ўзга шоирнинг мисрасига таянган ҳолда тасвир қудрати, ифода таъсирчанлиги, чизгиларнинг

нозиклиги жихатидан олдингидан баландроқ бадийий натижага эришмоқ учун улкан талант эгаси бўлиш кераклигини алоҳида урғу билан таъкидлаши лозим. Фурқат шундай истеъдод соҳиби бўлгани учун ҳам ёрнинг шеърий суратини яратар экан, ҳар бир чизгига муайян бадийий вазифа юклаган. Шунинг учун ҳам маъшуқа тасвири деворга илиб қўйилган сурат эмас, балки ўқувчининг кўнглидан жой олган ҳаракатдаги суратдир:

Сурмадин кўзлар каро, қўллар хинодин лоларанг,  
Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг.

Дастлабки сатрларда маъшуканинг гўзаллиги ташки омиллар туфайли юзага келганлиги тасвирланади. Кўзнинг қоралигига сурма, қўлнинг лоларанглигига хина, юзнинг гўзаллигига элик, қошнинг таранглигига ўсма сабаб. Мумтоз адабиётда қош доим камонга ўхшатилади. Қошнинг таранглиги камоннинг таранглиги демакдир. Яъни маъшуканинг эгма қоши ошиққа қаратилган таранг камондир. Унинг кейинги мисралардаги оғир қисмати ана шу ҳолатнинг натижасидир. Кейинги байтлардаги келинчакнинг кийиниши, миллий ороланиш ашёлари, тақинчоқ, безаклар, гўзалнинг ўзини тутиши, қилиқлари, ошиқ билан муносабатлари, уларни беришда шоир қўллаган бадийий тасвир воситалари бир-бир шарҳланиши ҳамда изоҳланиши лозим. Савол ва топшириқлар моҳиятан миллий қадриятларга ҳурмат, миллий ўзликни англаш ва булардан ғурурланиш туйғуларини тарбиялашга қаратилган.

Дарсликда Фурқат умрининг маълум бир палласида тасаввуф йўлига мойиллик билдириб, ўткинчи дунё ғавғоларидан кўнглини фориғ тутиб яшашга интилгани тўғрисида маълумот айтилиб, “Бормасмиз” радифли ғазалида шоир шахсияти, унинг умрбаёнига дахлдор мазкур жихатлар янада яққолроқ кўзга ташланиши таъкидланган эди. Шеърда комиллик йўлига кирган ориф шахс ҳаётий қарашлари баён этилгандек бўлади. Ғазалнинг қаҳрамони – ўз қадрини биладиган, инсонлик ғурурини бойлик ва манфаатдан устун қўя оладиган шахс:

Биз истиғно эли қичқирмаган маъвога бормасмиз,



Агар чандеки хирман айласа, дунёга бормасмиз.

Шу шеър баҳонасида ўқувчиларга тасаввуфий истилоҳларни таништириш давом эттирилади. Истиғно – бу эҳтиёжсизлик. Худодан бошқа ҳеч кимга ва ҳеч нарсага муҳтож бўлмай яшашни уддалайдиган одамлар истиғно элидир. Айтилмаган жойга бормаслик, хирмон қилиб уюб қўйсаларда, бойликка интилмаслик лирик қаҳрамоннинг қўлидан келади. Шоирнинг асосий шиори – малоллик келтирмай яшаш. У нафақат жамиятнинг, балки табиатнинг малолатига ҳам сабабчи бўлишни истамайди:

Агар лабташна қолсак, филмасал, сахройи оламда,

Малолат зоҳир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.

Ғазалнинг кейинги байтларида лирик қаҳрамон яхшиликни фақат Аллоҳдан кутишини, фойда учун дуч келган одамникига боравермаслигини, айниқса, димоғдор, кибрли, кўнгил маърифатидан йироқ кимсаларга яқинлашмаслигини билдиради. Тўртинчи байт таҳлилида нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларнинг ўзлари ҳам таҳлилда иккиланиб қолганликларига тажрибалар давомида гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, “лоф урмоқ” бирикмаси ҳозирги кунда асосан “ёлғон сўзламоқ”, “ёлғон даъво қилмоқ” маъносида қўлланади. Агар шу маънода тушунилса, “Биз Фарғона юртида ўзимизни авлиёсифат кўрсатиб, ёлғон гапирамиз, шу лоф билан таъбимиз нозик деб, ҳар жойга ҳам боравермаймиз” деган ғазал матнига мутлақо тўғри келмайдиган маъно чиқади. “Лоф урмоқ” бўрттириб гапириш, қайта-қайта таъкидлашни ҳам англатади. Шу маъноларни билгачгина, байт мазмунини тўғри чақиш мумкин бўлади.

Ғазалнинг олтинчи байтида сўфиёна руҳ яққол намоён бўлиб, шоир кўзда тутаётган кишилар фақр элидан эканлигини алоҳида таъкидлайди. Маълумки, тасаввуфда комилликка эришиш учун босиб ўтилиши зарур босқичлар қаторида „истиғно“, „фақр“ ҳам бор. Лирик қаҳрамон ана шу босқичдан ўтиш истагида бўлганлар номидан бойлик учун жаҳонгирлар олдига ҳам бормасликларини сўзлайди:

Биз эллар — фақр элимиз, парча нонга сабр айлармиз,

Ғараз дунё учун Искандару Дороға бормасмиз.

Шоир — эътиқодида собит. У бу ёлғон дунёдан кетгунча ҳам карашларини ўзгартирмоқчи эмас. Шу тариқа шеърда ўз қадрини билган, эзгуликка интилган, ҳақиқатга астойдил етмоқчи бўлган солиқ туйғулари самимий ифода этилган:

Эмасдур онча асбоби жаҳонға фикримиз, Фуркат,

Вале кетгунча жуз андишайи фардоға бормасмиз.

“Асбоби жаҳон” инсонни дунёга боғлаб турадиган нафсоний истак ашёларидир. Фикри асбоби дунё бўлмаган кишининг мақсади ва интилишлари Яратганнинг висоли бўлади. Бу маслакда яшовчилар ҳаргиз “жуз андишайи фардоға бормас”лар. Шу тариқа ғазалда кўнгил маърифатига эга шахслар ҳолати жуда таъсирли акс эттирилган.

Шоирнинг “Манам шўрида булбул” мухаммаси дарсликда қисман таҳлил қилинди. Ўқитувчи ҳар бир банддаги шоир ғариблиги сабаби ҳамда руҳиятидаги маҳзунлик ҳолатининг шарҳланишига эришмоғи керак. Матн билан танишилгач, ўқувчилардан ўзлари англаганлари даражасида шеърдаги ғариблик, ғурбат маъноларини изоҳлашлари, фикрларини матн асосида далиллашлари талаб қилинади. Изоҳлар турлича бўлиши мумкин: ёр (маъшуқа) ҳажри (“Бўлубман ошиқи шўридаи бир нозанин дилбар”); ўз яқинларидан айрилиқ (“Киши ҳолимни билмас меҳрибонидин адошгонман”); дўстлар соғинчи (“дўстонидин адашгонман”); ватанидан жудолик (“Ватансиз бенаводурмен, маконидин адашгонман”, “Ваё бир мурғи ваҳший ошиёнидин адашгонман”); маънавий устоз – тариқатдаги пири комилдан узоқлашиш (“бир соҳиб каромат остонидин адашгонман”); илоҳий макондан, Яратган васлидан мосиво бўлиш (“Фано куйида кимки муътакифдур”, “Замон аҳли бу боисдин тахаллус Фурқатий дерлар, Неча йилдур бир ошуби замонидин адашгонман”).

Мазмунни шарҳлашга берилиб кетиб, шеърнинг бадииятини назардан соқит қилишлик тўғри эмас. Муҳаммасдаги ҳасби ҳол учун қўлланган

ташбеҳлар, ҳар бир банддаги сўзларнинг таносубий боғланиши, муболаға учун ишлатилган қиёслар устида ишланиши лозим.

Фурқатнинг “Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек” мусаддаси адабиётшуносликда эрк ва хуррият қўшиғи деб таърифланади. Шеърда учта образ: лирик қаҳрамон, сайд – ов (оху) ҳамда сайёд образлари иштирок этган. Мусаддас бошдан оёқ лирик қаҳрамоннинг овчи тузоғига тушган оҳуга ҳамдардлик туйғуси билан тўлиб-тошган. Лирик қаҳрамон тузоққа тушган оҳунинг ҳолини хилма-хил ташбиҳлар ва муқоясалар билан тасвир этгач, овчига хитоб қилиб, уни банддан озод қилишни сўрайди. Лекин унинг ижтимоий мазмун юкланган тағмаёноси ҳам йўқ эмаслиги тарбияланувчиларга англатилиши ўринли бўлади. Ҳар қандай куюнчак миллат зиёлисининг юрагига ҳасрат доғини солган Туркистон юртининг қўлдан кетиб, эл ва юрт овдай бўлиб истило асрининг сайёди қўлига тушиши унга янги ижтимоий мазмун бағишлайди, яъни сайд – бу она Туркистон, сайёд – ғаддор мустамлакачилар. Айрим мутахассислар эса ушбу мусаддаснинг юзага келишида шеърда номи зикр этилган Саъдулла ҳофизнинг ёмонлар томонидан фожиали ўлдирилишини ҳам бир сабаб қилиб кўрсатадилар. Бу шеър воситасида ўқувчида ўзгалар қайғусини англаш, ҳамдардлик ҳисси чуқурлаштирилади, Ватан тақдирига масъуллиқ туйғуси камол топтирилади.

## **ФУРҚАТ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК ҚИРРАЛАРИ**

**М. Мўйдинов,  
география кафедраси**

Ўзбек адабиёти тарихида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги адабий ҳаракат муҳим ўрин тутди. Бу даврда Марказий Осиёнинг муҳим маданий марказлари - Қўқон, Бухоро, Хива, Тошкент, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларда кўплаб шоирлар ажойиб ижод намуналарини яратадилар.

Ўзбек демократик адабиётида маърифатпарварлик йўналишига асос солган ва бу йўналишнинг энг жўшқин куйчиси Фурқатдир. Мураккаб ва ўта зиддиятли даврда яшаб, ижод этган шоир Фурқат ҳаётида Қўқон адабий муҳитидаги Муқимий бошчилигидаги адабий гуруҳ катта рол ўйнайди. Шоирнинг 80 – йилларнинг бошларидан 1889 йилларгача бўлган Қўқондаги ҳаёти шоир дунёқарашини шакллантирди, ижодини камол топтирди. Фурқат ўз илмини ва бутун қобилиятини халқ хизматида бағишлаб эркинлик, озодлик ва бахт куйини куйлаган маърифатпарвар шоирдир.

Ўзбек адабиёти тарихидан бизга маълумки, ёзувчилар орасида энг кўп саёҳат қилгани Осиё, Европа ва Африканинг кўп мамлакатларини ўз кўзи билан кўриб билган жаҳонгашта шоир Зокиржон Фурқатдир. Фарғона водийсининг кўп қишлоқ ва шаҳарларини кезиб, аҳолининг турмуш тарзи, урф – одати, кундалик фаолияти ҳамда орзу - умидларини ўз асарларида ифодалаган. Фурқат яшаган даврда ўта мураккаб, зиддиятли, ўзаро низолар авж олган эдики, бу ҳолатлар унинг ҳаётига, ижоди ва фаолиятига таъсир кўрсатди.

Фурқат ўша даврларда халқнинг оғир турмушини енгиллаштирадиган, амалдорларнинг зулмидан қутқарадиган ҳамда озод ва фаровон ҳаётга элтувчи йўл маърифат йўли эканлиги англаб этди ва бу йўлда тинмай меҳнат қилди ва курашди. Илм – маърифатни халқни озодликка олиб чиқувчи ёруғ машъал деб билди.

У Қўқонда яшаб турган даврида ҳукмрон доиралар орасидаги келишмовчиликлар, ўзаро низолар ва улардан меҳнаткаш халқнинг кўраётган жабр – зулмини ифодалаб “Туф”

радибли шеърини яратади. Шоирнинг жўшқин ва исёнкор табиати яратган танқидий, ҳажвий шеър ва асарлари ўша замон ҳукмрон доираларига кўп ҳам хуш келмайди. Манбааларда қайд қилинишича 80 – йилларнинг охирларида Фурқат Марғилонга боради, у ерда бир неча вақт яшаб, адабий, ижодий ишлари билан шуғулланади, олимлар, шоирлар билан танишади, суҳбатлашади ва мушоиралар ўтказади.

1889 йилда Фурқат саёҳат қилиш мақсадида Марғилондан чиқиб Қўқон орқали Хўжандга келади. Бир неча вақт Хўжандда яшаганидан сўнг 1889 йилнинг июнь ойида Тошкентга келади, бу ерда қарийиб икки йил яшади. Бу ерда ҳам ҳақ сўзлари, танқидий асарлари учун таъқиб остига олинган маърифатпарвар ва тараққийпарвар шоир Фурқат ҳаёти таҳлика ва хавф остида қолган эди. Академик шоир Ғофур Ғулом Фурқатнинг Тошкентдаги ҳаёти тўғрисида ўз мулоҳазаларини шундай изоҳлаган эди: “Тарихдан шуниси аниқдирки, Фурқат отилмоқлиги ёки қамалмоқлиги турган гап эди. Ўз мудҳиш тақдирини англаган шоир қочишга мажбур бўлди”.<sup>19</sup> Халқни ўйғотишга, тараққиётга ундовчи ҳақ сўзни ва инсоф – адолат ҳимоячиси бўлган шоирни мустамлакачилар муҳити ҳам, унда лаганбардорлик билан кун кечириётган маҳаллий ҳокимлар муҳити ҳам сиғдирмайди. Натижада 1891 йилнинг май ойида Тошкентдан чиқиб Самарқандга боради. У вақтлар (1891 йилда) ҳали Ўрта Осиё темирйўли Тошкентга келиб етмагани учун

---

<sup>19</sup> Ғофур Ғулом. Унутилмас кишилар тўғрисида., Ўзбекистон, 1948 йил 9 июнь.

Фурқат Самарқандгача от – аравада боришга мажбур бўлган. У ердан Закаспий темирйўли орқали Бухоро, Чоржўй, Ашхабоддан ўтиб, денгиз орқали Бокуга борган. Бокудаги маданий муҳитлар билан танишгандан кейин Тифлис (ҳозирги Тбилиси) орқали Ботум (ҳозирги Ботуми)га жўнаган (Боку – Тифлис – Ботум темирйўли 1883 йилда қурилиб бўлган эди). Ботумда пароходга тушган Фурқат Туркиянинг Қора денгиз бўйлари ва бу соҳиллардаги шаҳарларни (Трабзун, Самсун, Синопни) сайр этган. Босфор бўғозидан кириб Истамбулга тушган. У узоқ вақт Истамбулда турганини бир мактубида ўзи айтади:

Дегилким: - Эй Арастун замона,  
Билурда набз ташхиси ягона:

Келибман олдидан меҳмонингизни,  
Хўқандий, яъни Зокиржонингизни.  
Юрубдур ўйнаб Истамбулда хушнуд,  
Эрур аҳволи кундан кунга беҳбуд.  
... Мижозиға мувофиқ Рум ҳавоси,  
Анингчун турмак ўлмиш истизоси.<sup>20</sup>

Фурқат Истамбулда турган маҳалларида яқин атрофдаги бирқанча шаҳарларга ва ўлкаларга ҳам сафар қилган. Унинг Булғористонда (ҳозирги Болгария) ва Юнонистонда (ҳозирги Грецияда) бўлганлиги асарларидан аниқ кўринади.

Фурқат шеърларига, асосан унинг жаҳонгашталик тақдирини кўз олдига келтирсак, тахминан унинг саёҳат маршрути қуйидаги нуқталардан иборат бўлган, деб ўйлаш мумкин.

Шоирнинг Юнонистон ва Булғориянинг қайси шаҳарларида бўлганлиги аниқ белгилаш қийин. Лекин унинг кейинги сафар манзилларини тахминлаш, умумий маршрутнинг асосий йўналишига қараб чамалаш мумкин. У Истамбулда Мармара денгизида воқур (пароходга) тушиб Дарданель (Чоноқ – калъадан) ўтиб Оталар (Эгей) денгизига чиқади ва Шарққа қараб юривчи пароходларнинг одатда тўхтайдиган манзилларини сайру томоша қилади. У Ўртаер денгизига чиқиб, Онатулининг Измир, Анталия, Мерсин шаҳарларини кўради, Искандарун (ҳозирги Искандрия)да тўхтайди. Ливан (Лубнон)нинг Байрут шаҳрида бир оз дам олади. У ердан Мисрга яқинлашиб Порт – Саидда тушади. Исмоилия, Қоҳира, Искандария, Ал – Мансураларни зиёрат қилиб қайтади. Сувайиш каналидан кечиб Қизил денгизда жанубга қараб юради. Йўлда Арабистон ярим оролининг, аниқроғи Ҳижоз (ҳозирги Арабистон) ўлкасининг Жадда портига тушиб карвон билан Маккага боради (1892 йилнинг баҳорида). Кейин қайтиб яна пароход билан Қизил денгиздан Бобил – Мандаб бўғозидан Баҳри Уммон (ҳозирги

---

<sup>20</sup> Фурқат – “Танланган асарлар” 175-бет. 1958 йил. ЎзФА нашриёти. Тузувчи Холид Расул.

Арабистон) денгизига чиқади(1892 йилнинг кузида), Аданни томоша қилади.  
Бу ердан тўғридан – тўғри Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрига келади.

Мен тарафдин сўрсангиз кайфияти ҳолат агар,

Қолмасин махфи кўнгулда айлайин наҳорлар.

Икки ойдурким, келибман Маккадан Бомбайдаман ,

Шодмен алҳамдулиллоҳ, кўрмадим озорлар.

(“Бомбайдан хат”)

Фуркатнинг Ҳиндистонда қанча муддат турганини қатъий айтиш анча қийиндир. Аммо ҳар ҳолда унинг турли шаҳарларида бир қанча муддат туриб, кўп ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганини унинг мақолаларидан биламиз. Жумладан, Кўҳисандиб (ҳозирги Цейлон ороли), Кашмир вилоятларида бўлади.

Масалан: “Бомбайдан хат”нинг (“Фуркат шоир Бомбай шаҳридан Маҳмудхўжага юборган назми ушбуди” деган сарлавҳа остида) “Туркистон вилоятининг газети”да 1893 йил 30 апрелда босилганини, инглиз мустамлакачи қўшинлари билан афғон қабилалари ўртасида бўлиб турган урушлар ҳақидаги хабари эса, ўша газетада 1897 йил 23 ноябрда эълон қилинганини ва бу хабар Ёрқентдан юборилганлигини эътиборга олсак, Фуркат Ҳиндистонда тўрт йилдан ошиқ турганини айтишга тўғри келади. Шундан чиқдики, Фуркат Ҳиндистонга бормасдан олдин икки йилни (1891 – 1893 йиллар) Туркия ва Араб мамлакатларида ўтказган.

Фуркат Бомбайдан Дехли, Мирут, Лохур, Гужранвало, Кашмир (Сринагар), Жамма орқали Чин (ҳозирги Хитой, 1893 йилнинг бошлари) тупроғига ўтиб Хўтанга ва у ердан Ёрқентга борган. Фуркат Ёрқентда Русия фуқароси сифатида ҳаёт кечирди. Ёрқентда ҳам ўз маърифатпарварлик фаолиятини давом эттириб, Уйғур халқи ўртасида ҳам илм – маърифат тарқатиш борасида соҳасида қизғин кураш олиб борган. У бутун умри бўйи эзгу ниятлар билан яшаб, ўз орзуларига ета олмай 1909 йил Ёрқент шаҳрида мухожирликда вафот этди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Фуркатнинг ўз ватанида, Фарғона водийсида яшаган даври 1870 йилларнинг ўрталаридан 1889 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Бу даврда Фуркат асосан, лирик шоир сифатида ижод этади. Фуркатнинг Тошкентда яшаган даври 1889 – 1891 йилларни ўз ичига олади. Фуркатнинг ижодида бу давр маърифатпарварлик ғоялари билан характерлидир. 1891 – 1909 йиллар Фуркатнинг чет элларда яшаган давридаги ижодидир. Бу йиллар орасида Фуркат лирик ва маърифатпарвар шоир сифатида асарлар ёзишни давом эттиради. Унинг ижодида ватанпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди.

Фуркат узоқ муддат чет элларда яшаган бўлса ҳам, ҳеч қачон ўз ватанини унутмади. У умрининг охиригача Қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон ва бошқа шаҳарлардаги дўстлари билан хат орқали алоқа қилиб туради; у “Туркистон вилоятининг газети” билан ҳам ўз алоқасини узмади. Унинг шеърлари, мақолалари, хабарлари бу газета саҳифаларида босилиб турди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

1. Ғ.К.Каримов “Ўзбек адабиёти тарихи”. Тошкент “Ўқитувчи” 1966 йил
2. Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент 1958 йил
3. А.Қаюмов. “Шеърят жилолари”. Тошкент, “Ўқитувчи” 1997 йил
4. “Фурқат ижодиёти” Тошкент “Фан” нашриёти, 1990 йил

## **Мавзу: Фурқат ҳаёти ва ижодини мулоқот дарси усулида ўрганиш**

*Автойўл коллежи ўқитувчиси М.Саидаҳмедова*

Мулоқот дарсини ўқитишдан бир ҳафта аввал ўқувчиларга бир неча топшириқ берилади. Улар дарс ўтиладиган кунгача топшириқларни бажариб деворий газета ва бошқа кўргазмали қуролларни тайёрлашади. Дарс бошлангунга қадар мавзу ва режани доскага ёзиб қўйилади. Хонанинг бир бурчагига синф деворий газетаси – “Истиқлол”нинг Фурқат ижодига бағишланган сонини, ўқувчиларнинг шоир ижоди юзасидан ёзган ишларини Фурқатнинг ҳаёт йўлини фойдаловчи хронологик жадвал, Фурқат портрети, шоирнинг асарлари, у ҳақида рўзнома ва ойномаларда чиққан мақолаларни кўргазма сифатида осиб қўйилди. Дарс қуйидаги режа асосида ташкил этилади:

1. Муסיқали дақиқа.
2. Кириш сўзи.
3. Фурқатнинг ёшлик йиллари.
4. Фурқат янги Марғилонда.
5. Фурқат Тошкентда.
6. Фурқат чет элларда.
7. Фурқат ва унинг қўқонлик замондошлари Муқимий, Завқий ва Дилшод Барнолар билан мушоираси.
8. Мустақиллик мушоираси.

Муסיқали дақиқада Фурқатнинг “Сайдинг кўя Бер, сайёд” кўшиғи ёзилган пластинка эшиттирилади. Кейин Фурқатнинг ўзбек демократик адабиётида тутган ўрин ҳаида сўзлаб, фикр қуйидагича якунланади.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижодининг Айни гуллаган даврида рус генерал губернатори ва маҳаллий амалдорларнинг тазйиқи остида Ватанни тарк этишга мажбур бўлди. У киндик қони тўкилган она тупроғи меҳрига зор бўлиб, ўзга элларда армон билан кўз юмди. Энди сизлар билан Фурқатнинг ҳаёт йўли ҳақида фикрлашиб олайлик, деб қуйидаги саволларни ўртага ташланади.

1. Фурқатнинг ёшлик йиллари ҳақида нималарни биласиз?
2. Шоирнинг мактабда ёзган биринчи шеърини ёд айта оласизми?
3. Фурқат ёшлигида кимларнинг асарларини мутолаа қилди ва нималарга қизиқди?
4. Шоир қайси мадрасада ўқиди?
5. Фурқатнинг Муқимий билан муносабати қандай эди?
6. Унинг чет мамлакатларга кетишига нима сабаб бўлди?
7. Фурқат Ёркентда қандай ҳаёт кечирди?
8. Фурқат яшаган чет эллар билан мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги кунда алоқаси қандай?

Болалар саволларга дарслик ва синфдан ташқари ўқиган асарлари юзасидан жавоб беришади. Шундан сўнг Фурқат ва унга замондош бўлган кўқонлик шоирлар Муқимий, Завқий, Дилшод Барнолар қиёфасидаги ўқувчиларга навбат берилади. Улар бир-бирларига илтифот кўрсатиб, тахта ёнига чиқадилар ва диёдор кўришаётганликларидан шод эканликларини изҳор этадилар. Шундан сўнг Фурқат қиёфасидаги ўқувчи Абдулла Ориповнинг “Фурқат нидоси” шеърини ифодали ёд айтди.

*Мен Ватандан кетмаганман  
Айрим тушганман холос,  
Ажрагандек сув кечганда*



*Бир нафас жондин либос.  
Юрт у ёнда, мен бу ёнда  
Ўртада ҳижрон сели,  
Анча кўприк ташламакка  
Байтларим бўлди асос.  
Ўксиб-ўксиб йиғладим мен  
Мисли тил билмас гўдак,  
Онаизор кўкрагидан  
Айрилиб қолган бехос.  
Мен Ватанда Холмуҳаммад  
Ўғли Зокиржон эдим,  
Фурқатий деб ном қозондим,  
Бунга ҳижрон иқтибос.  
Шоирингни ёд этарда ўзбегим,  
Сендан ўтинч:  
Бир-бирингга қил мурувват,  
Бир-биринг бағрингга бос!*

Сўнгра ўқувчиларга: “Азиз болажонлар, сиз бугун севимли шоирииз Фурқат ва унинг замондошлари билан юзма-юз мулоқотда бўласиз” – дейди ўқитувчи. Мулоқот ўқувчиларнинг саволлари билан бошланади.

- Фурқат бобо, сиз хорижда яшаганингизда нима ишлар билан шуғулланингиз?

- Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрига борганимда Мавлавий Икромиддин деган бир саёҳ билан танишиб дўстлашдим ва иккаламиз Ҳиндистон вилоятларини кезиб чиқдик. Кашмирда бўлганимда Туркистон вилоятининг газетасига хат ёздим ва ватандошларимга шеърин мактуб йўлладим. Қашқар халқлари ўртасида маданият, маънавият, маърифат гулшанини барпо этишга интилдим.

- Нима учун шеърларингизда айрилиқ ва ҳижрон туйғулари катта ҳажмни эгаллайди?

- Мен 18 йил Ватанимдан жудо бўлиб, ғарибона ҳаёт кечирдим. Минг афсуски, Ватанимга қайта олмадим. Мусофирчиликнинг изтиробларини ғурбатнинг аччиқ заҳмати, дарбадарлик ва ёлғизликнинг оғир мусибатларини тортдим: Ичим қон бўлди, равон ғуссасидин. Бу даврон ичра хижрон ғуссасидин. – Нима учун Фурқат тахаллусини танландингиз?

- Бу тахаллусда менинг ҳаётим, юрак дардларим мужассамлашган. Фурқат – айрилик, фироқ демакдир, азиз набираларим.

- Сизнинг бизга қандай тилакларингиз бор?

- Ушбу дамда менинг ғариб руҳимни шод айлаб турган азиз набираларим сизга ягона тилагим шуки, сиз Ватандан айри тушманг, ғарблик кулфатларини кўрманг Ватанни шунчали кўзимизга тўтиё айланг. Бахтингизга Ўзбекистон мустақил бўлди. Бу сизга худонинг инояти Мустақилликни абадий асранг, азизларим. Хоки-пойи узоқларда қолган мендек ғариб бобонгизни ҳолин йўқлаб турунг.

- Мавлоно Муқимий, сиз Фурқат билан мулоқотда бўлганмисиз?

- Ҳа, албатта. Фурқат менинг энг яқин дўстим эди. Зокиржон дўстларининг қадрини баланд тутар эди. Тошкентдан, чет эллардан кўп мактублар ёзган эди.

- Мавлоно Муқимий, шу мактублардан бирортасини эслай оласизми?

- Ҳа, у мактубларни эсдан чиқариб бўлмайди.

Салом. Эй менга ёру ошонлар, Қадронлар замин нурзиёлар...

***Биқамдиллоҳки, мандин сўрасангиз ҳол***

***Юрубдурман қилиб завқи сафолар***

***Салом ибогидин тўртта Муқимо,***

***Мени сўргонларга айтинг дуолар.***

- Завқий бобо! Фурқат бобомиз билан сиз ҳам яқин дўст бўлган экансиз.

-Ҳа, яқин эдик. Зокиржан чет элга кетганида мактублар ёзиб, бир-биримизни йўқлар Эдик. Ёркент шаҳридан ёзган мактуби ҳамон эсимда:

***Тилар эрдим саҳар тавфн чаман эсган саболардин.***

*Саломим етқуриб келтур хабар деб ошонлардин.  
Олиб ёдига, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни  
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.*

- Муҳтарам Дилшод Барно! Сиз шоир Фурқат ҳақида нималарни биласиз?

- Мен Фурқатни ғойибона таниганман, афсуски уни кўриш бахтига муяссар бўла олмадим, бунинг иложи йўқ эди. Лекин унинг ғазалларини жону дилим билан севиб ўқиганман.

*Фасли навбаҳор ўлди кетибсан  
зимистонлар,  
Дўстлар ганиматдир сайр  
этинг гулистонлар.*

Фурқат ва унинг замондошлари билан бўлган мулоқотдан сўнг дарс якунида мустақиллик мушоираси ўтказилади.

Шундан сўнг дарс якунланиб, ўқувчилар билими баҳоланади.

**Илмий раҳбар ҚДПИ доценти Р.Саидова**

**Фурқат маънавияти**

**Муқаддас Тожибоева**

**ЎзМУ докторанти**

Зокиржон Фурқат (1859-1909) қисқа умри давомида кўп жихатдан ибратли, мукамал ва мароқли ҳаёт йўлини босиб ўтди, унинг ҳаёти узун ёки қисқалиги билан эмас, балки мазмуни, моҳият-эътибори билан қадрли. Фурқат ёшлигидан бошлаб қилган тинимсиз мутолааси ва юксак туғма истеъдоди, адабиётга, шеърятга муҳаббати ва садоқати билан давр

адабий ҳаракатчанлигининг энг фаол иштирокчисига айланди. У ўзбекларнинг илғор маърифатпарвар шоири ва биринчи журналисти бўлди, юқори савиядаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мақолалари билан жамият ҳаётига фаол аралашди. Бир сўз билан айтганда, Фуркат оташин лирик шоир ва журналист, улкан сайёҳ ва тарихчи сифатида бой маънавий мерос қолдирган йирик сиймо сифатида донг таратди.

Шоир лирик меросининг асосий қисмини ғазаллар ташкил қилади. Мутахассисларнинг белгилашича, ғазалларининг умумий адади 200 атрофида. Фуркатнинг ҳар бир латиф ғазалида соф муҳаббат мадҳи, беқарорлик ва бевафоликка нафрати, табиатнинг гўзал тасвири ифодаланар экан, ундаги тағмаъно жамият ва ҳаётнинг кўп масалаларига бориб тақалади. Шоир ғазалларида ички кечинмалар, фикр ва ҳислар, киши руҳининг энг нозик туйғулари ифода этилади, фалсафий- ахлоқий йўналиш кўзга яққол ташланади.

Фуркат ўз асарларида комил инсонийликни ва кишининг кадр-қимматини улуғлади, миллий ғурур ва миллатнинг юксак шаънини ҳимоя қилди. “Бормасмиз” радибли ғазали айнан шу масалада. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур ғазал мусалсал ғазалнинг гўзал намунасидир. Яъни тубанда биз таҳлилга тортган шеър мусалсал ғазал талабларига кўра, ғазал таркибидаги лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинмалар сатрлар силсиласида даражама-даража ривожланиб, ўсиб боради. Ғазалнинг бошланмаси шундай:

Биз истиғно эли, қичқирмағон маъвоға бормасмиз,

Агар чандики хирман айласа дунёға бормасмиз.

Ғазалнинг матлаъсиданоқ шоирнинг мулоҳазакорликка даъвати сезилади, бутун асар учун етакчи бўлган инсон кадр-қимматини поймол қилинишига қарши кескин норозилик кайфияти ўз ифодасини топади.

Байт мазмунидан, чақирилмаган жойга бормаймиз деган маънони англаймиз. Бироқ бу шунчаки гап эмас, ўзига ишонган, ўз ғурури ва шаънини баланд тутган, иззати нафс туйғуси юқори бўлган назари тўқ “аҳли истиғно”нинг таклиф қилинмаган жойга мол-дунёдан хирмон йиғилса-да бормаслик ҳақидаги қатъий қарори эди. Фақат мол-дунёгина эмас:

Агар лаб ташна қолсак, филмасал саҳройи оламда,  
Малолат зоҳир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.

Яъни: олам саҳросида ташналикдан, сувсизликдан лаблар қуриб қолса-ю олдимиздан мавж уриб турган дарё чиқса, дарёга заррача малол келганимизни билиб қолсак, шу дарёга бормаймиз.

Шоир кейинги байтларда матлаъдаги васф этилган “истиғно эли” даражадаги камолатга эришган кишиларнинг етуклигини шундай далиллайди:

Умид этгонимиз, аксар саодат бўтаи ҳақдин,  
Агарчи мис эрурмиз қиммати тиллоға бормасмиз.

Ҳамиша лоф урармиз халқ аро Фарғона мулкида,  
Бағоят таъбимиз озода деб, ҳар жоға бормасмиз.

Кўринадикки, ғазалнинг барча байтлари бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ, мазмунан бир-бирини тўлдиради, чуқурлаштиради ва далиллайди. Келтирилган байтда ҳам етакчи ғоянинг янги қирралари очилади: асар қаҳрамонлари ҳарна саодатга эришишда Ҳақдан ўзгага умидвор эмас, ўзлари “мис” бўлса-да, “тилла”нинг орзуманди бўлмайдилар, уларнинг таъби нозик, ҳар жойга-да боравермайдилар. Айниқса, шеърдаги “мис”,

“тилло” истиоралари лирик қаҳрамоннинг мақсадини янада ойдинлаштиради.

Навбатдаги байтда шоир зукко мушоҳада қилади, шоир наздида инсонни маънавий камолати учун тузоқ бўлгувчи манманлик ва худбинлик иллоти ҳар қандай инсоний муносабатларга ҳамиша раҳна солиб келган. Улар лойга ботган кибрлилар. Кибрлиларнинг турар жойи эса “маскани аъдо”, яъни ёвлар, душманлар маскани. Ва, албатта, бундай масканда “зарофат” – зарифлик, хуштаъблик қай аҳволда бўлиши тайин. Шундай экан:

Ҳаво лойиға ботган манманлик дўсти худбинким,  
Ўшандоғ кам зарофат маскани аъдоға бормасмиз.

Алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, ана шундай маърифий-тарбиявий, фалсафий-ахлоқий мавзуни кескин қирраларда жуда таъсирчан ифодалашда Фурқатнинг бадиий маҳорати ва санъаткорлиги яққол намоён бўлади. Яъни иккала мисрадаги тасвир ва тавсиф бир-бирига эш ва чамбарчарс боғлиқ. Шоир бунда таносиб санъатининг нодир имкониятларидан фойдаланиб, сабаб ва оқибатнинг диалектик таносубига эришади. Биринчи мисра байт мазмунидаги сабабни ифодаласа, иккинчи мисра оқибатини англатади.

Шоир мазкур байтдаги зукко мушоҳадани қуйида теран ҳаётий ўғит билан давом эттиради. Байтда шоирнинг ўзига ва ўзи қабилаарга таскин – панд-насихат аралаш мурожаати, хитоби тарзида битилган. Маълумки, тарихда Искандар беқиёс бойлик ва давлат эгаси бўлган, аммо рихлат қилар чоғида бу дунёдан ҳеч нарса олиб кетолмаган. Демак, қиссадан ҳисса шуки, қўлдаги “ғараз дунё”, бойлик - булар бари ўткинчи, аммо қалб бойлиги инсонни абадий роҳатга элтгувчидир. Тубандаги байтда шу панднома таъкид янада қатъийлаштирилиб, бўрттириб ифодаланади,

кадрсизланиш ҳолати билан асло келиша олмаслик туйғуси яққол намоён бўлади, норозилик оҳангги баралла эшитилади:

Биз эллар – фақир элимиз, парча нонға сабр айлармиз,  
Ғараз дунё учун Искандар-у Дороға бормасмиз.

Байтдаги қўлланган мусажжаъ – ички қофиялар, талмиҳ (машҳур тарихий воқеалар, тарихий шахслар, афсоналар, абадий асарлар ва уларнинг қаҳрамонларига ишора) ва сифатлашлар аниқ ҳолатда жиддий маънавий вазифани бажаради, ғояни таъкидлаб, воқеликнинг моҳиятини аниқ кўрсатади, ўқувчи шоирнинг мақсадини, фикрини, туйғусини ёрқинроқ тасаввур қилади, шунингдек, шеър оҳангига шиддат ва суръат бахш этиб, уни хитоб, даъват даражасига кўтаради.

Ниҳоят, сўнгги байт, сўнгги нидо. Матлаъда бошланган хитоб, ҳал қилинган қарор мақтабгача изчил ривожланди, ғоянинг тадрижи яқун топди, шоир ўз ҳукмида қатъий қолди:

Эмасдур ончи асбоби жаҳонға фикримиз, Фурқат,  
Вале кетгунча жуз андишаи фардоға бормасмиз.

Ғазал мумтоз адабиётимизнинг энг ёқимли ўлчови бўлган “ҳазажи мусаммани солим” (V - - - / V - - - / V - - - / V - - -) да ёзилган.

Фурқатнинг мазкур ғазали моҳиятан инсон қадр-қиммати ва шаънини поймол этилишига кескин норозиликни лирик воситаларда ифодалайди. Ўзбек халқининг миллий руҳияти ва миллий ғурур-шарафини куйловчи шеър сифатида шоир ижодида муҳим ўрин эгаллайди.

**Шоир ижодида Ватан ва Ватан соғинчи тасвири**

**Ҳошимова М. М.  
ҚДПИдоценти ф.ф.н.**

Фурқат ўз Ватанини жуда севар эди. Лекин уни айрим шароит Ватанини ташлаб чет элларга кетишга мажбур қилади. У ўз ватанида шодлик кўрмагандай, ўзга юртларда ҳам яхши ҳаёт кўрмади. Шоир Ватан муҳаббатини ва халқ қудратини, ўз Ватани табиатини тараннум этувчи шеърлар ёзди.

Адабиётшунос Ҳомид Расул: “Ўз ватанини эҳтирос билан севган буюк шоир ўзининг туғилиб ўсган ерини – Ўзбекистонни соғинади, ички кечинмалар, ғам, изтироблар ичида яшади”<sup>21</sup> - деб ёзади.

Фурқат лирикасининг мавзу мундарижалари билан танишар эканмиз, уни чин ватанпарвар, ватанни севувчи, ватан мадҳини моҳирона куйлаган шоир сифатида гаўдаланади. Ҳақиқатан ҳам шоир ватан муҳаббатини ва халқ қудратини тараннум этувчи, ўз озодлиги учун курашган халққа юракдан кўнгли ачиди ва мадҳ этди. Ватанпарварлик мавзуси ёнида дўстлик, халқпарварлик каби мавзуларни ҳам юксак маҳорат билан куйлади. Шоир ёзади:

Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат ғами билан,  
Туруб эрдим қутулмай ғуссау ранжу инолардан.  
Олиб ёдиға, сўнмас кимса Зокиржон Фурқатни,  
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.<sup>22</sup>

Кўринадики, Фурқат ватандан айро яшагани учунми, ўз ватанини бир умр қўмсаб ватан васфини куйлаб ўтди.

У ўз ватани Туркистонни – Ўзбекистонни барча мамлакатлардан устун қўяди, унинг бетакрор манзараларини шеъриятга моҳирлик билан олиб киради. Севимли Ватани табиати тасвирига бағишланган кўпгина шеърларида баҳор мавсумининг тароватини куйлайди.

---

<sup>21</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975, 13-бет.

<sup>22</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975, 288,290-бетлар.  
Изоҳ: Кейинги шеърий парчалар ҳам ушбу нашрдан олинади ва фақат бети кўрсатилади.



Фурқатнинг навбаҳор, баҳор айёми ҳақидаги жўшқин, эҳтиросли ғазаллари халқнинг аллақачон маънавий мулкига айланган. Шоирнинг “Баҳор айёмида”, “Фасли навбаҳор ўлди” номли ғазаллари севган юртидаги баҳор гўзаллиги, унинг инсон қалбида уйғотган бой кечинмаларининг тасвиридан иборат. Шоир она юрт табиатини қуйлар экан, баҳор фаслига алоҳида тўхталади.

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,  
Дўстлар ғаниматдир, сайр этиб гулистонлар.  
Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.  
Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,  
Наргис очибон кўзни интизор ёронлар

(161-бет)

Фурқат бу шеърида ҳам табиат гўзаллигининг сеҳрли қуйчиси сифатида кўзга ташланади. Гулистонлар сайри ғанимат. Навбаҳор чехра очди. Эрта тонгда тушган шабнамдан сабзалар яйраб-яшнадилар. Саҳар пайти табиат чиройига дил берган қаҳрамон настарин, ёсуман, наргис гулларининг юз кўрсатишини завқ билан кузатади. Момоқалдирок гуриллайди. Яшин чақнайди, тоғлар ларзага келгандай бўлади. Қумри ва булбуллар нола чекадилар. Гуллар, сарвлар, уларга нозу ишва қилиб, улар фӣғонини янада кучайтирадилар. Ҳаёт ўзининг рангбаранг чиройи ва сермазмун моҳиятини намоён этади. Бу мисоллардан кўринадики, Фурқатнинг хассос қалби табиат гўзаллигини чуқур сезар, хусусан навбаҳор навжувонлигидан жуда илҳомланар эди. Шоир таъсирли сайрларда мазкур фусункор чирой тасвирини яратди, уни улуғлади. Табиат манзараларини қуйлаш шоир ижодининг турли даврларига тўғри келади. Шоир ўз ғазалларида табиат гўзаллигини нозик дид ва руҳий кўтаринкилик билан ифодалайди. Ўзининг илғор дунёқарашларига мувофиқ ҳолда одамийлик, гўзалликни юқори даражага кўтаради.

Ёвузликка қарши курашдаги ожизлик ва яккалик шоир қалбида чуқур ғамгинликни вужудга келтиради. Шу ғамгинлик Фурқатнинг ҳар бир шеърида, жумладан, Ватан чиройини куйловчи шеърларида ҳам ўз аксини топган.

Фуркат лирик шеърларининг каттагина қисмини чет элларда ёзган эди. Она юртдан чиқиб кетишга мажбур бўлган ватанпарвар шоир ижодида бу шахсий фожиа чуқур из қолдирди. Шеърларида Ватан, ватандошларини кўмсаш уларга интилиш, ғурбат азобларидан нолиш, ўзини ғариблигидан нолиш, ёлғизлик ўз ифодасини топади. Ватан ва ғурбат мавзуси шоирнинг “Кашмирда”, “Рўмолли қиз ҳикояти” шеърларида, чет элдан ёзган мактубларида кенгроқ тасвирини топган. Айниқса “Адашганман” радифли ғазал ва мухаммасларида ватандан адашганлик ва ғурбат мавзуи чуқур ишланганини гувоҳи бўламиз.

Шоир “Адашганман” радифли ғазалига боғланган иккинчи мухаммасда ғурбат мотивларини кўпроқ лирик либосда ишлашга ҳаракат қилиб, анъанавий лирик образларга мурожаат қилади, Ватан диёр тушунчасини ёр, маъшуқа образларида тасвирлайди. Ғурбат, ғарибликни ҳижрон, ҳажр ўти билан алмаштиради.

Қилиб ёд ўтган умримни чаман оби равонидин,  
Муҳаббатномаларни ёд этиб савсан забонидин.  
Тикан заҳмини англаб ғунчани қонлиғ деҳқонидин,  
Ўқуб гул дафтарини бир варақ фасли хазонидин.  
Жаҳон боғида булбулдек фиғонидин адашганман.

(243-бет)

Шоир ниҳоятда чуқур, сермазмун ва таъсирли образ яратади.

Шоир мухаммасларда ўз ҳис-туйғуларини, ватандан жудоликдаги ички фиғонини, ғариблик азоб-уқубатларини соғинч-интилишларини ҳаяжон ва таъсирчан ифодалайди. “Адашганман” радифли ғазалини, мухаммасларини бир томондан автобиографик дейиш мумкин.

Киши ҳолини билмас меҳрибонидин адашганман,

Ватан оворадурман, бўстонидин адашганман.

Ватансиз бенаводурман, маконидин адашганман,

Ғариби куйи ғурбат-хонумонидин адашганман.

Ва ё бир мурғи ваҳший-ошёнидин адашганман.

(241-бет)

Ўз ватанини ҳаддан ошиқ соғинган, ошёнидан айрилган, ватансиз бенаво, ғурбатда қолган ғарибликни бошидан кечирган, айрилиқдаги руҳиятини батафсил ифодалайди. Шеърлари ўқувчилар қалбидан чуқур ўрин олган. “Ватан овораси”, “Ғурбат кўчасида қолган ғариб”, “Ватансиз бенаво” шоир Ватандан жудоликни ўзига хос образли ифодалайди. Мухаммасларнинг асосий мавзуси ватандан айрилишнинг азоб-укубатларини атрофлича ёритишдир.

Хуллас, маърифатпарвар шоир ўз Ватанининг гуллаб-яшнашини бутун вужуди билан истаган, лекин бу Ватандан абадий жудо бўлган ватанпарвар сифатида халқимиз қалбида яшаб қолади.

### **Шоир мухаммасларининг мавзу доираси.**

Муродова У.  
Қўқон педколлежининг  
олий тоифали ўқитувчиси

Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат XIX асрнинг иккинчи ярмидаги адабиёт тараққиётида муҳим роль ўйнади. Унинг ижодида лирик шеърлар катта қисмни ташкил қилади. Шоир лириканинг турли жанрларида ижод қилди. Мухаммас жанрида яратган асарлари бир қисмни ташкил қилади. “Фурқат лирикасида табиат манзараларини муҳаббат, ҳаётини ишқ билан боғланган ҳолда тасвирлаш Фурқат лирикасининг энг яхши хусусиятларидан биридир”,<sup>1</sup>- деб ёзган эди фурқатшунос Холид Расул.

Фуркат ўз шеърларида меҳнаткаш халқнинг фикр-ҳисларини, орзуларини интилишларини акс эттирган лирик шоир эди.

Фуркат шеъриятида ҳасрат нолиш мотивлари ҳам мавжуд. Бу мотивлар эса шоир билан ижтимоий муҳитнинг ўзаро келишмовчиликлари натижасида туғилган. Маълумки, Фуркат яшаган тарихий даврдаги мустамлака қуллиги, ижтимоий адолатсизликлар, шоир мухаммасларида ўз ифодасини топади. Шоир ҳар қадамда унинг умидлари зарбага учраб турганини кўради. Натижада, шоир поэзиясида жумладан мухаммасларида ҳам нолиш, ҳасрат ва шикоят мотивлари ўрин олади. Унинг “Бири”, “Этмадим”, “Бу нечук савдо”, “Истар кўнгул”, “Киши холини билмас”, “Адашганман”, “Ўзингсан”, “Кўруб”, “Дўст”, “Васл орзуси”, “Садқаси”, “Кавлама” каби мухаммаслари шулар жумласидандир.

Бу асарларда шоир билан уни ўраб турган ижтимоий муҳит

- 
1. Фуркат. Танланган асарлар. Фуркат (сўз боши), Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 8-бет.

ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида туғилган руҳий кечинмалар ўз ифодасини топган.

Фуркатнинг кўп шеърлари ўз замонининг реалистик, ҳаққоний асарларидир. Шоир ўз шеърларида воқеликни ҳаққоний акс эттиради. Шоир мухаммаслари ичида унинг устозлари Алишер Навоий, Фузулий ва Машраб ғазалларига ҳам мухаммас боғлагани кўзга ташланади. Улуғ устоз Навоий ғазаллари Фуркат учун бадиий маҳорат мактаби эди. Кўринадики, Фуркат шеърляти Навоий ижодининг таъсири билан суғорилган. Фузулий услуби, тилида шеър ёзиш ўзбек шеърлятида анъанага айланиб кетган. Ушбу анъана Фуркат ижодида ўз аксини топган. Унинг ижодида катта ўрин тутган ҳасрат ва шикоят мотивлари “Бири” сарлавҳали машҳур мухаммасида ҳам яққол кўзга ташланади.

Шоирнинг “Бири” номли мухаммасида одамлар ўртасида меҳр-оқибат йуқолганини акс эттиради. У мухаммасда ҳақсизлик ва адолатсизликдан шикоят қилади:

Даҳр аро мен чекмаган жабру жафолардан бири,  
Қолдиму ҳам кўрмаган дарду балолардан бири,  
Айласам зохир агар, ул ибтидолардан бири.  
Тоқат этмас дарди ишққа мубталолардан бири,  
Шарҳи ғам қилса, қани бағри адолардин бири...  
... Бир сари бечоралиғдин кечалар бедор эдим,  
Бир сари эл таънасинин сийнаси афгор эдим,  
Чора топмай бу иковга зохир ҳам ночор эдим,  
Алғараз доим бу қайғулар ила бемор эдим,  
Ҳамдамим эрди... қаҳраблардин бири.<sup>1</sup>

(247-бет)

- 
1. Фурқат. Танланган асарлар. Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 247-бет. Изоҳ: шеъринг парчалар ушбу тўпламдан олинади.

Кўринадикки, Фурқат поэзиясидаги нолиш, ҳасрат, ғурбат қилиш ҳолатлари унинг мухаммасларида ҳам акс этган.

Шоир мухаммасларида лирик қаҳрамон жамиятнинг эзилган таъқиб остига олинган табақасининг типик намояндаси сифатида гавдаланади. Шоир ўзини ҳам шу табақанинг вакили деб санаб, ўзини меҳнаткаш халққа яқин тутди, уни ўзига дўст деб билади.

Мунисим – толе забунлар, ёр-бахти қаролар,  
Ҳамдамим – тиғи аламдин сийнаси садпоралар,  
Ғамгусаримдур – балийят даштида оворалар,  
Маҳрами розим ўлуб мотамсаролардин бири

Мазкур мисралар муҳим ижтимоий мазмунни бадиий ифодасидир ва етуклик намунасидир.

У чет элда юрганда ҳам ватанини, ўз халқини унутмади. Ёркент иккинчи ватанига айланиб қолган бўлса ҳам, Фурқат ўзини ғурбатда ҳис этди. Ўз ватанини эҳтирос билан севган буюк шоир ўзининг туғилиб ўсган ерини – Ўзбекистонни соғинади, ички кечинмалар, ғам, изтироблар ичида яшади. Ҳоким гуруҳлар уни ватанига қайтиш йўлларини ҳам тўсиб қўйган эди. Чунки у бир неча бор ҳукмдорга Ўзбекистонга қайтишга рухсат сўраб мурожаат қилган эди, лекин ҳар гал унинг илтимоси жавобсиз қолган эди. Шунинг учун ҳам ғурбат мавзуси шоир ижодида кўпроқ куйланган. Бу жиҳатдан унинг “Адашганман” мухаммаси характерлидир. Мухаммасда шоирнинг ўз ватани ҳақидаги чуқур ҳис-туйғулари маҳорат билан ифода этилади.

Манам шўрида булбул бўстонимдин адашганман,  
Юзигул, қомати сарви равонидин адашганман,  
Дилим ҳажри-ла қондур дилистонидин адашганман  
Ваё бир мурғи ваҳший ошёнидин адашганман.  
Қадимни ҳам кўронлар ишқ бори меҳнати дерлар,  
Танимда нотагонлик боиси ғам хасрати дерлар.  
Қаёнда бўлса бир ғурбаткашида улфати дерлар,  
Замона аҳли мухлис, бу сабабдин Фурқатий дерлар,  
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман.

(243-244-бетлар)

Фурқат ғурбат мотивида ва ватан муҳаббатига бағишланган асарлари билан адабиётимизни бойитди. Шоирнинг мухаммасларида ижтимоий мазмун устунлик қилади.

Шоир ўзи яратган “Адашганман” радифли ғазали асосида мухаммаслар яратди.

-Киши ҳолимни билмас, меҳрибонимдин адашганман,- мисраси билан бошланувчи мухаммас яратилади. Фурқат адабий меросида ға-риблик оҳанглари шу қофия шу радиф, шу вазндаги

-Менам шўрида булбул бўстонидин адашганман,- мисраси билан бошланувчи яна бир мухаммас яратилади ва унда аввалги мухаммасдаги фикр давом эттирилади. Шоир Ватанни қумсаш мавзусида ёзган бу мухаммасларига “Адашганман” радифи муваффақиятли чиққан.

-Киши ҳолимни билмас, меҳрибонимдин адашганман,- мисраси билан бошланган мухаммас ғоявий бадиий етуклиги билан алоҳида ажралиб туради. Ушбу мухаммасда Ватанни улуғлайди, уни муқаддас деб билади. Фурқат она юртни “меҳрибон, дўстон, макон, хонумон, ошён” деб атайд.

Ушбу мухаммасларда шоирнинг лирик қаҳрамоннинг қалб сўзлари ифодаланади. Шоир айрилиқнинг рухий азоб-уқубатини ишонарли тасвирлайди. Лирик қаҳрамон кўринишда тирик бўлса ҳам аслида суврат қаби жонидан адашган шахс сифатида гавдаланади:

Кезиб дашти биёбон баҳру барлар йиғласам, тонг йўқ,  
Тўқуб ёш ўрнига кўздин гуҳарлар йиғласам, тонг йўқ,  
Маломатзоҳир этманг, ҳамсафарлар, йиғласам, тонг йўқ.  
Чекиб булбул қаби афғон саҳарлар йиғласам, тонг йўқ.  
Ки, келди фасли гул, мен гулистонидин адашганман.

Фурқат ўзбек шеърияти тарихида ватанпарварлик туйғусини чуқур самимият билан қуйлаган шоирлардан эди.

Шоир мухаммасларида муҳаббат мавзусига ҳам мурожаат қилади ва оригинал мисралар яратади. Фурқатнинг “Ўйнабтулар”, “Бу нечук савдо”, “Ўзингсан”, “Кўруб”, “Васл орзуси”, “Садқаси” қаби мухаммасларида ёр васли, унинг малоҳати, ибоси гўзал мисраларда ифода этилади:

Кўнгулда орзуйи васли ул олийжаноб айлаб  
Ётиб эрдим фироқ андуҳи жонимга азоб айлаб,

Баногоҳ гул юзига, сунбули зулфин ниқоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам саригул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин юз уза тердин гулоб айлаб.

(254-бет)

Шоирнинг “Бу нечук савдо” мухаммаси қалбидаги аламли туйғулар изҳори билан тўлиб-тошган. Мазкур мухаммасда бахтсиз севги азоблари ва аччиқ қисматдан нолиш оҳанглари қоришиб кетган. Аммо замон ва тақдирдан норозилик овози, шоирнинг бахтсиз муҳаббат ва бевафо ёрдангина эмас, балки зулм, ноҳақлик, ёвузлик тўла даврдан шикояти тўла эшитилиб туради.

Биродарлар, мени бошимга тушган бу нечук савдо,  
Қарорим йўқ, қуюн янглиғ на менда манзили маъво,  
Биёбони тақай юртда қолибмен волау танҳо,  
На ёру ҳамдамим бордур, на қўлда ҳосилу дунё,  
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Ушбу мисраларда Ватан, она ердан маҳрум бўлиб, қуюн сингари тентираган, ҳеч кими йўқ, танҳо, саҳрода адашган бир бенавонинг образи кўзга ташланади:

Унинг на ёру ҳамдами, на бирор яқин ҳамдами бор  
Унинг учун замона хавфу хатарга тўла, душманлари кўп,  
дўстлари эса бепарво.

Шоир мухаммаслари орқали нигор чиройи, унинг фазилатлари ва ҳаётдан баҳраманд бўлмоққа чақиради, замонанинг жафоларидан шикоят қилади.

Хуллас, Фурқат мухаммасларида ҳаёт ва ёр гўзаллиги, ватанпарварлик, юртни соғиниш мавзулари ўз ифодасини топди.



## ШОИР ФУРҚАТ ЗИЁРАТГОҲИ

**Нодирбек Абдулахатов,  
тарих фанлари номзоди**

Фарғона водийсидаги мавжуд мукаддас зиёратгоҳлар Марказий Осиёдаги ислом дини тарихини ўрганишда ҳам муҳим тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Шу боис мукаддас зиёратгоҳлар тўғрисидаги тадқиқотлар ўзбек халқининг анъанавий маданиятининг тарихий асослари, тараққиёт йўллари ҳамда тенденцияларини ойдинлаштириш билан биргаликда ўша халқнинг турмуш тарзини яқиндан ёритишга ҳам кўмак беради<sup>23</sup>. Кейинги йилларда тарихшунослик фанида халқларнинг анъанавий маданияти, урф-одатлари ҳамда маросимларини ўрганишга эътибор кучайганлигининг сабаби ҳам шунда. Жумладан, 2002–2007 йилларда Япониянинг “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигида “Марказий Осиёдаги исломий мукаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар фикримизнинг яққол далилидир.

Бу ўринда М. Савада (Тойама университети), Ш. Ясуши (Чуо университети), Я. Кавахара (Япония илмий тариққиёти жамияти) ва Ж. Сугавара (Токио университети) сингари бир гуруҳ япон олимларининг Ўш, Жалалобод (Қирғизистон), Сўғд (Тожикистон) Фарғона, Андижон, Наманган (Ўзбекистон), Қашқар (Хитой) сингари вилоятлардаги юздан ортиқ мукаддас зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ мазор ҳужжатларига доир тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Япониялик тадқиқотчиларнинг мазкур соҳада Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи билан олиб борган тадқиқотлари натижасида “Ўрта Осиёдаги ислом оид мукаддас жойларни тадқиқ қилиш: Фарғона ва Қашғар” номли Фарғона водийсидаги зиёратгоҳларга доир мақолалар тўплами, ҳамда уч жилдик “Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле)” нашри чоп этилди<sup>24</sup>.

---

<sup>23</sup> Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореферат. 2008. С.4

<sup>24</sup> Бу ҳақда қаранг: “Ўрта Осиёдаги ислом оид мукаддас жойларни тадқиқ қилиш: Фарғона ва

Фарғона водийсидаги муқаддас зиёратгоҳларни тадқиқ этиш чоғида уларни айримларининг тарихи бевосита Шарқий Туркистон билан боғлиқ эканлиги бизни Қашқар вилоятидаги муқаддас мазорларни ҳам тадқиқ этиш зарурлигини кўрсатди. Шу сабабдан 2006 йилнинг август ойида Тойота фондининг ҳамкорлигида япониялик бир гуруҳ олимлар билан Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян (Шинжон) Уйғур автоном районининг Қашқар вилоятига халқаро илмий экспедиция ташкил этилди.

Тарихий жиҳатдан дини ва турмуш тарзи азалдан жуда яқин бўлган Фарғона ва Қашқар халқларининг муқаддас зиёратгоҳларида ҳам умумий ўхшашликларни кўрамиз. Масалан, Етти азизлар, Қорасоқол ота, Қўчқор ота, Терак мазор, Оқ мазор, Кўктўнлик ота, Лангар мазор, Шаҳид мазор сингари зиёратгоҳлар шулар жумласидандир. Чунки Фарғона водийси ва Қашқар вилоятида ҳам айнан худди шундай ном билан аталувчи зиёратгоҳлар бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган. Ҳозирги кунда Қашқар вилоятида марказий Қашқар шаҳридан ташқари 11 та ноҳиялар бўлиб уларда 100 дан ортиқ зиёратгоҳлар мавжуд. Қашқар шаҳрининг ўзида Султон Қутлуқ Ҳасан Юсуф Буграҳон, Арслонхон, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Қилич Буграҳон, Офокхўжам, Зулайхобегим, Шом Пошшо, Имом Раббоним, Динг қулоқ мазор, Қора соқал ота сингари машҳур зиёратгоҳлар жойлашган. Улар ичида албатта Офокхўжам зиёратгоҳи ҳақида тўхтаб ўтиш лозим. Бинобарин, ўтмишда Қашқар ва Фарғона водийси халқларини Офокхожага нисбатан юксак эҳтиромлари туфайли унинг мазорини ҳаж зиёрати олдидан зиёрат қилиш аънавий одатлардан бири бўлиб қолган эди. Алалхусус ўша давр ёзма манбаларида ҳам бу ҳол ўз ифодасини топган<sup>25</sup>. Жумладан, Ёркент Қашқарнинг кўҳна зиёратгоҳларга бой шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Абдурахмон вонг, Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Ҳакимбек, Етти Муҳаммад, Муҳаммад Шарип, Юсуф вонг, Бузрукворим, Мирзо Ҳайдар

---

Қашғар”, Ипак йўлишунослик тадқиқот тўплам, 28 Нара. Нара Ипак йўли кўргазмасини хотиралаш халқаро алмаштириш фонди. Ипак йўлишунослик тадқиқот маркази, 2007 (япон тилида); Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле). Тузувчилар: Сугавара Ж, Кавахара Я. Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқоти институти. 2006. №1; Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле). Тузувчилар: Аблиз Ўрхун, Сугавара Ж. Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқоти институти. 2007. №2; Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулахатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё–Африка тил–маданияти тадқиқот институти. 2007. №3.

<sup>25</sup>Офокхожа ҳақида қўшимча маълумотлар учун қаранг: Қутлуқов М. Муҳаммад Содик Қошғарий. Т., 1968; Муҳаммад Эмин Қурбони. Қашқардаги ёдгорликлардан термалар. Қашқар – уйғур наشريёти. 1990; Зотов О. В. Китай и Восточный Туркестан в XV-XVIII вв.: межгосударственные отношения. М., 1991; Абдували Али. Опоқхўжа.1-2 китоб.Урумчи.: Шинжонг халқ наشريёти, 2000; Роҳила Довуд. Уйғур мазорлари. Урумчи.: Шинжонг халқ наشريёти, 2001; Вей Ля Лючигин. Хожалар жамияти ҳақида / Таржима қилгучи Қурбон Турон. Бейжинг. Миллатлар наشريёти, 2006; Мулло Мусо Сайрабий. Тарихи Хамидий. Бейжинг. Миллатлар наشريёти, 2007; The Bazaars and Mazars of the Xinjiang Uighur by Sanada Yasusi, Wang Jianxin, Shimen. Studia culturae islamicae 70. 2002; Замир Садуллозода, Фарход Ғаффор. Ўрта Осиёдаги ислом мазҳаблари. Урумчи.: Шинжонг халқ наشريёти, 2002. Непомнин О.Е. История Китая. Эпоха Цин. XVII –начало XX века. М., 2005; Каттаев К. Офокхожа ким бўлган?// Ҳидоят.2006.№9; Кадырбаев А.Ш. Ходжи Суфийского ордена Накшбандие в Восточном Туркестане накануне в эпоху Маньжуро-Китайского владычества XVII – начала XIX века // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: Дайк-Пресс. 2007.

Кўрагон, Олтинхон сингари зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, улар ичида биз албатта хамюртимиз шоир Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқатнинг зиёратгоҳи тўғрисида тўхталиб ўтамыз.



**Шоир Фурқат мақбарасининг умумий кўриниши.  
2006 йилда олинган сурат.**

Ўзбек халқнинг севимли шоири Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқатнинг зиёратгоҳи Ёркент(Ёрканд)нднинг Гулбоғ қишлоғини Терибоғ маҳалласидаги “Ўзбеклар мазори” деб аталувчи қабристонида жойлашган. Бу ҳақда уйғур олими Одил Муҳаммад Туроннинг “Қашқардаги қадимги излар” номли китобида қуйидаги маълумотлар келтирилган: “Фурқат қабргоҳи. Бу қабргоҳ Ёрканднинг Гулбоғ қишлоғи Тийрабоғ маҳалласида жойлашган бўлуб жуғрофий жихатдан ўрни шарқий мердиан билан  $77^{\circ}15'31''$  билан шимолий параллел  $38^{\circ}25'2''$  га тўғри келади. Қабргоҳ жойлашган ўрнинг теваарак атрофида жамоат қабристони бор. Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат – ўзбек ва уйғур халқлари орасида таъсири улуғ бўлган классик шоирлардан бири. У 1858 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1896 йили Ёркандга келиб ўтроклашиб қолган. Кейинги кунларини мана шу ерда ўтказиб 1909 йили Ёркандда вафот бўлган”<sup>26</sup>. Албатта бу маълумотлар ўқувчига етарли эмас деб ўйлаймиз ва шу ўринда Фурқатнинг Ёркентдаги фаолияти тўғрисида мухтасар маълумот бериб ўтсак.

---

<sup>26</sup>Одил Муҳаммад Турон. Қашқардаги қадимги излар. Урумчи.: Шинжонг халқ нашриёти, 2001.— 144-145.



**Шоир Фурқат қабрининг кўриниши.**

**2006 йилда олинган сурат.**

Маълумотларга кўра, Фурқат Ёркентда 16 йил яшаган. Унинг айнан Ёркентда яшаб қолганлиги сабабини Қўқондаги дўстларига ёзган мактубларининг бирида ўз ифодасини топган. Мактубда айтилишича, Ёркентнинг табиати, унинг об-ҳавоси ҳам Қўқон ўхшаган бўлиб, ёркентликларнинг хушчақчақ ва меҳмондўстлиги Фурқатни ўзига ром этган. У Ёркандда яшаган кезлар умрини кишиларни саломатлиги йўлига бахшида қилган. Фурқат бу ерда илми нужум ва табобат илми билан шуғулланиб одамларни бепул даволайди. Маълумотларга кўра, Ёркентнинг йирик бир амалдори ҳам Фурқат берган доридан шифо топганлиги учун унга махсус мулк ҳам ажратиб берган экан. Унинг ҳур доим озода ва тоза кийингалиги учун ёркентликлар орасида “Кўғирчоқ афандим” номи билан ҳам танилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Кейинчалик Фурқат 1909 йили куз фаслида касаллик туфайли 51 ёшида вафот этган. Фурқатнинг қабри дастлаб Ёркентнинг эски шаҳридаги Донгдор деган маҳаллада бўлган.

1957 йили Фурқатнинг қабри шаҳарнинг шимол тарафидаги боҳаво яхши жойга, ҳозирги “Ўзбеклар мазори” қабристонига кўчирилган. Шундан сўнг шоир қабрига гумбазли макбара барпо қилинган. Зиёратгоҳ битказилгач Ёркент аҳолиси иштирокида катта йиғилиш ҳам ўтказилган. Тез орада унинг қабри зиёратгоҳ сифатида машҳур бўлиб кетган.

Афсуски кўрам ва баланд қилиб барпо қилинган ушбу макбара 1963 йилда юз берган “маданий инқолиб” пайтида бузиб ташланган. Ачинарлиси шундаки, нафақат шоир макбараси бузилибгина қолмай, унинг ўғиллари ва набиралари ҳам таъқиб остига олинган. Фурқатнинг кўлөзма асарлари эса ёқиб юборилган. Шундан сўнг Фурқат ижодини

ихлосмандлари шоир қабрини бошқалардан ажралиб туриши учун алоҳида бир тахтачага Фурқатнинг қаерда туғилганлиги ва исмини ёзиб қўйишган.

Ёрқент аҳли Фурқатга нисбатан бўлган юксак эҳтиромлари сифатида 1991 йили Фурқат қабрини яна қайта тикланганлар. Орадан ҳеч қанча ўтмай Фурқатнинг янги мақбарасининг зиёратига мустақил Ўзбекистонимиздан зиёратчилар кела бошлаганлар. Чунки мақбара ичига кирган чоғимиз бир гуруҳ ўзбекистонликлар номидан қўйилган гулларни кўриб кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Мақбара ичидаги деворларга шоирнинг ғазалари, жумладан:

*Олиб ёдиға, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни,  
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин,*

деган мисралар билан тугалланган “Ёрқанд шаҳридан Тошболтуға хат” номли мактуби ҳам туширилган. Афсуски экспедициямизнинг вақти чегараланганлиги туфайли Фурқатнинг Ёрқентдаги авлодлари тўғрисида маълумотлар олиш имконияти бўлмади. Бинобарин, ҳар бир зиёратгоҳни атрофлича ўрганиш учун бир неча ой эмас балки йиллар керак бўлади. Шундай бир неча кун мобайнида ўнлаб зиёратгоҳлар тўғрисида фақатгина айрим маълумотларни тўплаш мумкин ҳолос. Ушбу ҳолатни назарда тутган ҳолда Қашқар зиёратгоҳларини ўрганиш бўйича уюштирилган халқаро экспедиция аъзолари сафар натижалари ўтказилган йиғилишда келгусида Ўзбекистон ва Хитой олимларининг ўзаро ҳамкорликда муқаддас зиёратгоҳлар бўйича мунтазам равишда олиб борилажак тадқиқотлари тарихимизнинг бизга номаълум саҳифаларини очишда катта аҳамият касб этади деган яқуний хулосага келдилар. Зеро, мазкур мавзу билан боғлиқ тадқиқотлар давом этиши шубҳасиз. Чунки Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат сингари улуғ аждодларимиз номи билан боғлиқ муқаддас жойлар, уларнинг ҳаёти ва ижодига бўлган эътибор халқларимиз ўртасида сўнмас экан, келажакда бундан-да қамровли мақола ва кизиқарли рисолалар ёзилаверади, албатта.

**Фурқатнинг “Туркистон вилояти газети”да босилган мактуб ва  
мақолаларида ўзлашма сўзлар**

**Н. Соатхўжаев  
ҚДПИ, ўқитувчи**

Мумтоз адабиётимизнинг йирик вакилларидан бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858-1909) ўзининг ижоди билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарвар шоирлардан биридир.

Фурқат яшаб ижод қилган даврда ўзбек халқи ҳаётида кўплаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй берган эди. Бу давр ўзбек адабий тили ҳам муайян ўзгаришларни бошидан кечирди. Бунда ўзбек шоирлари Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Завқий кабиларнинг улуши каттадир. Улар ўзбек адабий тилини форс-тожик, араб ҳамда рус тилларининг грамматик шакллари ва лексик унсурлари билан бойитдилар.

Маърифатпарварлик, илмга интилиш, Ватанга, ҳаётга мухаббат ғояларини улуғлаш каби шеърлари билан шуҳрат топган шоир Фурқат ҳам ўз ижодидида чет тиллари унсурларидан унумли фойдаланганини кўриш мумкин. Бу ҳолни унинг турли мавзулардаги шеърларида, “Туркистон вилояти газети”да босилган публицистик мақолаларида яққол кўриш мумкин. Фурқат ўзбек шоирлари орасидан чиққан биринчи публицист адиблардан бири ҳам ҳисобланади.

Фурқат ўзга халқлар ҳаёти билан танишиш, дунё кезиб уни билиш ва саёҳат қилиш мақсадида чет эл сафарларида бўлди. 1891 йилдан бошлаб шоир Туркия, Болгария, Юнонистон, Миср ва Арабистон каби Оврўпа ва Шарқ мамлакатларида бўлди. Бомбай(Ҳиндистон)дан Кошғарга ўтади ва ундан сўнг Ёркент шаҳрига келиб, тақдир тақозоси билан умрининг охиригача шу ерда турғун бўлиб қолади.

Чет элларда юрганида у дўстлари, шеърият аҳли вакиллари билан ҳамиша мактублари орқали мулоқотда бўлди. Шоир “Туркистон вилояти газети”га Истанбул, Самарқанд, Ёркент, Бомбайдан мақола ва хабарлар юбориб турган ва улар газетада чоп этиб борилган.

Фурқатнинг мактуб ва мақолалари турли мавзуларда бўлиб, улар ўзига хосдир. Уларда ўша давр учун янги бўлган сўзлар, иборалар кўп ишлатилган. Масалан, Истанбулдан юборилган мактубида станция, вокзал, старшина,

конверт, телеграм, почтахона, газет<sup>27</sup> каби русча байналмилал сўзларни ишлатди. Поездни “Оташ ароба” деб атаган. Шоирнинг ижодида рус тили ва у орқали ўзлаштирилган сўзлар миқдори анчагина. Россия томонидан ўлкамизнинг босиб олиниши натижасида турмушнинг турли соҳаларида янгиликлар пайдо бўла бошлади. Бу ҳам ўзбек тили лексикасининг турли янги сўзлар билан бойишига сабаб бўлган. Гимназия, закун, акт, виставка, зал, театр, билет, мошина, бал, зовут, рапорт, генерал губернатор, военный губернатор, подполковник, градус, редакция, саёз(русча “Съезд” сўзининг бузилган шакли) сўзларини шоир ўз ижодида ишлатган.

Мақола ва мактубларнинг барчасида форс-тожик, араб тилларидан ўзлаштирилган сўзлар жуда кўплаб учрайди. Ёшлик пайтларидан форс-тожик шоирларининг ижоди билан яхши таниш бўлган шоир ўзининг асарларида бу тиллардан ўзлашган сўзларни, ибораларни турли мақсадларда қўллаган. Форс-тожик тилидаги феъл ўзакларидан ташкил топган сўзлар қатламига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: рафт-омад – борди-келди, хариду-фўрухт – олди-сотди, жўстужу – кидириш, гўфтўгу – гаплашиш, суҳбат, гузориш – ўтиш, сипориш – топширик<sup>28</sup> кабилар. Форс-тожик тилига хос изофий бирикмали сўз ва ибораларга мисоллар: махрами асрор – сирдош, каломи мухтасар – гапнинг қисқаси, андалиби хуш илхон – хушовоз булбул, боди сабо – тонг шамоли, ахбори дохилия ва хорижия – ички ва ташқи хабарлар, аҳли ислом – мусулмонлар; оддий сўзлар: чобукдаст – чакқон, эпчил, нахустин – аввал, биринчи, душвор – қийин, мураккаб, кўшиш – интилиш, паём – хат, нома<sup>29</sup> кабиларни келтириш мумкин.

“Туркистон вилояти газети”да босилган мактаб ва мақолаларда арабча сўз ва араб изофали бирикмаларидан ҳам шоир унумли фойдаланган. Унда сойир ун-нос – бошқа киши, ўзга, қадим ул-айём – қадим замонлар, байт ул-мақар – тўхташ жойи, қароргоҳ, вожиб ул-қатл – ўлимга маҳкум, толиб ул-илм – илм талаб қилувчи, фил жумла – жумладан, алассабоҳ – эрталаб каби

<sup>27</sup> Фуркат. “танланган асарлар” II том. Тошкент-1959 йил.

<sup>28</sup> Ўша асар.

<sup>29</sup> Ўша асар.

“ал” аниқлик артикли билан келган сўзлар учрайди. Шунингдек, араб тилига хос бўлган кўплик шакли “синик” кўплик шаклидаги сўзлардан ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин: тужжор – савдогарлар, ҳужжож – ҳожилар, авкот – вақтлар, ағниё – бой кишилар, акноф, атроф – томонлар, тарафлар<sup>30</sup> ва бошқалар. Форсча, арабча сўзлар қатлами мумтоз адабиётимизнинг ажралмас қисми бўлиб келганлиги боис бу ҳолат Фурқат ижодида ҳам ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Фурқат ўзининг шеърлари, хабар ва публицистик мақолаларида чет тиллардан кириб келган сўзлардан кенг фойдаланган. Унинг асарларида туркий халқлар учун умумий бўлган сўзлар ва бошқа тиллардан кирган ва ўзлашиб қолган сўзлар кўп. Фурқатни ўзбек адабий тили ривожига ва уни янги сўзлар билан бойитишга катта ҳисса қўшган адиблардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

### **Фурқат ижодида ишқ мавзуси**

**ҚДПИ**

**Н. Холматова – ўқитувчи**

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида ўзининг ижоди билан катта ўрин тутган ижодкорлардан бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатдир. Шоир ўз ижоди давомида кўплаб лирик шеърлар, ғазаллар мухаммаслар, мусаддаслар яратди. Ҳижрон изтироблари барқ урган шеърый мактублар ҳам аҳамиятли. Шоир ўзбек адабиётида ҳаётий лириканинг ривожланишига баракали ҳисса қўшган ижодкордир.

Фурқат ўзи яратган асарларининг мазмуни ва жанр хусусиятлари ҳақида сўзлаб: “Ишқ тавсифи ва ҳусн таърифида ғазал машқ айлаб ва гоҳи қадимий шуаролар девонларидан бир шўх ғазални топиб анга ҳар қайсимиз алоҳида мухаммас “боғлар эдик”<sup>31</sup>, - деб ёзади.

Лирика шоир ижодий меросида ҳажман катта.

---

<sup>30</sup> Ўша асар.

<sup>31</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Т. Ғ. Ғулом нашриёти. 1997, 42-бет.



Фуркат ижодида ғазаллар кўп ўрин эгаллайди. Унинг юксак бадий даражага кўтарилган ғазаллари маълумки, уларнинг ҳар бир байти бир бадий кашфиётдир. У шоирона тафсиллар билан иш кўриш, ҳар бир байтда, янги фикр ифодаланиши Фуркат ғазалларининг фазилатидир. Шоирнинг айрим ғазалларида маъшуқа ташқи сиймосининг сеҳрли тасвири берилади.

Фуркат лирикасининг табиатини, ундаги етакчи йўналишларни белгилашда ундаги етакчи йўналишларни белгилашда “Қасида айғил ўшал дилдорға”<sup>32</sup> деб бошланадиган ғазал алоҳида ўрин тутди. Ушбу ғазалдаги ишқ фақат мажозийгина бўлмай, илоҳий хусусиятга ҳам эгадир.

“Қасида, айғил ўшал дилдорға,

Бир тараҳҳум айласун мен зорға”<sup>33</sup>

Шоир иккинчи байтда у маъшуканинг раҳм-шафқатига зор эканини ёзади.

Тушти савдойи жудолиғ бошима

Юрмишам расво бўлуб бозорға”<sup>34</sup>

Жуда содда сўзлардан иборат бўлган бу мисраларда теран мазмун яширинган. Чунончи, “савдойи жодолиғ” сўзлар Оллоҳдан айрилиқни “бозор” эса дунёни англатади. Бу жудоликка ошиқ расволиги сабабдир.

Яратгандан жудолик ошиқ “расво”лигига сабабдир, деган хулосага келади. Кейинги байтда шоир ўз ҳолатини ўзгалар назари билан баҳолайди. Шоир ўз ғазалларининг мавзуси, характери ва мақсади ҳақида сўз юритар экан, қуйида мисраларни ёзишга ҳақли эди.

Эй муҳаббат аҳли рамзи ишқ фаҳм айлай десанг,

Ёзилган куни жигардин, Фуркат, ашъоримга боқ.<sup>35</sup>

Фуркатнинг лирик шеърларида ҳаёт ва унга муҳаббат жўшқинлик билан суғорилган

У “Ул қаро кўз...”, “Сўрмадинг кўзлар қаро”, “Юзларингдин шарм этиб”, “Бир қамар сиймони кўрдим”, “Фасли гулдур”, “Чиройлик”, “Истар

<sup>32</sup> А. Қаюмов. Шеърый жилолари. 1975. 5-бет Т. Ғ. Ғулом нашриёти.

<sup>33</sup> Фуркат. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1960, 45-бет.

<sup>34</sup> Фуркат. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1960, 45-бет.

<sup>35</sup> Фуркат. Танланган асарлар. Т., Ўздавнашр, 1960, 222-бет.

кўнгул” каби шеърларида ҳароратли ошиқ, гўзал маҳбуба образларини яратган.

Шоир лирикасига хос энг яхши жиҳатлар унинг “Чаман саҳнида дерлар сарв бирла ёсуман нозик”<sup>36</sup> сатри билан бошланган ғазалида ҳам кўринади.

Мазкур шеърда маъшуканинг фақат бир сифати – нозиклиги тасвирланади. Шоир ташқи томонни кўрсатиш лозим бўлган восита ёрдамида маъшуканинг ички дунёсини акс эттиради. У маъшуқа нозиклигини сарв билан қиёслайди.

Кийими юпқалигини гул нозиклигига ўхшатади. Ғазалнинг тўртинчи байтида бевосита маъшуканинг ўзидаги бир дунё нозикликларини кўрсатишга бағишланади.

“Камолингдин ҳаловат топмоғи жонларни ондинким,  
Даҳон нозик, забон нозик, ки лаб нозик, суҳан нозик”

(101-бет)

Шоир кейинги байтларда қашу кўзнинг бир-бирига монандлигини гўзал воситалар орқали ифода этади.

Шоирнинг “Кошки” ғазали муҳаббат мавзусидаги бошқа шеърларига қараганда анча умидбахш асарлардан. Бу асарда ёрдан нолимоқ эмас, у берган азобларни санамокчи ҳам эмас, балки хаёлан бўлса ҳам, ёр билан ҳаёт кечириш мумкин бўлган фарахбахш лаҳзаларни акс эттиради,

“Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз  
Кўзи шум ағёрлардин анда пинҳон иккимиз”

(82-бет)

Шоирнинг бу шеъри олдинги шеърларидан фарқи бўлиб, даврон маъшуқага ҳам вафо қилмайди. Шунинг учун ҳам давр келтирган жафолардан қутилиш ҳар иккови учун ҳам заруриятдир.

“Ҳар замон даврон жафосидин қилибон бода нўш

Мастликдин айласак қайғуни яксон иккимиз” (82-бет)

---

<sup>36</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Т. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975, 101-бет.

Шоир тасвирни маромида беради, унинг ҳаётийлигига кўпроқ эътибор бергани кўринади. Фурқат мазкур шеъри билан сўз санъаткори эканини яққол кўрсатди.

Фурқат “Ул қаро кўз...”деб бошладиган ғазали тасвир маҳорати жихатидан шоирнинг энг сара асарлари каторидан ўрин олган. Ғазалда шоир севги билан боғлиқ ҳолда ижтимоий масалаларни ҳам куйлайди. Ғазалнинг дастлабки бандларида гўзал ёр суврати, унинг қора кўзлари тавсифи билан бошланади. Бу гўзалнинг қора кўзларига сурма тортмоқлик не ҳожат. Улар шундай ҳам қоп-қора. Гўзалнинг кўзлари тасвири кейинги байтда ҳам давом эттирилади. Шу ўринда шоир кам қўллайдиган истиорадан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Иккала кўзнинг қоралиги туфайли шоир уларни қора ҳинду болага ўхшатади. Сўнг қайрилма қошлар тасвири берилади. Гўёки, икки ҳинду болалар ёнма-ён туриб ёй тортмоқдалар.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур.

Балки ундин даҳр эли ортиқча ғавғо тортадур,

Қошлари остида гўё икки фатан кўзлари

Икки қошу баччадурким, ёндошиб ё тортадур

Шеърдаги образлар тизимининг бир-биридан келиб чиқиши ва бир-бирини тақозо этиши ажойиб бадиийлик ҳосил қилган.

Шоир тажниси сўз имкониятларидан усталик билан фойдаланади.

Фурқат анъаналарни янги босқичга кўтара олди ва шу билан ҳам лирик истеъдодини юқори босқичга кўтара олди. Мазкур шеърда маъшуқанинг фақат бир сифати-нозиклиги тасвир этилади.

Фурқат ўз ватанини гоҳ мўъжизали санамга, гоҳ қаердадир топталган меҳрибон ёрга ўхшатади.

Шоир моҳир рассом сингари ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор беради. Кўз қош тасвиридан сўнг қора зулфингни таърифини беради. Шеърга Юсуф ва Зулайҳо образларини киритади.

Не билур Юсуфни, нозу ҳусн ила мағрурдур,

Ул қадарким ишқ дардини Зулайҳо тортадур.

Келтирилган байтда, шоир гўзалнинг хусну жамолини, қошу кўзларини таърифлашдан севги, ноз, дард мавзуларини ифодалайди.

Қуйидаги байт бутун ғазалнинг авж нуқтаси ҳисобланади. Бундай нуқта Фурқат асарлари ичида алоҳида ўрин тутadi.

Кўринадик, шоирнинг кўп ғазалларида севги-ишқ мавзуси муҳим ижтимоий мавзулар билан қоришиқ ҳолда келади.

Фурқатнинг “Сурмадин кўзлар қаро” ғазалида ҳам маъшуқа гўзаллиги таъриф тавсиф этилади. Ёрнинг ташқи қиёфасини кўтаринки руҳда тасвир этиб, ғазални шундай якунлайди:

Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожу айлади.

Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонға фаранг.

Эй Фурқат, у жофокор сенга қилган жабру зулмларини фаранг ҳам мусулмонга қилмайди, - демоқчи шоир.

Шоирнинг “Кашмирда” ғазалида ҳам ишқ, ёр тўғрисида сўз боради. Шоир томонидан тасвирланаётган қизнинг сеҳргар кўзларида юз хил жоду усуллари борлигини ифодалайди:

“Бир қамар сиймони кўрдум балдаи Кашмирда,

Кўзлари масҳуру юз жоду эрур тасхирда”

Шоир ўз шеърларида бадий санъатлардан ҳам унумли ва ўринли фойдалангани кўзга ташланади.

Хуллас, шоир ижоди маъшуқа ва ошиқ севгисига бағишланган ғазаллар кўп учрайди ва улар ўзбек мумтоз адабиётининг бир қисми ҳисобланади.

***Навоийни устоз билиб...***

***Ҳ.Отажонов,  
Ғ.Ғулом номидаги вилоят  
адабиёт музейи фонд мудир***

Адабиётимиз тарихидан маълумки устоз Алишер Навоий ғазалларига мухаммас боғлаш, назиралар битиш анъана бўлиб келган. Ҳамшаҳар шоиримиз Фурқат ҳам замондошлари Муқимий, Завқий, Мухсиний каби бу борада муваффақиятли қалам тебратган. Бу бежиз эмас албатта. Шоир ўзининг “Фурқатнома” асарида Навоий асарларини ёшлигида қизиқиш билан ўқигани, хатто тушида устоз билан учрашганини айтади: “Яъни бир кечаким – ул жумъа кечаси эрди – туш кўрдим. Бир чорбоғ эмишдурким эрам гулшани андин нишон бўлғай. Сабзалар ва хуб тоза гуллар ҳавз яқосида суфаи дилнишин гуногун бисотлар бирла ороста эрди. Ман ул жаннатсаро гулистонда ҳар тарафга танҳо кезар эмишман...

Ногоҳ, бир зебосурат йигит... пайдо бўлиб пайғом еткурди. Дедиким: “Бир жамоат уламолар сизни суҳбатларига таклиф қилурлар... Ул азиз ишорати бирла бир киши мени олдимга бир китоб ёзиб қўйди. Ул китоб Амир Алишер Навоийнинг “Чордевор”лари эрмиш. Андин менинг қўлимга қалам ва қоғоз бериб ҳар қайсилари бир мисрадин байт айтдилар, мен ёзиб тамом қилдим, эрса ҳаммалари қўл очиб ҳақимда дуо қилдилар ва шеър машқига рухсат бердилар”.

Фурқатшунос олимлардар Х.Расул, А.Абдуғафуров ва бошқаларнинг махсус илмий тадқиқотларида ҳам Фурқат бадий маҳорати шаклланишида, юксалишида ҳазрат Навоий асарлари таъсири катта бўлгани, Фурқат устоз асарларига ҳамоҳанг ижод қилгани алоҳида таъкидланган.

Ўзбек адабиётида эски ўзбек ёзуви харфлари маълум маънода маъшуқани тасвирлашда хизмат қилган. Харф кўринишлари маъшуқага қиёс қилинганда “алиф” унинг тик қоматини, “ёй” қошини, “син” унинг тишини, “лом” сочини таърифлашга хизмат қилган. Бу борада Навоий алоҳида устунликка эга бўлган. Шоир нафақат харф кўринишларини, балки ёзилган сўзлар ҳақида ҳам моҳирлик билан байтлар битган: “Бармоғи ҳайрат била ким лаъли хандон ичрадур, Ул алиф янглиғ дурурким фил масал жон ичрадур”. Бунда шоир жон сўзини акс эттирмоқда.

Музейимиз намоишгоҳида Фурқат ҳаёти ижодига оид кўплаб экспонатлар қўйилган. Бўлимдаги қўлёзма, турли тошбосма экспонатлар билан бирга шоирнинг ғазалига ишланган “Кашмир гўзали” ҳам бор. У шоирнинг ватандан узоқда эканлигини тарғиб этади деб тушунтириш берилар эди:

*Айди: “Эй бечора қилдинг на учун тарки ватан?”*,

*Ман дедим: “ Ғурбатда Фурқат бор экан тақдирда.”*

Бу суратда лаби устида холи бор қиз тасвир этилган. Ҳазрат Алишер Навоий лаб ҳақида шундай ёзганлар:

*“Нукта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб,*

*Нуктаи холинг нечун болдин ширин лабинг устидадур”.*

Байтдан маълумки ёр холи лабнинг устида.

Фурқат ҳам Навоийдан илҳомланиб лаб ҳақида ажойиб сўз ўйини қилган:

*“Нукта лаб устида бежодур” дедим. Айди кулиб:*

*“Сахв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда.”*

Бу байтни ўқувчиларга етмай қолишига байтдаги “котиби қудрат” сабаб қилиб кўрсатилиши мумкин. Мустақиллигимиз туфайли биз энди музей томошабинларига ёр лабига нукта қўйган “котиби қудрат” ким эканлигини тушунтириб беряпмиз.

Келгусида Фурқатнинг ана шундай халқдан пинҳон тутилган асарлари ўқувчилар қўлига етиб боришида изланишлар давом эттирилади. Зероки, 2010-йил **БАРКАМОЛ АВЛЮД ЙИЛИ** биздан шуни талаб қилади.

## **ФУРҚАТНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

**Нурбой Жабборов,**  
**ЎзМУ профессори, ф.ф.д.**

Ўзбек миллий уйғониш адабиётини Зокиржон Фурқат ижодий меросидан айри тасаввур этиш маҳол. Бинобарин, XIX аср иккинчи ярмида миллий ўзликни англаш, истибдодга исён, эрк ва озодлик ғоялари дастлаб унинг асарларида бўй кўрсатди. Шоир юртнинг “куффор банди ичра сонсиз тугунда қолган”идан, “охиру-л-амр ҳукумат гулшани хазон бўлиб, булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаган”идан изтироб чекди, бунинг боиси “сиёсати Рус” эканини баралла айтишга жасорат топди. Ватан ва миллат бошига келган бу оғир мусибатга муолажа излади. “Ҳамани эмди кўз тутғони бир Соҳибқирон бўлди”, дея умид ва нажотни истибдод гирдобидан олиб чиқишга қодир йўлбошчининг тарих саҳнасига чиқишида кўрди. Миллатнинг бошига давлат ҳумоси қайтажагига ишонди. Фақат бугина эмас. Шоир ўзи мансуб халқнинг замона аҳволидан огоҳ бўлмоғини, жаҳолат уйқусидан уйғонмоғини, маърифатдан баҳра олмоғини орзулади. Россия гимназияси ҳақида шеър ёзар экан, миллат болаларининг шу сингари замонавий таълим масканларида ўқишини истади. Виставкани, театрни васф этар экан, шундай маданий ҳодисаларсиз тараққий этиш имконсиз эканини англади ва англаб қолди. Русиянинг ўша даврдаги фан-техника соҳасидаги ютуқларини тарғиб этар экан, уларга “ўз нафъимиз учун мулоҳаза қилсоқ лозим”лигига урғу берди. Аниқроқ айтганда, ҳар бир ишда Ватан ва миллат манфаатини устувор билди. Фурқат миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг “кўп ва хўб” ижод қилгани билан алоҳида ажралиб турувчи сиймоларидан. Мумтоз шеърининг деярли барча жанрларига мансуб қарийб ўн икки минг мисралик назмий мероси, “Аҳволот”, “Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий” сингари салмоқли насрий, “Тўй хусусида”, “Аза хусусида”, “Гап хусусида” каби этнографик, арузга оид “Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни” асарлари, ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик мақолалари бунинг далилидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган дастхатлари Фурқатнинг моғир хаттот бўлганини кўрсатса, “Зубдату-л-ҳукамо” (“Ҳакимларнинг сараси”) дея шуҳрат қозонгани унинг фаолияти нечоғлик серқирра эканини, табобатда ҳам камолга эришганини

тасдиқлайди. Шоирнинг хорижга кетиш ва юртга қайта олмаслик сабаблари шу пайтгача турлича талқин этилган. Бу ҳақда ҳеч қандай асоссиз, ҳужжат-далилсиз ҳар хил тахмину гумонлар ҳам билдирилган. Архив ҳужжатлари ва мавжуд манбалар тадқиқи Фурқатнинг чет элларга кетишининг икки сабаби бўлганини кўрсатади: 1) шоирнинг чор Россияси мустамлака сиёсатини очикдан-очик қоралаб асарлар ёзгани; 2) Фурқат маърифатпарварлик фаолиятининг Ватан ва миллат манфаатларига асослангани. Россия мустабид сиёсати Туркистон халқлари ҳаётининг барча сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларини бирдай исканжага олгани маълум. Табиийки, миллатпарвар зиёлилар, жумладан Фурқат ҳам бунга бефарқ қараган эмас. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейи фондида 7050-рақами билан сақланаётган “Шарҳи рисолату-ш-шамсия ва аййана фийҳи-л-мантиқия” асари кўлёмасининг ҳошиясига битилган “Муножоти мусаддас” асари бунинг ёрқин далилидир. 108 мисрадан иборат мазкур мусаддаснинг жорий имлодаги тўлиқ матни манбашунос А. Мадаминов томонидан тайёрланиб, доцент Р.Тожибоев сўзбошиси билан эълон қилинган. Яратганга илтижо, муножот руҳида битилган мусаддасда шоир бундай ёзади:

Зулматни гирдбоди тегди, ҳуюнда қолдук,

Тўфони ҳайрат, эйки, ғарқи жунунда қолдук,

Ғафлат ила ўтуб умр, кулгу- ўйунда қолдук,

Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,

Раҳм айлағил, Худоё, бечора, хасталарга,

Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Фурқат “Зулмат гирдбоди, қуюн, тўфони ҳайрат, ғарқи жунун” каби тимсоллар, “Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук” образли тасвири воситасида рус мустамлака сиёсатининг моҳиятини бутунлай фош этади. Зеро, бу истибдод сиёсати миллат ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай асоратга олгани, миллий истиқлолга, нурли истиқболга элтадиган барча йўлларнинг батамом тўсиб қўйилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, “...рус маъмурияти қонунларни ўзи истаганча ўзгартириб, маҳаллий



аҳолининг иқтисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нақ 50 йил давомида поймол этиб келган”и ҳам бунинг далилидир. Мусаддаснинг куйидаги мисралари ҳам истибдод исканжасида қолган юрт тақдирига куйиниш ҳисси билан йўғрилган:

Қозию муфти, аълам доим ҳазину маъюс,  
Дин посини тутай деб зиндони ҳамда маҳбус,  
Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус,  
Қўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Ушбу мисраларда мустамлака сиёсатининг адолатсизликка, зулмга асослангани, ҳатто қози, муфти, аълам каби ҳуқуқ посбонларининг ўзлари ҳам ҳақсизлик гирдобидида қолгани ифодаланган. Уларнинг “Дин посини тутай деб ҳам зиндонида маҳбус” бўлиши сабабини Фурқат очиқ-ойдин кўрсатиб ўтади: “Бечоралар на қилсун бўлса сиёсати Рус?!” Хўш, ўша пайтдаги Рус сиёсати нимага асосланган эди? Манбаларда бу ҳақда куйидагича маълумот берилади: “...чор ҳукуматининг золим генераллари Туркистон ўлкасига қўйилғон “миссионер”, яъни дин бузувчи Остроумовларнинг таклифлари бўйича, Туркистон ўлкасининг халқини кўр каби истибдод қоронғусида қолдирмоқнинг маслаҳатида “русский-туземный” мактаблар очмоққа киришдилар. Мадраса вақфларини боний, вақф қилғувчиларнинг авлодларига буюриб бериб, сотиб емоқларига фармойиш қилиб, мусулмонларнинг жума намозларида подшонинг номини (хутбага) қўйиб ўқимоқ, “Қуръон”нинг “вал-мушрикин” деган жойларидан “мушрик” иборатларини чиқармоқ каби беҳуда ишларни амр қилдилар. Шаҳар ҳокимлари, қози ва амалдорлар ҳам мактабдорларни чақириб, оҳ подшонинг номини жами одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо қилдириш, ҳатто мактаблардаги ёш болалар ўқийдиган Эшон Сўфи (Сўфи Оллоёр)нинг “Чаҳор китоб”и деган савод китобларидаги “азоби қабр кофирларгадир, чун кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин”дек бўлғон байтларини ва “кофир”, “мушрик” деган иборатларини

йўқотиб, янги босиладирғон китоб ва “Қуръон”лардан юқорида айтилган калималарни чиқаришдек фармойишлар қилдилар. Мусулмонларни ниғоят эзиб, қисиб, ҳатто кўчадан пристуф ўтиб ҳолса, ё беихтиёр кўрмай қолғон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, камар эдилар”. Шоир мусаддаснинг бошқа бир бандида истибдод исканжасида қолган юрт иқтисодиёти ҳам инқирозга юз тутганини, аҳли бозор нақбатга қолиб, тижоратнинг касодга учраганини чуқур изтироб билан тасвирлайди:

Уч йил бўлурки қолмиш нақбатга аҳли бозор,  
Кўрмас тижоратидин кўп нафъ хайли тужжор,  
Аҳли ҳунарда ҳам йўқ чандоне равнақи кор,  
Йўқдур Ўзунгдин ўзга бир меҳрибону ҳамхор,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

“Уч йил бўлурки ҳолмиш нақбатга аҳли бозор” мисраси асарнинг Қўқон хонлиги рус қўшинлари томонидан босиб олинганига уч йил бўлган пайтда, яъни 1879 йили ёзилганини кўрсатади. Фақат бугина эмас. Шоирнинг фикрича, маънавият бобида ҳам таназзул жараёни бошланган: “Заифалардин шарму ҳаё, ағниёлардин жуду сахо, бир-бирга ошнодин меҳру вафо йўқолган. Фақр аҳлидан қаноат, шайхдан риёзат, сўфидан ибодат тобора барҳам ўлган. Доно залилу нодон азиз бўлган. Элнинг феълу ҳўйи кетиб, гуфтугўйи фақат шикоят бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам эл куффор аҳли ичра ҳайрон бўлиб қолган, на ҳукм қилса дарҳол буйруғини олган, олиқ-солиқ бериб толган”. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мустамлака маъмурияти узоқни кўзлаб иш тутган. Ўлкадаги энг эътиборли лавозимларга лаёқатсиз, жоқил, Фурқат таъбири билан айтганда, “На ҳукм қилса дарҳол буйруғини оладиган”лар қўйилган. “Рус мустамлакачилари ўзлари ишлаб чиққан “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида Низом”да шариат қозиларини сайлаш масаласига алоҳида эътибор бердилар, – дейилади “Ўзбекистоннинг янги тарихи”да, – Хонлар замонида саводхон ва ниғоят билимдон одамлар қозиликка тайинланган бўлса, рус маъмурларининг

конунига кўра, саводсиз кишилар ҳам бу лавозимга сайланиши мумкин бўлди”. Фурқат мазкур асарида бу ҳолни мана бундай образли тасвирлайди:

Ҳар қайда сарфаёқлар қозишинос бўлди,  
Барпо қилурға фитна бекаму кост бўлди,  
Эл ичра қадр топти ким хушлибос бўлди,  
Зоти бек ўтмаганлар соҳибасос бўлди,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Шоир бу аҳволдан каттиқ изтиробга тушади. Ёлғиз паноҳи – Оллоҳга муножот қилади, ундангина нажот кутади:

Биз Одам ўғли бўлсак, инсон иши хатодур,  
Ҳар шайъ аслисига рожиъ бўлуб кетодур,  
Лутфу карамни сандин банда умид этодур,  
Фурқат кулинг – гунаҳкор, сан соҳиби атодур,  
Раҳм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,  
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Фурқат муножотида эса ўзи мансуб бўлган миллат дарди қаламга олинади. Шоир муножотларини, таъбир жоиз бўлса, ўз кечмишидан узоқлашаётган, шу боис сиёсий, моддий ва маънавий инқирозга юз тутган миллатга ўз қилмишлари оқибатини кўриши, хулоса чиқариши учун тутилган кўзгу деб аташ мумкин. Чор ҳукуматининг манфур босқинчилик сиёсатини бутун моҳияти билан фош қилиш, миллатни огоҳ этишга бўлган интилиш, мустабид сиёсатга, жабру зулмга, адолатсизликка бўлган нафрат Фурқатнинг бошқа асарларида ҳам акс этган. Жумладан, “Бўлди” радифли мухаммасида шоир бундай ёзади:

Баҳор айёми ўтти, на гулу сарву суман қолди—  
Ки, булбул бирла кумри ўрнига зоғу заған қолди,  
На жоми марг ичмай лолаи хунинг, кафан қолди,  
Чаманлардин нишон ҳеч қолмади, илло тикан қолди,  
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди.

Баҳор — тараққиёт рамзи. Шоирнинг ёзишича, у ўтиб бўлган. Шунинг учун ҳам булбул бирла кумри ўрнини зоғу заған эгаллаган. Бу – юртни Россия забт этганига ишора. Ажал зимистони – истибдод тимсоли. У бор мавжудликни хазонга айлантирган. Бинобарин, истибдод боис миллий анъаналар топталиб, миллат бошига қора кунлар тушган, унинг ҳуқуқи, эрки поймол этилган. Шоир бу аҳвол сабабини аждодларнинг асрий анъаналари унутилгани, “Мусулмон халқимизнинг тўғри йўлдан адашиб, маъсият сори равон бўлгани, ато бирла ўғул ўртасида меҳру шафқат, ано бирла қиз орасида зарра ҳурмат, ағниёларда хайру саховат, фақиру бенаволарда сабру қаноат қолмагани” билан изоҳлайди. Кейинги изланишлар натижасида аниқлаганимиз – шоирнинг шу пайтгача маълум бўлмаган “Бегим” радифли дастхат шеъри ҳам бу жихатдан алоҳида аҳамиятга эга. Ҳазал матни бир варақ фабрика қоғозига бинафшаранг сиёҳда шикаста аралаш настаълих хатида кўчирилган. Варақнинг ўнг томонида матнни ўқишга ҳалал бермайдиган доғ бор. Ушбу 17 байтли шеър 1889–1891 йилларда Фурқат Тошкентда яшаган даврда ёзилган. Дастхат XIX аср хаттотлик санъатининг нодир намунаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Унда байтлар муайян мутаносиблик асосида жойлашган. Яъни, байтлар сони юқоридан қуйига ҳамда ўнгдан чапга бир, икки, уч, тўрт, уч, икки, бир тартибида квадрат (мураббаъ) шаклида битилган. Мураббаънинг қайси тарафидан қараманг, айна тартиб амал қилади. Демак, фақат мазмундагина эмас, шаклда ҳам мукамалликка эришилган. Шаклдаги ушбу мукамалликни сақлаш учун шеърнинг сўнгги 17-байти ҳошияга кўчирилган. Қўлёзма Фурқатнинг юксак хаттотлик маҳорати намунаси сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳазалдан олинган қуйидаги мисралар шоирнинг мустамлака сиёсатига бўлган муросасиз муносабатига далил бўла олади:

Шўъбада изҳор этиб ногоҳ чархи ҳийласоз,

Бошлади афсун ила макру даҳосидин, бегим.

Ғунчаи давлатни гул янглиғ паришон айлади,

Тундбоди ҳодисоти можаросидин, бегим.

Охируламр ҳукумат гулшани бўлди хазон,

Келди зоғу қолди булбуллар навосидин, бегим.

Мазкур байтларда юртнинг тараққиёт куёши сўниб, таназзул шоми бошлангани сўнгсиз хасрат билан ифодаланган. Зоғнинг макони эса – вайрона. Мустамлакадаги Туркистоннинг аянчли аҳволини Фурқатгача ҳеч қайси шоир бунчалик таъсирчан ифодалай олган эмас. Дастхат ҳошиясида “Камина Фурқат ва ҳожи Аъзам тарафидин чўх дуо ва саломлар вусулингиз ўлсун” сўзлари битилган. Савол туғилади: шеър кимга бағишланган? Фурқат ва ҳожи Аъзамнинг “чўх дуо ва саломлар”и йўлланган шахс ким? Ҳошиядаги қайддан буни аниқлаш имконсиз. Хўш, у ҳолда “бегим” дея ким улуғланмоқда? Унинг Фурқат ва ҳожи Аъзамга қандай алоқаси бор? Шоир мустамлака сиёсати билан боғлиқ изтиробларини ким билан бу қадар чин дилдан дардлашиши мумкин? Бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, ушбу дастхат шеър матнига мурожаат этиш зарур. Хусусан, қуйидаги байт бу масалага ойдинлик киритиши мумкин:

Шаҳ ҳаёти дуржида бир дур эдинг, бўлдунг ятим,

Қадринг ошди даҳр атаб қўйғон баҳосидин, бегим.

Бу сўзлар унинг шоҳ фарзанди эканини кўрсатади. Фурқат қайси шоҳ зурёди билан яқин муносабатда бўлгани, кимга “бегим” дея мурожаат этиши мумкинлиги таҳқиқ этилса, унинг Худоёрхон фарзанди Фансуруллобек экани маълум бўлади. Зеро, шоир “Сабоға хитоб” дея номланган шеърӣ мактубида ҳам Фансуруллобекка “бегим” дея мурожаат этган:

Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,

Зиҳи шаҳзодаи зу-л-иззау-л-жоҳ.

На ман танҳо, улус шаҳзодасидур,

Ҳама шаҳзодалар озодаасидур.

Қолаверса, Фурқат Тошкентда яшаган даврида Фансуруллобек билан жуда яқин муносабатда бўлган. Бу ҳақда профессор Ш. Юсуповнинг қуйидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовор: “Шеърӣятга, шоирларга ихлоси баланд Фансурулло Фурқат Тошкентда яшаган йилларда 20-22 ёшлар орасидаги

йигит эди. Ўзининг ҳамшаҳри бўлмиш забардаст шоир Тошкентда эканини билгач, табиийки, у билан танишиш, дўстлашиш, айниқса шеърият ҳақида суҳбатлашиш, ўз шеърий машқларини кўрсатиб, ундан маслаҳатлар олиш истаги тез орада Фансуруллобекни Фурқат билан яқинлаштиради. Фурқат Истанбулга бориши биланок энг яқин дўстлари қаторида Фансуруллобекни соғиниб, “Сабоға хитоб”нинг салмоқли бир қисмини унга бағишлайди. Иккинчи томондан, Фансуруллобекнинг кайнотаси Жўрабек додхоҳ ҳам Фурқат билан ғоят яқин муносабатларда эдики, кайнотасининг қорасувдаги катта боғида бўлган суҳбатларда ҳам у Фурқат билан бир неча бор учрашган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас”. Дастхат шеърнинг куйидаги мисралари Фансуруллобекка отаси Худоёрхон вафоти, “Чархи ҳийласоз”нинг шундан кейинги “Макру даҳо”лари, зулму ситамлари муносабати билан ҳамдардлик йўсинида ёзилган:

Одам ўғли йўқ эрурким, арсаи олам аро,  
Бўлмаса озурдадил даврон жафосидин, бегим.  
Кимса меҳр, ушбу жаҳондин, кўрдиким,  
Кўз тутқомиз – Бу жаҳон ичра жаҳон аҳли вафосидин, бегим?  
Манго қилғон зулмини кўргилки, уйла бор эдим,  
Сен киби шаҳзодани хайли гадосидин, бегим.

Ушбу 17 байтли шеър шахсан Фансуруллобекка бағишланган бўлса-да, унинг теран мазмуни умуммиллий аҳамиятга эга. Шеър дуо мазмунида битилган куйидаги байтлар билан якунланади:

Жонсипору қадрдонлиғдин бежуз бир тухфа йўқ,  
Ҳазратингга Фурқатий холис дуосидин, бегим:  
Соёи Тангри насиб этгай санинг бошингга ҳам,  
Зойил ўлмас бобақо давлат ҳумосидин, бегим.

Кўринганидек, ғазалда шоир таҳаллусидан кейин ҳам бир байт келган. Шайх Аҳмад Тарозий фикрича: “..Ул байтеким, таҳаллусдин сўнгра айтурлар, икки навъ бўлур. Бириси улким, таҳаллус байти маънода нотамом қолур. Бир байт бирла они тамом қилурлар, они мутаммиму-л-анҳос ўқурлар. Ва бир навъи

улким, бовужудким, тахаллуси тамомдур, бир байт масал тариқи бирла келтурурлар, андин тахаллус байтига рабт ҳосил бўлур, они робита дерлар”. Маълум бўладики, мазкур ғазалда тахаллусдан кейин келган байт биринчи турга мансуб. Бинобарин, тахаллус байтида маъно тугалланмаган. Кейинги байт (“Мутаммиму-л-анҳос”) ғазал мазмунига якун ясаган. Фуркат яшаган тарихий вазиятда, ўша ижтимоий муҳитда мазкур сўзларни битиш чинакам жасорат эди, Ватан ва миллатга фидойилик намунаси эди. Фуркат мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб ижод қилди. Ўз асарлари орқали илмнинг, маърифатнинг бекиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлади, илму маърифатга миллатни муқаррар таназзулдан қутқарувчи ягона восита, “Кўнгулларни сурури, кўрар кўзларни нури” деб қаради. Шоир чор истибдодининг фожеий оқибатларини фош этиш баробарида миллат фарзандларини ўша пайтда нисбатан илғор бўлган рус маданиятини ўрганишга, ундан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланишга чақирди. Шоирнинг Ватан ва миллат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъқул келмагани аниқ, иккинчи сабаби шу. Зокиржон Фуркатнинг юртга қайта олмаслиги ҳам, бизнингча, икки сабаб билан изоҳланиши мумкин: 1) шоирнинг чет элларда яратилган асарлари моҳият эътибори билан чор ҳукуматининг мустамлака сиёсатига зид экани; 2) Фуркатнинг шахс сифатидаги фазилатлари. Фуркат ҳаёти ва ижодининг энг самарали ўн саккиз йили хорижда кечди. Унинг чет элларга сафари саналарини энг сўнгги илмий изланишлар асосида қуйидагича белгилаш мумкин: Туркия-Юнонистон сафари 1891 йил сентябрь – 1892 йил 24 февралгача, Араб мамлакатларига сафари 1892 йил 24 февралидан шу йил августигача, Ҳиндистон-Тибет сафари 1892 йил августидан 1893 йил сентябрига қадар давом этган. 1893 йил сентябрида у Ёркентга боради ва умрининг охирига қадар бу шаҳарда турғун бўлиб қолади. Шоирнинг “Қасида” асари ҳам мутахассислар ўртасида баҳсу мунозарага сабаб бўлган. Асар ҳатто Фуркатнинг чор мустамлака сиёсати моҳиятини тушунмаганига далил этилган. Аслида ҳам шундайми? Асар матни устида олиб борилган изланишлар бунинг зиддини исботлайди. Яъни,

Фуркат бу асарининг ҳам тагматнига чор истибдодининг асл қиёфасини фош этувчи мазмунни маҳорат билан сингдириб юборгани кузатилади. Жумладан, шоирнинг “Қасида”га ёзган сўзбоши-изоҳи унинг мазкур асарни ёзиш вақтидаги руҳий ҳолатини ҳис этиш имконини берувчи қуйидаги жумлалар билан бошланади: “Зимистони шабистонларким, сиёҳбахтлар рўзгоридек каро ва соҳиби афкорлар андишаси янглиғ узун ва беинтиҳодур. Бу лайлату-д-дажода уйқу дуррожлари кўзлар ошёнасидин рамида қилиб, хаёл насойими хар тарафга варзида қилур эрди...”. қарангки, “оқподшоҳ”га бағишланган қасиданинг дебочаси қандай тасвир билан бошланмоқда: “Сиёҳбахтлар рўзгоридек қоп-қора, зимистон тун”. Бу тасвир мазкур дебоचा давомида “Жўши баҳори рашки гулистони Эрам” дея таъриф этилган Фарғона мамлакати, “Бу роҳими тасвидотнинг асл шажараи вужуди... обу хавоси обёрлиғи бирла тарбият топмиш бўлғон” Хўқанд гулшанининг истибдод зулматида қолганига ишора эмасми? Ушбу сўзлар замирига худди шу моҳият сингдирилган, назаримизда. Акс ҳолда подшоҳ мақтовига оид қасида бундай дард-алам ифодаси бўлган сўзлар билан бошланмас эди. Қолаверса, ушбу изоҳ-сўзбошининг давоми янада чуқурроқ мулоҳаза юритишни тақозо этади: “Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридоға мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлағайлар. Мабодо хотирлариға хутур қилмағойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлиқ юзидин адо топқон бўлғай деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа ерга реша чекмаклиғи кўнглумиз ганжинасида мактум ва музмардур. Вассалом”. Шоирнинг бу асарга инсоф юзасидан баҳо беришни сўраб ёзган ушбу сўзларидан кейин ҳам у ҳақда юзаки мулоҳаза юритиш арбоби назар – олимлар учун муносиб бўлмаган ҳол. Бевосита асар матнига мурожаат этамиз. Маснавий Яратганга ҳамду сано билан бошланади:

Жаҳонда ҳар наким этти — Худованди жаҳон этти,

Қилиб қудратнамолиқ замин у осмон этти .

Қамоли жути ўн саккиз минг олам айлабон мавжуд,

Муқаррам халқ этиб одамни, сунъини аён этти.

Ҳама махлуқни, Борий, мутиъу зирдаст айлаб,



Оларға Одам ўғлин чиредасту қахрамон этти.

Ҳақиқий подшоҳеким, жаҳонни интизоми-чун

Мажозий подшоҳларни жаҳонга ҳукмрон этти.

Мазкур ҳамд-байтларнинг сўнггиси, айниқса, тағмотда ифода этилган мазмуннинг теранлиги билан ажралиб туради. Яъни шоир “оқподшоҳ”га карата: “Сен вақтинчалик мажозий подшоҳсан, сенинг ҳукмронлигинг ҳам ўткинчи. Ҳақиқий подшоҳ эса Тангри таолодир. У хоҳлаган куни худди аввалги подшоҳлар каби сенинг ҳукмронлигингга ҳам чек қўйишга қодир” деган ҳақиқатни образлар воситасида айта олган. Кўриниб турибдики, Фуркат хатто зоҳиран “оқподшоҳ” мадҳига бағишлангандек таассурот қолдирадиган асарида ҳам йўлини топиб мустамлака сиёсатига бўлган нафратини ифода эта олган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фикрларини мисралар тағмотида бериш унинг хориждаги давр ижодида ўзига хос услуб даражасига кўтарилганини кўрсатади. Фуркатнинг Ватанга қайтиш йўллари ёпиб қўйилиши сабабларидан яна бири унинг собит эътиҳод эгаси бўлгани, деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбекистон Марказий Давлат архиви Н. Остроумов фондида сақланаётган ҳужжатлардан бирида Фуркат машкур “Гимназия” шеърини ёзган пайтда Тошкент Эрлар гимназиясида таълим олган Степанов деган кимсанинг Ёркентга бориб, шоир ҳақида мана бундай маълумот юборгани қайд этилган: “Мухтарам Николай Петрович, – деб ёзади Степанов, – мен сизга ушбу хат билан Ёркентда кўришганим Зокиржоннинг шеърларини ҳам юборяпман. Очиғини айтганда, Зокиржоннинг шеърлари менга ёқмади. Мен Фуркатнинг самимийлигига мутлақо шубҳа билан қарайман. Тан олиш керакки, у жуда ақлли, истеъдодли ва бениҳоя ёқимли инсон. У табобат билан шуғулланади, ерда ишлашни ёқтиради. Менинг ўйлашимча, у Россияни мутлақо севмайди. (Таъкид бизники – Н.Ж.) Эътиқодда бениҳоя собит. Мен унга шеър ёзишдан ташқари, бизнинг сартларимизни қизиқтириши мумкин бўлган маҳаллий мавзулар: бу ернинг аҳолиси, урф-одатлари, саноати ҳақида ёзишни тавсия қилдим. Бу ердаги ақлга сиғмайдиган жаҳолат, шунингдек, рус зулмидан доимий равишда

норози бўлган бизнинг Туркистон туземлилари фойдаланаётган кулайликларга алоҳида урғу беришни сўрадим” (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, фонд № 1009, 1-рўйхат, 135-иш, 42-43-бетлар). Степанов тўғри таъкидлаганидек, Фурқат мустамлакачиларни мутлақо севган эмас. Лекин, бу ерда масаланинг эътибор бериш зарур бўлган бошқа бир жиҳати бор. Мазкур ҳужжатнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, Фурқат чор ҳукуматининг доимий назоратида бўлган. Унга ҳатто нималар ҳақида ёзиш ҳам тавсия этиб турилган. Степанов Туркистондаги чор маъмуриятига шоирдаги ўзи ёқтирмаган яна уч хусусият ҳақида ёзиб юборади: 1) унинг Россияга нисбатан самимийлигига шубҳа билан қараши; 2) Фурқат шеърлари унга маъқул келмагани; 3) шоирнинг мустаҳкам эътиқодли шахс экани. Бу сингари фактлар Фурқат ҳақида мунтазам равишда ана шундай маълумотларни тўплаб борган чор ҳукумати миллатпарвар шоирнинг она-юртга келишини мақсадга мувофиқ эмас деб топгани ва унинг Ватанга қайтиш йўллари тақа-тақ ёпиб қўйгани ҳақидаги хулосага олиб келади. Шу ўринда муҳим бир масалага тўхталиш зарурати сезилади. Бу – Фурқат қарашлари миллий уйғониш ҳаракати намояндалари, миллатпарвар жадиidlар томонидан давом эттирилгани масаласи. Бинобарин, Фурқат ва жадиidlар қарашларида муайян изчиллик, давомийлик мавжудки, бу кўпдан тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Бизнингча, Фурқат ва жадиidlар қарашларидаги муштараклик қуйидаги масалаларда нисбатан аниқроқ кўзга ташланади:

1. Мустамлака сиёсатига нисбатан муросасизлик. Фурқатнинг юқорида таҳлил этилган “Муножоти мусаддас”и, “Бўлди” радифли мухаммаси, “Бегим” ғазали ва хорижда ёзган бир қанча асарлари, жадиidlарнинг эса бу борада наинки ижодий, ҳатто амалий фаолият билан шуғуллангани ушбу фикрни қувватлайди.
2. Замонавий илмларни эгаллашга тарғиб этиш, Оврупо таълим тизимини жорий қилиш орқали ривожланган миллатлар даражасига кўтарилиш орзуси. Бу ҳақда юқорида мухтасар тўхталинди.

3. Матбуот, театр каби ҳодисалардан миллатни уйғотишда минбар сифатида фойдаланиш. Фурқатнинг “Туркистон вилоятининг газети”да босилган асарлари, “Таржимон”, “Шўро” каби жаид матбуотининг нуфузли нашрларида шоир асарларининг эълон қилиниши, кейинчалик жаидлар томонидан нашр этилган миллий матбуот нашрлари бунинг ёркин далилидир.

4. Миллатнинг тараккий этишига тўсиқ бўлаётган иллатларни кескин танқид этиш. Бундай иллатлар – ўзаро нифоқ ва низолар, илм-маърифатга эътиборсизлик, жаҳолат, илм-фан тараккийетидан ортда қолиш ва ҳ.к. Бу мулоҳазалар Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабийетининг йирик намояндаси, ўзидан кейинги авлод ижодкорларга ҳам кучли таъсир кўрсата олган улуғ ижодкор, бутун салоҳиятини, иқтидорини Ватан ва миллат равнақи йўлига тиккан буюк сиймо экани ҳақидаги ҳаққоний илмий хулоса учун асос бўла олади.

### **Фурқат изидан Ёркентга саёҳат**

**Олимжон Ёқубов**  
**“Завқий жамғармаси”**

Маккаи Мукаррама, Бухорои Шариф, Хўқанди Латиф... Исми жисмига мос шаҳарлар қаторидан ўрин олишига сабабчи бўлган Хўқанди Латифнинг шоирлари, ёзувчилари, алломалари билан ўзбек халқи ҳар қанча фахрланса арзийди. Улар меросини ўрганиш, авлодларини излаб янги маълумотлар топиб кейинги авлодларга етказиш эзгу, саховатли ишлардандир.

Зокиржон Фурқат Ёркентда яшаб турганида ҳамшаҳри Муҳаммад Солиҳ ўғли Убайдулла Завқий (1853 – 1921) билан ўзаро соғинч билан ҳол – аҳвол сўраб шеърий мактублар ёзишгани шоирларнинг танланган асарларида тўла ёритилган. Завқийнинг суюкли қизларидан Зебунисонинг ўғли бўлмиш Ёқубжон – раҳматли дадамизнинг хотиралари буйича, катта дадалари Завқий вафот этар чоғларида катта бувилари Тожинисо аяга ҳовли – жойларни, қашқарлик хотинлари Хайруннисо ҳожи аяга эса бир шоҳи қийиққа тугилган китобларни мерос қилиб қолдиришни васият қилган эканлар. Хайруннисо ҳожи ая 1932 йилда ўғиллари Муҳаммад Амин ва қизлари Ҳанифахон билан

она юрти бўлмиш Қашқарга ўтиб кетганлар. Завқий ўз фарзандлари, неvara – чевараларига бундай меросдан ташқари шеър ва ғазалларида ифода этганидек ёру – дўстларига, қариндош – уруғларига бўлган меҳр – мухаббатни ҳам мерос қилиб қолдирганиданми ёки бир донишманд айтганидай дўстлик ҳам, душманлик ҳам мерос қолади деганиданми – ана шу меҳр – мухаббат, қариндошлик, биродарлик туйғуси мени кўпдан бери Қашқарга, Ёркентга боришга, Завқий ва Фурқатнинг авлодларини топиш ва у ердаги қадамжоларни зиёрат қилишга ундар эди. Вақти – соати келиб, насиб экан ўтган йил Фарғона вилоят Завқий жамғармасининг йўлланмаси ва кўмагида бу орзуим амалга ошди. Қашқарга бориш осон кечди. Шаҳар сайил ва сайёҳат маркази раҳбари Азимжон Абдужабборов қисқа муддатда ХХР га боришга алоҳида виза очдириб бердилар. Ўзбекистон чегара пункти Андижон вилояти Дўстлик постидан декларацияни тўлдириб ёзиб Давлат чегарасидан ўтгач, Қирғизистоннинг Ўш шаҳри автошоҳбекатидан кеч соат 8:00 да автобусда йўлга чиқдим. Ҳамсафарлар кўплари машҳур Қорасув бозорида савдо қилувчи хитойлик ва уйғур савдогарлар экан. Автобусимиз узоқ йўл учун жихозланган, дам олиб кетишга кўрпа – ёстиқ, телевизор билан таъминланган эди. Ҳа, бу йўллар қадимда, яъни, эраמידан аввалги йиллардаёқ қарор топган бўлиб, Шарқни Ғарб билан боғлаган асосий савдо йўли ҳисобланиб Қашқар, Фарғона водийси билан Сўғднинг маркази Самарқандгача борган, ундан Марвга қараб йўналган, ораси 750 км бўлган Андижон – Қашқар йўли бўлганлиги тарихдан маълум. Денгиз сатҳидан 7000 метр баландликда бўлган, туркий номи Тангри тоғ – Тянь Шан тизма тоғларидан ошиб ўтишнинг ўз машаққати бор Довон ошиб ўтилса, Хитой чегараси бошланади. Ёзнинг жазирама август ойи иссиғида бу доводда совуқ – изғирин бўлганидан доводдагилар қалпоқ кийиб, фуфайкада юришибди. Кечаси билан автобусимиз тинмай юрди. Бу ерда булутлар осмонда эмас, атрофимизда сузиб ўтишмоқда. Кечаси юлдузлар шундай яқин ва ёрқинки атроф юлдузлар ёруғидан ойдин кечада юргандай бўласиз. Йўлнинг Қирғизистондаги Эргаштомгача бўлган қисмини хитойлик йўлсозлар

таъмирламоқдалар. Эргаштом икки мамлакат: Қирғизистон ва Хитой чегара харбий қисмлари жойлашган водий – овул экан. Эргаштомга эрталаб соат саккизда кириб бордик. Иккала чегара ходимлари барча расмиятчиликларини ўтказишгач, соатларимизни Қашқар вақтига тўғрилаб, биз ниҳоят Хитой тупроғига кириб бордик. Тянь – Шан тизма тоғлари этагидан пастга тушгач, соат 10 ларда бир қишлоқ марказида овқатланиш учун тўхтадик. Муъжазгина, камтарона хусусий ошхонада овқатландик. Уйғурлар туркий халқ бўлгани учун уйғур тили ўзбек тилига жуда яқин, бир – бирини таржимонсиз тушуниш мумкин. Уйғурларнинг энг тансиқ овқати – лағмонни тановул қилиб турганимизда бирдан ҳамма хўрандалар телевизор ахборотига кулоқ солиб жим бўлиб қолдилар. Уйғур телевидениеси бошловчиси кеча 5 август куни Урумчида нохуш воқеалар бўлгани учун барчани осойишталикка, эҳтиёткорликка, огоҳ бўлишга чақирмоқда эди. Қашқарга автобусимиз кечки пайт кириб келди. Мехмонхонага жойлашиб дам олгач, эрталаб Ёркентга бориш учун автошоҳбекатга келдим. Бу ерда йўловчилар тирбанд, шаҳар ташқарисига автобуслар қатнови чекланган. Ноилож, хитойлик ва эру хотин уйғурлар бўлиб таксига ўтирдик. Шаҳардан чиқишдаёқ бизни текширув постларида тўхтатишди. Йўловчилардан мен чет эл сайёҳи бўлганим учун шаҳар соқчилар бўлимига қайтаришди. У ерда хужжатларимни компьютерга белгилаб обдан суриштиргач, узр сўраб бизга кетишга рухсат беришди. Қашқар – Ёркент ораси 220 кмли йўл бўлиб, Такла – макон чўлини кесиб ўтиб Ҳиндистон чегарасигача борар экан. Қадимда бу йўл Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистонинг бошқа шаҳарларига бориладиган асосий карвон йўли бўлган. Ёркентдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Ёркентга кириб бордик. Замонавий, кўп қаватли, бир – бирига ўхшамайдиган бинолар, шарқона услубда қурилган мухташам иморатлар, бозорлари гавжум бир диёрга кириб келдик. Қўқонда ғазалнавис шоир Чархий (Асқарали Ҳамроалиев 1900 – 1979 йил) нинг қизлари Азизахон опа ёркентлик қариндошлари манзилини бергандилар Чархийнинг жиянлари бўлмиш Муҳаммад Собиржон хожи ота Ёркентда мени очик чехра,

қариндошларча бағрилариға босиб кутиб олдилар. Мехмонхонада қолишимға куймай хонадонлариға таклиф қилдилар. Ёзнинг ноз – неъматин билан тўла дастурхон устида қариндошлари, қадрдонларини сўрадилар. Эрталаб нонуштадан сўнг зиёратга отландик. Етмишга бориб қолган Муҳаммад Собиржон ҳожи ака билан маҳаллалар ичидан айланиб шаҳар қабристонига кириб келдик. Ҳожи аканинг оналари Марҳаматхон ая – Чархийнинг синглиси шу қабристонга қуйилган эканлар. Қабристонга киришдаёқ бизнинг Шохимардон тоғи тепасидаги Ҳазрат Али мақбарасига ўхшатиб қурилган салобатли мақбара кўзга ташланиб турибди. Шу онда кўзим мақбарадаю, хайратланганимдан бир зум тўхтаб қолдим. Бу ердаги қабристонлар бизникидан фарқли ўлароқ ғишт, бетон, мрамар қопланмаган. Қабрлар асосан оддий тупроқ уюмидан, қолаверса хом ғишдан қурилган бешик – сағаналардан иборат. Фурқатнинг хоки қабристондан олиниб мақбара ичига қуйилган. Мақбара 1993 йилда қуриб битказилган бўлиб. кираверишда мустаҳкам лавҳага араб имлосида Фурқатга уйғур халқининг юксак эҳтироми билдирилган. Зиёратдан сўнг Қуръон тиловати қилиб, боқий дунёга кетганлар руҳига дуолар қилдик. Ниҳоят Фурқат авлодлари билан кўришиш насиб этди. Собиржон хожи ака айтганларидек, Фурқатнинг ўғли Нодирхон ота 1983 йилда оламдан ўтган эканлар. Нодирхон отанинг қизлари Тўпинисохон 50 – 60 ёшларда бўлиб, мени самимий, қариндошларча кўтиб олдилар. Ўзбекона уйлариға таклиф қилдилар. Дастурхон устида ўзимни таништирдим. Қўқондан келганимни, боболари Зокиржон Фурқатнинг Ўзбекистонимизда бағоят қадрлашимизни, фақатгина шаҳримизнинг ўзида эса марказий кўчалардан бири, сайлгоҳ боғимиз унинг номи билан аталишини, Соҳибзода Ҳазрат мадрасаси хужрасида унга бағишланган музей мавжудлигини, яқин орада кенг миқёсида унинг таваллудига аталган катта анжуман ва тантаналар ўтказилишини, ҳамда эртага Қашқарда Завқий авлодларини ҳам топиб зиёрат қилишим зарурлигини сўзлаб бердим. Тўпинисохон қизлари, ўғиллари: Нуригул, Мехригул, Паттигул, Турғунжон, Муҳаммаджонлар билан таништирдилар. Бу оила Ёркентнинг Саройқўл

махалласида истиқомат қилар эканлар. Фурқат ҳам шу маҳаллада яшаб ўтган экан. Ёркентда умргузаронлик қилаётган 90 ёшли асли наманганлик Юсупхон хожи ота хонадонларида меҳмонда бўлди. Таниқли адабиётшунос олим Пўлатжон Қаюмов ўз китоблари “Тазкираи Қаюмий” да ёзганларидек Фурқатнинг Ёркентга келиб қолиш сабабчиларидан бири ёркентлик шоир Тажаллий (1918 йилда вафот қилган, асл исми Набираи Хусайнхон хазрат) бўлишлигини Юсупхон хожи ота ҳам гапириб бердилар. Тажаллий қўқонлик хазратлар билан, жумладан Қўқон фозилларидан Мавлавий Йўлдош билан алоқалари бўлгани учун ҳам Маккада ҳаж сафарида бўлганида Зокиржон Фурқатни учратиб, ҳаж маросимлари тугагач, Ҳиндистон ва Кашмир орқали Ёркентга бирга олиб келган экан. Фурқатнинг эвараси Турғунжон мактабда ўқитувчилик касби билан машғул эканлар. Сухбат давомида Турғунжоннинг шеърятга ҳаваслари баландлиги маълум бўлди. Илтимосимга кўра ўзлари ёзган шеър машқларидан ҳам ўқиб бердилар. Турғунжоннинг укалари Муҳаммаджон тижоратчи эканлар. Муҳаммаджон билан савдо – сотиқ, тижорат ишларида ўзаро кўмаклашишни келишиб олди. Телефон орқали хабарлашиб туришни, иложи бўлса Қўқонга – Ўзбекистонимизга ташриф буюришларини, бизнинг азиз меҳмонимиз бўлиб кетишларини сўрадим. Собиржон хожи ота ва Муҳаммаджон мен билан оғаларча хайрлашиб Қашқарга кузатиб қуйдилар. Қашқар ҳам Ёркент каби Хитойнинг ғарбий қисмдаги катта шаҳар бўлиб Шинжонг – Уйғур мухтор туманида, Қашқар дарёси соҳилида жойлашган. Шаҳар марказидаги меҳмонхонага жойлашгач, қашқарлик қариндошларни излашга тушдим. Бизга маълум манзилда бўлдим. Маҳалла кўмитасида, кексалар билан сухбатда бўлдим. Масжидда намоздан сўнг ёши катталардан суриштирдим. Бу манзилда Завқий авлодлари яшамаганлиги маълум бўлди. Хукумат идоралари, маҳалла кўмиталари шу кунларда фавқулодда ҳолат бўлгани учун қидирув натижали бўлмади. Биргина умид шу бўлдики, Қашқар шаҳри, Ёрбоғ райони, Заргарлик кўчасида яшаётган адабиёт ўқитувчиси Абдурахим Собит ака муҳим гапни айтдилар: Завқийнинг ўғли Муҳаммад Амин (тахаллуси Тўлқин) нинг шеър ва

ғазаллари Урумчида нашр қилинган “Шинжонг ўзбек адиблари” уйғур тилидаги китобида босилиб чиққан экан. Бу китобга Фурқатнинг “Дилрабо”, “Кўрдимки, бир париваш”, “Бу хаёл эркан ғалат” ва “Хайрият” каби ғазаллари киритилган. Китоб муаллифи урумчилик адабиётшунос олим Қодир Аҳмад балки Муҳаммад Аминнинг яшаб ўтган манзилини билиши мумкин экан. Буюк суфийлар, тасаввуф пирлари, азиз – авлиёлар олиму фузалолар қабрини зиёрат қилиш улуғ савоб ишлардандир. Шундай ният билан Хайитгоҳ масжиди майдонидан автобусга тушиб Офоқхожа мақбараси зиёратига бордим. Қашқарда архитектура ёдгорликларидан Хайитгоҳ масжиди, XVIII асрга оид Офоқхожа мақбараси яхши сақланиб қолган ва улар давлат мухофазасига олинган. Мақбарага етиб келганимда, шу ердаги Офоқхожа масжиди жума куни бўлгани учун гавжум эди. Мақбара Амир Темур Ҳожа Аҳмад Яссавий хотирасини улуғлаб қурдирган мақбара каби салобатли, мовий ранг безаклар билан кошинланган, олд томони гулзор қилинган. Мақбарага кираверишда ўша вақтлардан қолган ғиштин дарвоза олдида каттагина ховуз бўлиб дарахтлар соясида атрофни салқин қилиб турибди. Ривоят қилишларича Машраб наманганлик устози йўлланмаси билан Қашқарга келиб, ўша ховуз олдида ўтирганини кўрган хазратнинг муридларидан бири Офоқхожага, бир мусофир йигит юпун кийимда ховуз лабида ўтирганини айтади. Офоқхожа: “У йигит узоқдан келган меҳмон. Исми Машраб. Олиб киринг” – деб буюради. Машхур шоиримиз Бобораҳим Машраб (1657 – 1711 йил) ўшанда 17 ёшда бўлиб, бир неча йил мурид бўлиб хазрат хизматида бўлган Мулло Хидоятулло ҳожам номи билан машхур бўлган Офоқхожа 1695 йилда вафот қилиб шу мақбарага дафн қилинганлар. Мақбара ичига кирганимизда Офоқхожанинг 5 авлоди: ўғил – қизлари, невара – чеваралари бу ерга дафн қилинганини айтишди. Ўртадаги қизил алвон ёпинчиқли сағана Офоқхожа қабрлари экан. У зоти шарифнинг оталари асли Самарқандли бўлиб, Шарқий Туркистонга келиб қолган эканлар. Офоқхожанинг ҳозирги авлоди кўпроқ шу Офоқхўжа маҳалласида истиқомат қилар эканлар. Зиёратларни тугатиб Қўқонга эсон – омон етиб



келганимдан сўнг, шоир Чархийнинг яқин шогирдларидан бири қўқонлик таниқли хонанда, адабиётшунос, филология фанлари номзоди Назиржон ака Назаров бу изланишга яна бир янгилик киритдилар. 1970 йилларда Чархийга кариндошларидан – Ғулжа шаҳридан хат келган. Хатда ёзилишича Завқий авлодлари Ғулжа шаҳрида яшаётганлари, Завқийнинг қизи Ханифахон ўзбеклар маҳалласида шоира бўлиб танилиб қолганлиги айtilган. Ха, энди насиб қилса, аجدодларни излашни Урумчи ва Ғулжада давом эттириш ниятимиз бор.

## **ФУРҚАТНИНГ «ИЛМ ХОСИЯТИ» ШЕЪРИНИ ЎРГАНИШ**

*ҚДПИ доценти, Р.Саидова*

**«Илм хосияти» шеъри қуйидаги режа асосида ўрганилади:**

- 1. Кириши (ўқитувчининг қисқача сўзи).***
- 2. Шеърни ифодали ўқиш.***
- 3. Шеърда учраган қийин сўз ва ибораларга изоҳ бериш.***
- 4. Шеърни суҳбат методи билан ўрганиш.***
- 5. Темани мустаҳкамлаш ва яқунлаш.***

Ўқитувчи «Илм хосияти» шеърини ўтмасдан илгари юқоридаги режа асосида мазкур асар ҳақида кириш машғулоти ўтказди. Бу машғулоти маъруза методи билан олиб борилади.

Дастлаб ўқитувчи «Илм хосияти» шеъри юзасидан кириш машғулоти олиб борганда шоирнинг таржимаи ҳолига мурожаат қилади, яъни Фурқатнинг Тошкент шаҳрида бўлгани, Тошкентдаги янги илм ўчоқлари, техника ва маданият билан танишгани, натижада шоирда янги-янги илғор фикрлар туғилгани ҳақида, бу таассуротни «Гимназия», «Илм хосияти», «Суворов ҳақида», «Виставка хусусида» каби шеърларида ифода этгани ҳақида маълумот беради. Бу маълумот «Илм хосияти» шеърини ўрганиш ва пухта тушуниш учун замин ҳозирлайди, кейин ўқитувчи шеърни ифодали ўқийди. Бунинг учун ўқитувчи шеърнинг вазнига алоҳида диққат қилади. Шеърнинг вазни қуйидагича:

Мафоилун—мафоилун—фаулун

Дейин сўз ил—м нинг хоси—ятидин.

Баён айлаб—анинг моҳи—ятидин.

Ўқитувчи олдин баҳрни (мафоилун—мафоилун—фаулун) ўқишни, кейин шу баҳрнинг ўқилишига мослаб шеърни ўқишни ўргатади. Шундай метод билан иш олиб борилганда, шеърни ўқиш осонлашади. Бир неча ўқувчи шеърни ифодали ўқийди ва мазмунини сўзлаб беради. Шундан сўнг шеърдаги тушунилмаган сўзлар ўрганилади. Ўқитувчи тушунилмаган сўзларни уч группага бўлиб тушунча беради: 1) айрим шахслар, олимларнинг номлари, 2) илм-фан терминлари, 3) изох талаб қиладиган сўзлар. Бу сўзларнинг ўзи ва изохини алоҳида картонга ёзиб, синфга илиб қўйилади.

**Фуркатнинг "Илм хосияти" шеъридаги тушунилмаган сўзлар изоҳи**

| Айрим шахслар-<br>нинг исмлари | Изоҳи                                                                                                                         | Илм-фан термин-<br>Лари                   | Изоҳи                                                                            | Айрим сўзларнинг<br>изоҳи                                                                                                                               | Айрим сўзларнинг<br>изоҳи ( <i>давоми</i> )                                                                                                                                                             |
|--------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Фалотун ёки<br>Афлотун         | Эрамиздан<br>илгари 427 йилда<br>туғилиб, 343<br>йилда вафот этган<br>юнон олими.                                             | ҳикмат<br><br><br>анжуман<br><br>дониш    | билимдонлик,<br>фал-сафа, физика<br><br><br>мажлис, йиғин<br><br>билим, маълумот | <i>зиҳи</i> — яхши<br><br><i>ғўш</i> — кулоқ<br><br><i>фархунда</i> —<br>бахтли, қувончли<br><i>фатонат</i> —<br>зий-раклик<br><i>адад</i> — сон, санок | <i>хосият</i> — махсус си-<br>фат<br><i>моҳият</i> — ҳақиқат,<br>ҳар нарсанинг асли<br><i>синепхр</i> — осмон, ос-<br>мон гумбази<br><i>хиргоҳ</i> — чодир<br><i>офоқ</i> — дунё (уфқ-<br>нинг кўплиги) |
| Арасму<br>(Аристотель)         | Буюк юнон олими,<br>эрамиздан илгари<br>384 йилда туғилди,<br>322 йилда вафот<br>этди. Александр<br>Македонскийнинг<br>устози | донишманд<br><br>улум<br><br>соҳиби ҳунар | билимдон, ўқи-<br>мишли<br><br>илмлар<br><br>ҳунар эгаси                         | <i>акмал</i> — етук,<br>етишган<br><i>мағриб</i> — ғарб<br><i>сокин</i> — тинч, бир<br>жойда турувчи<br><i>сипоҳийлик иши</i> —                         | <i>баҳр</i> — денгиз<br><i>бар</i> — қуруқлик<br><i>мусаххар</i> — забт қи-<br>линган<br><i>заковат</i> — нозик-<br>фаҳмлиқ<br><i>хирад</i> — ақл, ҳуш                                                  |

|        |                                                   |       |                               |                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                |
|--------|---------------------------------------------------|-------|-------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Луқмон | Араб<br>афсоналари-даги<br>машҳур олим<br>(табиб) | фунун | билимлар,<br>илмлар, ҳунарлар | амалдорлик, ху-<br>кумат иши<br><i>махз</i> —<br>бутунлай<br><i>басту кушод</i> —<br>боғлиқни очиш<br>(ҳал бўлмаган<br>масалаларни ечиш)<br><i>сурур</i> — шодлик<br><i>дариго</i> — афсус,<br>аттанг | <i>афзун</i> — ортиқ, зиёда<br><i>ойин</i> — расм,<br>одат, қилиқ<br><i>жаҳонбин</i> —<br>жаҳонии кўрсатувчи<br><i>таманно</i> — тилак,<br>ис-так, орзу<br><i>назора</i> — қараш,<br>назар ташлаш<br><i>нафъ</i> — фойда<br><i>суд</i> — фойда |
|--------|---------------------------------------------------|-------|-------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Бундай машғулотдан кейин ўқувчилар «Илм хосияти» шеърининг мазмунини яхши тушуниб оладилар, сўнгра ўқитувчи раҳбарлигида асар таҳлил қилинади. Бу ўринда ўқитувчи мусохаба методидан фойдаланади. Қуйида ушбу суҳбатнинг мазмунини келтирамиз:

**Ўқитувчи.** Шоир «Илм хосияти» шеърида Искандар замонасидаги илм-маърифатни қандай тасвирлайди?

**Ўқувчи.** Фуркат Искандарни жаҳон подшоси, бутун дунёни — куруқлик ва денгизни эгаллаган шахс деб тасвирлайди. Шоир Искандарнинг қармоғида 4000 олим бўлиб, улар илм соҳасида Арасту дан юқори туради деб кўрсатади. Хусусан, Фалотун ҳамма илмни эгаллаган, ҳатто ажалга ҳам чора топган эди, у қанча илмларни ижод қилди ва шу билан оламни обод қилди. Фалотун Искандарнинг буйруғи билан шундай ойна ясадики, бу ойнага қараган киши бутун дунёни кўрарди. Аммо ойнада кўринган одамлар билан сўзлашиш мумкин эмасди. Искандарнинг олимлари уларни сўзлатиш чораларини топа олмадилар. Ўша вақтдаги олимлар одамларнинг хатларини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга тезроқ етказиш ва тезроқ жавоб олиш йўллари ҳам кашф қила олмадилар.

**Ўқитувчи.** Фуркат фан ва техникани ривожлантиришда Россиянинг ролини қандай ифода этади?

**Ўқувчи.** Фан ва техникани тараққий эттиришда Россия шоирнинг диққат марказида турди. Фуркат илм-фанни тараққий эттиришда Россия олимлари зўр ғайрат кўрсатганлигини, уларнинг Афлотундан ҳам устун эканлигини эҳтирос билан тасвирлади. Сўнгра шоир рус олимларининг почта-телеграф ихтиро этганларини, техниканинг бу шаҳобчаси ҳалқ ва ҳукумат ишини енгиллаштирганини бирма-бир баён қилади.

**Ўқитувчи.** Шоир ўз шеърини нима билан тугатади?

**Ўқувчи.** Шоир ўз шеърини ҳалқни илм-фан ва техникани эгаллашга чақириш билан якунлайди.

Ўқувчилар билан ўтказилган юқоридаги суҳбат охирида ўқитувчи уларнинг берган жавобларини тўлдиради, якунлайди, ҳар қайси илмнинг заминида меҳнат ётишини ўқувчиларга ўқтиради, замонамизнинг маданиятли ва ўқимишли кишиси бўлиб ётишиш учун меҳнат ва илмга муҳаббат билан қараш лозимлигини айтади. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни икки гурпуага бўлади, биринчи гурпуага шеърни яна бир марта кўриб чиқиб, шеърда келишиқ қўшимчалари қандай ишлатилганини кузатишни, иккинчи гурпуага эса *бор дурур, бирла, олғайлар, аларга, туруб, бўлсун* каби сўзларнинг ҳозир қандай ёзилишини айтиб беришни топширади.

Уйга қуйидаги мақоллардан хоҳлаганини танлаб иншо ёзиб келиш вазифа қилиб топширилади:

1. Билим — бахт келтирар.
2. Билим—давлатдан қиммат.
3. Билим — кучда, куч — билимда.
4. Илм—ақл чироғи.
5. Илм, билим—ерга эмас, элга.

## **IX СИНФДА ФУРҚАТ ШЕЪРЛАРИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**Р. Тожибоев (Қўқон ДПИ),  
Н. Тожибоева (Қўқон, 7-мактаб)**

Қўқон адабий муҳитининг энг таниқли намояндаларидан бўлган машҳур шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1859-1909)нинг ижодини кенг ва чуқур ўрганиш ҳар бир ўқувчининг вазифаси бўлмоғи лозим деб ўйлаймиз. Чунки Фурқат ўткир истеъдоди билан халқимиз орасида кенг шуҳрат қозонган атоқли ўзбек шоирларидан биридир.

Мустақиллик йилларида шоир ижодини умумий ўрта таълим мактабларида ўрганишга катта эътибор берилмоқда. “Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан Дастур”да Фуркат ижодини IX синфда ўрганиш кўрсатилган. Дастурга асосан 9-синф учун чиқарилган дарслик-мажмуа(Тошкент, 2006; муаллифлар: Қ.Йўлдошев, В.Қодиров, Ж.Йўлдошбеков)да Фуркатнинг бешта ғазали, биттадан мухаммас ва мусаддаси берилган. Мазкур шеърларнинг ғоявий-бадий хусусиятларини тўлақонли ўрганишда уларнинг вазнларига хос бўлган жиҳатларни ҳам эътиборга олиш зарур. Чунки адабиёт фанидан Давлат таълим стандартларига шарҳларда уқтирилишича, “Умумий ўрта мактаб битирувчиси ... мумтоз бадий асарлардаги шеър санъатлари, бадий усуллар, қофия, радиф, **вазн ўлчовлари сингари шаклий хусусиятларни фарқлай олиши ва шу асосда бадий матнни таҳлил қила олиши; аруз вазни ва уларнинг ўлчовларини фарқлаши ҳамда бадий асар талқинида қўллай олиши лозим**“(Қаранг: “Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)”. 1999 йил, I-махсус сон, 148-154-бетлар).

Қуйида шоирнинг 9-синфда ўрганилиши кўзда тутилган шеърларининг вазн хусусиятларини кўриб чиқамиз:

- I. Фас-ли нав/-ба-ҳор ўл-ди/ ке-ти-бон/ зи-мис-тон-лар,  
 – V – / V – – – / – V – / V – – –  
 Дўс-т-лар/ ға-ни-мат-дир/ сай-рэ-тинг/ гу-лис-тон-лар.  
 – V – / V – – – / – V – / V – – –  
 Фо-и-лун / ма-фо-ий-лун / фо-и-лун / ма-фо-ий-лун

Демак, ушбу ғазал **ҳазажи мусаммани аштар** вазнида ёзилган.

- II. Ул қа-ро кўз кўз-ла-ри-га сур-ма бе-жо тор-та-дур,  
 – V – – / – V – – / – V – – / – V ~  
 Бал-ки ан-дин даҳ-рэ-ли ор-тиқ-ча ғав-ғо тор-та-дур.  
 – V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-лон

Ғазал **рамали мусаммани мақсур** вазнида ёзилган. Аммо ғазалнинг 3-, 5-, 7-, 15-, 17-, 19-мисралари, яъни қофияланмайдиган айрим сатрлари **рамали мусаммани маҳзүф** вазнида яратилган бўлиб, рукнлари **“фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун”** шаклидадир:

Вазн талабига кўра, 2-мисрадаги “дахр эли” бирикмасида **васл** қоидаси қўлланилади, яъни бу бирикмадаги икки сўз бири-бирига қушиб ўкилади. 6-байтдаги “хусн ила” бирикмасини ўқишда ҳам мазкур қоидани қўллаш керак бўлади. 5-байтдаги “бўй”, “боғнинг”, “боғбон” сўзлари “бў-ўй”, “бо-ғ-нинг”, “бо-ғ-бон” тарзида, яъни бир бўғин орттириб ўқиш талаб этилади. 6-байтдаги “ишқ” сўзи “иш-қ”, 7-байтдаги “ишқни”, “мушқ” сўзлари “иш-қ-ни”, “муш-қ”, 8-байтдаги “кажрафторнинг”, “айшни” сўзлари “каж-раф-то-р-нинг”, “ай-ш-ни” тарзида ўқилиши лозим.

III. Сур-ма-дин кўз- / лар қа-ро қўл- / лар хи-но-дин / ло-ла-ранг,

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Ғо-за-дин юз- / лар-да то-бу / ўс-ма-дин қош- / лар та-ранг.

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-лун

Демак, ушбу **ғазал рамали мусаммани маҳзүф** вазнида ёзилган.

Аммо ғазалнинг 5-, 7-, 9-, 15- мисралари, яъни қофияланмайдиган айрим сатрлари **рамали мусаммани мақсур** вазнида яратилган бўлиб, рукнлари **“фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилон”** шаклидадир:

Бо-ри но-зик пан-жа-лар ол-тун у-зук-дин зе-б-нок...

– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Гав-ҳар ос-қон ҳал-қа-лар сий-мин та-но-ғу-ши-да банд...

– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Ғам-за бир-ла ўл-ту-рур гаҳ жил-ва-лар бир-ла ю-рур...

– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Ул па-ри-ваш иш-қи-дин-ки тел-ба-дур-мен го-ҳ соғ...



– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Аруз вазнида ёзилган деярли барча шеърларда мана шу каби ходиса учрашини таъкидлашни истардик. Чунки кўрсатилган мисралардаги охириги хижолар ўта чузиқ бўлиб, бу эса “фоилон” рукнини ҳосил қиляпти. Натижада вазннинг номида ўзгариш бўлмоқда. Аслида бу икки вазн – рамали мусаммани махзуф ва рамали мусаммани мақсур ўртасидаги фарқ деярли сезилмайди, чунки мисра охиридаги бўғин чўзиқ хижо бўлса ҳам, ўта чўзиқ хижо бўлса ҳам, барибир бошқа чўзиқ хижоларга қараганда чўзиқрок талаффуз этилади. Лекин вазни номлашда махзуф рукни билан мақсур рукнини бир-биридан фарқлаш лозим.

Вазн талабига кўра 2-байтдаги “рўймол” сўзини “рў-йи-мол”, 3-байтдаги “зебнок” сўзини “зе-б-нок”, 6-байтдаги “шўх-шанг” сўзини “шў-хи-шанг”, 7-байтдаги “менга” сўзини “ме-нга”, 8-байтдаги “гоҳ” сўзини “го-хи”, 9-байтдаги “жаврларким” сўзини “жав-ри-лар-ким” тарзида ўқиш керак бўлади. 2-байтдаги “кўйлак узра” бирикмасини эса “кўй-ла-куз-ра” шаклида ўқиш лозим. Шунингдек, 3-байтдаги “гавҳар оскон”, 9-байтдаги “Фурқат ул” бирикмаларини ўқишда ҳам “васл” қондасини қўллаш лозим.

IV. Биз ис-тиғ-но э - ли қич - қир-ма-ғон маъ-во - ға бор-мас-миз,

V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

А-гар чан-ди-ки хир-ман ай-ла-са дун - ё - ға бор-мас-миз.

V – – – / V – – – / V – – – / V – – –

Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун

Ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

Бу ғазални ифодали ўқишда ҳам вазн талабаларига риоя қилиш керак бўлади.

1-байтдаги “биз истиғно” сўзини “би-зис-тиғ-но”, 2-байтдаги “зоҳир этса” бирикмасини “зо-ҳи-рэт-са”, “мавж уран” бирикмасини “мав-жу-ран”, 4-байтдаги “халқ аро” бирикмасини “хал-қа-ро”, 6-байтдаги “биз эллар”, “фақр элимиз” бирикмалари “би-зэл-лар”, “фақ-рэ-ли-миз” шаклида ўқиш лозим. Буни васл қондаси талаб этади.

V. Ки-ши ҳо-лим-/ ни бил-мас меҳ-/ ри - бо - ни-дин / а-даш-ган-ман,

V - - - / V - - - / V - - - / V - - -

Ва-тан о-во-/ ра – дур-ман дў/-с-то-ни-дин / а-даш-ган-ман.

V - - - / V - - - / V - - - / V - - -

Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун

Мухаммас ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

Бу мухаммасда ҳам вазн талабига кўра 1-банддаги “дўстонидин” сўзини “дў-си-то-ни-дин” шаклида, 2-банддаги “ғамнок” сўзини “ғам-но-ок” шаклида, “чок” сўзини “чо-ок” тарзида ўқиш керак бўлади. Акс холда вазн оҳангдорлиги талабдагидек чиқмайди.

V. Сай-динг кў-/ я-бер сай-ёд / сай-ё-ра / э-кан мен-дек,

- - V / V - - - / - - V / V - - -

Ол до-ми-/ ни бўй-ни-дин / бе-чо-ра / э-кан мен-дек.

- - V / V - - - / - - V / V - - -

Мафъ-ув-лу / ма-фо-ий-лун / мафъ-ув-лу / ма-фо-ий-лун.

Демак, бу мусаддас ҳазажи мусаммани ахраб вазнида ёзилган.

Шеърни ўқишда 7-, 14-, 19-22-, 25-28-, 31-мисраларда “васл” қоидасини қўллаш керак бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастуридан ўрин олган мумтоз шеърятимиз нафосатини кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлган аруз вазнини ўрганиш давр талабидир. Шундай экан, мумтоз шеърятимиз намуналарини ўқувчиларга ўргатишда уларнинг вазн хусусиятларини эътибордан соқит қилмаслик ҳар бир адабиёт муаллимининг муҳим вазифасидир.

**“УЧ ХАРОБОТИЙ” КИМЛАР ЭДИ?**

**Р. ТОЖИБОЕВ,**  
доцент (Қўқон ДПИ)

Халқимизнинг ардоқли шоири, айти пайтда таваллудининг 150 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркат (1859-1909)нинг бой ва ранг-баранг адабий меросида “Уч хароботий” мусаддаси ҳам борлиги барчамизга яхши маълум.

Уч хароботий эрурмиз, сокини майхонамиз,  
Хум бошидин чарх уруб, монанди парвонамиз,  
Маст ўлубмиз, жўшиши майдин ажаб девонамиз,  
Холимиз дунё ғамидин, фориғи кошонамиз,  
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,  
Ушбу даврон бирла ўлсак, йўқ эрур армонимиз, -

банди билан бошланувчи мазкур мусаддас мазмун ва бадиий жиҳатидан юқори даражада бўлгани сабабли 1958 йилда эълон қилинганидан буён кўплаб йирик адабиётшунослар эътиборини жалб этган ва ўзининг юқори баҳосини олган.

Улуғ шоиримиз ва зукко адабиётшунос Максуд Шайхзода мазкур мусаддасни “Фуркат лирикасининг шоҳ асари деб саналишга лойик” деб таърифлайди. Унинг фикрича, “бу мусаддас ҳақиқий дўстликнинг ва ҳаёт, бахт, севги тантанасининг ўлмас таронасидир” (Қаранг: Шайхзода, Максуд. Фуркат ҳақида қайдлар//Китобда: Фуркат ва Муқимий ҳақида мақолалар. Тошкент, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 67-68-бетлар.)

Давр адабиётини пухта ўрганиб, йирик тадқиқотлар яратган йирик адабиётшунос Ғ.Каримов унда Фуркат дунёқарашининг муҳим томонлари акс этиши билан бирга унинг ижодий-эстетик позицияси ҳам ифода қилинганини таъкидлаган (Қаранг: Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1975, 191-бет).

Таниқли фуркатшунос А.Абдуғафуров уни “фалсафий-сўфиёна йўналишига эга бўлиб, Фуркат лирикасининг бошқа намуналаридан ажралиб туради” деб таърифлайди. (Қаранг: Абдуғафуров А. Зокиржон Фуркат(ҳаёти ва ижоди) Тошкент, “Фан”, 1977, 128-бет).

Академик А.Қаюмов мазкур мусаддаснинг шоир ижодида алоҳида ўрин тутишини таъкидлаб, “бу мусаддас Фуркат ва яна ўша доирадаги икки шоир иштирокида мушоира йўли билан ёзилган шеър бўлса керак” деб тахмин қилади (Қаранг: Қаюмов А. Шеърят жилолари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997, 92-93-бетлар).

Устоз адабиётшуносларимизнинг бу машҳур мусаддас ҳақидаги фикрлари бизни изланишларга чорлади. Айниқса, академик А.П.Қаюмовнинг мусаддас муаллифлиги масаласида билдирган фикрлари шеърнинг ёзилиш тарихини ва ундаги уч хароботийнинг кимлар эканини аниқлашга бўлган иштиёқни оширди.

Маълумки, Фурқат ижодининг дастлабки йилларида унинг Хўқанди латиф адабий муҳити вакиллари билан ижодий ҳамкорлиги самарали бўлган. Унинг кўплаб ғазал ва мухаммаслари шу ижодий ҳамкорлик натижасида яратилгани шубҳасиз. Бу ҳақда унинг ўзи 1891 йилда ёзилган “Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволи, ўзи ёзғони” номли асарида қуйидагиларни қайд этган: “Чун ёшим соати умр шабру рўзида йигирма тўрт шумориға етти. Ул вақт Хўқанд вилоятидаги фозил ва расо таъби кишилар бирла иттиҳод айлаб, аларнинг суҳбатидин кўб баҳралар топдим ва аср шуаролариким, чунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи таъбаримиздин мушоара қилур эрдуқ ва бир ғазалда татаббуъ кўргузуб, бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди. Гоҳо ҳамд гулшанидин гул узуб, гоҳо наът нахлистонидин самарчин бўлур эрдуқ ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва ҳусн таърифиди ғазал машқ айлаб ва гоҳи қадимий шуаролар девонларидан бир шўх ғазални топиб, анга ҳар қайсимиз алоҳида мухаммас боғлар эрдуқ”. (Қаранг: Фурқат. Танланган асарлар. Икки томлик, иккинчи том. Тошкент, 1959, 139-140-бетлар.)

Фурқатнинг мазкур сўзларидан илҳомланиб, “Уч хароботий” мусаддасига вазни ва қофияланиши жиҳатидан яқин бўлган уч ғазал диққатимизни ўзига тортди. Улар кўқонлик олимлар – заҳматкаш адабиётшунос, зукко матншунос, марҳум Аҳмаджон Мадаминов ва А.Турдиалиевлар томонидан нашрга тайёрланиб, 2003 йилда чоп этилган шоир Завқийнинг “Ажаб замона” шеърлар тўпламидан ўрин олган. Бу ғазалларни қуйида келтиришни лозим топдик:

#### Биринчи ғазал

Бодаи васлинг қачон нўш этибон қонамиз?  
Онгача ҳижронда бўлғайму бизи майхонамиз?  
Шамъи оламсўз ҳуснингни кўруб, парвонаваш  
Умрлардур оташи ишқинг аро ўртонамиз.  
Бир мурувват кўргузуб, хуршиди оламтобдек,  
Партави ҳуснинг билан қилғил мунаввар хонамиз.  
Лутф этиб гар хотири маҳзунимиз шод этмасанг,  
Биз ҳам этган ваъдаи рўзи аластдин тонамиз.  
Отма кўнгул шишасига санги бежо, синмасун,  
Таъбимиз озода деб, Фарғонада махтонамиз.  
“Рух”ни ғолиб айлағил “шоҳ” ҳам маҳалли кишту мот,  
Ишқ базми ичра сатранж ўйнагон уч донамиз.  
Кўнглумиз айлаб паришон, ҳар тарафга тарқатиб,  
Неча муддатдурки, ул новаки мужгон шонамиз.

Анбарин зулфингни боғлаб жонлара таъвиз учун,  
Ёдинг ила кечалар гоҳо чўчуб уйғонамиз.  
Завқий ила Фурқатий, кулбангга дўстинг келмаса,  
Айлаб истиғно бизам мундоқ ёрдин тонамиз (Мазкур китоб, 20-бет).

#### Иккинчи ғазал

Муддатедур, бодаи ишқинг ичиб мастонамиз,  
Масти лояъқил бўлуб, эл ичра кўп афсонамиз.  
Истама дур айламак шамъи жамолингдин бизи,  
Раҳм қилким, жону дил қилган фидо парвонамиз.  
Қолмади таннинг мадори, жавру озоринг чекиб,  
Жона еттуқ, лутф қил, бўлсанг агар жононамиз.  
Телба кўрсанг, эй пари, ҳар лаҳза тут маъзурким,  
Биз жунун саҳросидин келгон ики девонамиз.  
Холу абрў ёдида бўлдук қаронғу рўзгор,  
Нур ила нетгай ёруқ этсанг келиб қононамиз.  
Ўзгалардин сонмаким, биз ошнолиғда ҳасан,  
Ихтироз этма, арода йўқ эрур бегонамиз.  
Эй, малоҳат мулкининг султони, этма ноумид.  
Қулларингнинг қуллари хайлида ўзни сонамиз.  
Тушмаса гар арзимиз васлинг қулоғига қабул,  
То тирикмиз, Завқий, Фурқат ҳажр ўтиға ёнамиз. (21-бет)

#### Учинчи ғазал

Ой жамолинг шамъиға ҳар кеча ўртаб ёнамиз.  
Жон нисор этмоқда гўёким, пари, парвонамиз.  
Неча кундур, айладинг базми висолингдин йироқ,  
Эй пари, бўйла хаёлинг истаюб девонамиз.  
Боғлаюб аҳли муҳаббат, санга бўлдук ошно,  
Гарчи бўлса сарвқад жилвағаҳи бегонамиз.  
Жоми ишқингдин муҳаббат бодасин ул дам ичиб,  
Фориғ эл ташвишидин, то ушбу дам мастонамиз.  
Мунча ғавғодин, рақиби рўсиях, недур мурод?  
Таъби нозукдур, кўтармас фитнани жононамиз.  
Хоҳи рад қилғил бизи, хоҳи қабул эт, шаҳриёр,

Даст “алиф-лом” хизматингда тургучи мардонамиз.  
Ой жамолингдин кўтар етти ҳижоб, тўққиз ниқоб,  
Чун ҳарими васлинга маҳрам бўлмай ёнамиз.  
Қолмади тоқат тағофулдин, нигоро, ҳам чу тифл,  
Ваъдаи ҳалвога тоқай талпиниб алдонамиз.

Аксарини Нисбатий, кам Завқию Фурқат деди,  
Биз ҳам истиғно этиб мундоғ жавондин тонамиз. (22-бет)

Биринчи ғазал адабиёт аҳлига устоз адабиётшунос, марҳум Ғ.Каримовнинг олий ўқув юртлари талабалари учун ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги орқали маълум эди. Тўғри, Ғ.Каримов асли 9 байтли бу ғазалнинг 6 байтини келтирган, холос. Адабиётшунос нима сабабдан бундай қилгани бизга маълум эмас. Ғазалнинг 2-, 3-, 4-байтлари тушириб қолдирилган. Натижада у олти байтли ғазал сифатида ўқувчилар диққатига ҳавола қилинган. Ғ.Каримов ёзишича, “Мазмунан характерли бўлган бу ғазал ўзининг умумий руҳи ва услуби билан Фурқатнинг машҳур “Уч хароботий” мусаддас-таржиъбандини эслатади. Бу ғазалда ҳам “Уч хароботий” мусаддас-таржиъбанддаги каби самимий муҳаббатга эга бўлган, лекин ёрнинг бевафолигидан алам ва изтироб чеккан “уч ошиқ” ҳақида фикр юритилади. Бу ғазалда ҳам истиғно билан ўз ёридан кечиб, фалсафий мулоҳазалар оламига отилган “нозик табиатли” ошиқлар образи гавдаланиб туради. Ғазал ғоявий йўналиши жиҳатидан “Уч хароботий” мусаддасидаги мазмунни давом эттириши билан бирга, қофия, вазн ва бадий образлар системасида ҳам унга ўхшаб кетади” (Қаранг: Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1975, 191-бет).

Иккинчи ғазал ҳам адабиёт аҳлларига маълум. Унинг матнини дастлаб таниқли адабиётшунос, марҳум А.Абдуғафуров ўзининг “Зокиржон Фурқат” рисоласида келтирган (Қаранг: Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат(ҳаёти ва ижоди). Тошкент, “Фан”, 1977, 129-бет). Мазкур нашрда ушбу ғазал тўққиз байтли бўлиб, қуйидаги байт унда еттинчи бўлиб келган:

Айладук таклифи вайрона, Сулаймон деб сани,  
Гарчи мўри ланг янглиғ қодири бир донамиз.

“Ажаб замона” китобида мазкур ғазалнинг саккиз байтли бўлиб келгани ноширларнинг бошқа қўлёзма баёзга асосланганларидан бўлса керак. А.Абдуғафуров мазкур ғазални “шу вазн ва қофияларда ҳамда етакчи руҳ жиҳатидан мусаддасга ҳамоҳанг” дея таърифлайди. Муаллиф ғазални Фурқат қаламига мансуб деб ҳисоблайди

ва юқорида келтирилган биринчи ғазални “Завқий ҳам бу мавзуда қалам тебратиб, Фурқат ғазалига ҳар жихатдан монанд назира яратади, у ҳам лутф билан Фурқат таҳаллусини ўз ғазалида келтиради. Аммо Фурқат ғазалидан фарқли ўлароқ, Завқий назираси уч шахс номидан ёзилганки, бу уни юқорида сўз юритилган мусаддас (“Уч хароботий” - Р.Т.)га янада яқинлаштиради” (Абдуғафуров А. Ўша манба).

Иккинчи ва учинчи ғазаллар 1990 йилда А.Мадаминов томонидан эълон қилинган эди (Қаранг: Мадаминов А. Фурқатнинг янги топилган шеърлари // Китобда: Фурқат ижодиёти. Тошкент, “ФАН”, 1990, 120-122-бетлар). Бироқ улар Фурқат ижоди намуналари сифатида китобхонларга тақдим этилган эди.

Бизнингча, ушбу биринчи ва иккинчи ғазалларни Фурқат ва Завқийнинг, учинчи ғазални эса Нисбатий, Завқий ва Фурқатларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилган десак, янглишмаган бўламиз. Уларнинг шу тариқа яратилгани ғазаллар мақтаъларида ҳам яққол акс этиб турибди.

Мазку ғазаллар академик А.П.Қаюмовнинг “Уч хароботий” мусаддаси муаллифи масаласидаги тахминларини қўллаб-қувватлайди. Нисбатий, Завқий ва Фурқатлар дастлаб мазкур ғазалларни битганлар, сўнгра шу ғазаллар вазни ва қофиясида боўланувчи мазкур мусаддасни яратганлар. Мусаддасда ҳар уч шоирнинг 1883-1886 йиллардаги кайфиятлари, ҳаётга қарашлари ўз аксини топган. Ўша пайтларда, Фурқат хали Қўқонда яшаб юрганида ушбу шоирлар маънан жуда яқин бўлганлари айтилиши ҳақиқат.

Ана энди асл мақсадимизга келдик. “Уч хароботий” мусаддаси Нисбатий, Завқий ва Фурқатларнинг ижодий ҳамкорлиги меvasи ўлароқ дунёга келган дейиш мумкин. Шеърнинг лирик қаҳрамонлари – “уч хароботий”, “уч аламқаш”, “уч қаландар”, “уч биродар”, “уч мусофир”, “уч адоий”, “уч навоий”, “уч ғарибий”, “уч вафойи”, “уч болоқаш”, “уч муқаддар” эса, шубҳасиз, Нисбатий, Завқий ва Фурқатдирлар.

## **Фурқат маънавияти ёшларга ўрнак**

**Р. Зокиров**

**Вилоят ҳокими маънавий-маърифий**

**ишлар бўлими ёрдамчиси**

Ўзбек адабиётида маърифатпарварлик ғоясини тарғиб этган ижодкорлар қаторида Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳам ўз ўрнига эга. Фурқат ўзидан бой адабий мерос қолдирди. Шоир шеърлари, асарлари ўзбек халқининг маънавий бойлиги ҳисобланади.

Мустақиллик шарофати туфайли Фуркат шахсига, унинг ижодига янгича муносабат пайдо бўлди. Шоир фаолиятига бўлган илмий қарашлар янгича ёндашув асосида таҳлил этила бошланди. Унинг шеърларидаги миллий рух энди ҳақиқий ўз ифодасини топди, десак муболаға бўлмайди. Шоирнинг биргина “Келинчак” ғазалининг ўзидаёқ ўзбек халқининг миллий маънавияти ўз аксини топганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Зеро, шоир ўзбек келинчагининг миллатимизга хос бўлган назоқатини моҳир санъаткорлик билан тасвирлаган. Ғазалдаги ўзбек келинчагининг ҳаё ва ибоси, садоқат ва вафоси, миллий либос ҳамда зеб-зийнатлар билан безаниши бугунги кун ўзбек қизлари учун ҳам намуна бўла олиши шак-шубҳасиздир.

Фуркатнинг ижодий мероси, адибнинг ҳаёт йўли ёшларимизни миллий руҳда тарбиялашда, уларга ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ҳукуматимиз томонидан шоир шахсига, унинг ижодига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўрисида”ги №451-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимлигининг 2009 йил 27 октябрда №201 сонли “Атоқли шоир ва ўзбек адабиёти намояндаси Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркатнинг 150 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида” ги қарори ҳам фикримизга асос бўла олади.

### **“КАШМИРДА” ҒАЗАЛИДА ГЎЗАЛ МАЪШУҚА ТАСВИРИ**

**Доцент С. Каримова**

Ўзбек мумтоз адабиётида портрет яратиш алоҳида маҳоратни талаб қилади. Шу билан бирга ҳар бир ижодкор ўзига хос йўлдан бориб, сўзлар орқали портрет чизиш услубини шакллантиради. Ўзбек адабиётида гўзал аёл тасвири поэзияда ҳам, прозада ҳам ёзувчи симпатияси билан боғлиқ ҳолда берилади. Ижодкорлар гўзаллик ва гўзал аёлни қандай тасаввур



килишларидан келиб чиқиб тасвир берадилар. Шунингдек, улар яратган портрет асар ғояси, образ характери билан боғланган ҳолдагина бадиий қимматга эга бўлади. Портретлар ўзига хос юк олиб, ғоявий маъно ташийти ва характери тўлақонли чиқишига хизмат қилади.

Таваллудининг 150 йиллиги нишонланаётган мумтоз адабиётнинг лирик шоирларидан бири Фурқатнинг “Кашмирда” (Фурқат. Танланган асарлар. –Т., 1958, 48-бет) деб номланган ғазали бор. Бу ғазалда гўзал аёл тасвири ўзига хос услубда чизиб берилади. Ғазални ўқир экансиз, санъаткорнинг мўйқалам билан чизилгандек, аёлнинг мукамал қиёфаси тасвирлаб берилганлигини кўрамиз. Ғазалдаги шоирнинг мақсади гўзал аёл, гўзал аёлга муносабат, гўзалликнинг инсонга таъсири масалаларини ёритишдир. Фурқат шу мақсад асосида сўзлар ва фикрлар ўйинини беради, чиройли мисраларга фикрини сингдиради.

“Кашмирда” ғазалида гўзал аёл портретини чизишда шоир муваффақияти сезиларли тарзда китобхонни мафтун қилади. Портрет деталари билан гўзалнинг ички қиёфасини, инсоний фазилатларини, шунингдек, гўзалдаги биров кибри кўрсатишга хизмат қилдирилган. Шоир тасвирга олган гўзал ҳуснда бебаҳо ва тенгсиздир. Унинг гўзаллигидан ошиқнинг бутун борлигини қоплаган туйғу таҳлили лирик руҳда мисраларга сингдириб юборилади.

Кашмир шахрига борган шоир бир гўзалга рўбарў бўлиб, ҳусни олдида лол қолади:

Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,  
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Мазмуни:

Кашмир шахрида ойдек кўзни қамаштирувчи бир гўзални кўрдим. Кўзлари билан сеҳрлаб, юзларидаги жоду ақлу ҳушимни йўқотди.

Байтнинг дастлабки мисраларидаёқ ғазалга ой сиймоли аёл кириб келади. Сўнгра аёлнинг гўзал кўринишга сабаб бўлувчи ҳолатларни алоҳида

деталлар орқали асослайди. Аёлнинг юзи-кўзида сеҳрловчи ифода борлиги бадиий ифодаланади.

Аёлнинг кўзлари табиий гўзаллиги билан эмас, балки ифодаси билан ҳам жозибали. У кўзлари билан тикилиб қараганда сеҳрловчи нур тарқалиб, ошиқни жодулайди. Ошиқ сеҳр таъсирида гўзалга боғланиб, унинг олдидан кетолмай қолади. Унинг қўлига тушиб, фақат хуснини васф қилиш билан банд бўлади.

Зарра-зарра зар сочар бошига ҳар кун офтоб,  
Субҳ келгач, кеча ётиб чашмаи эксирда.

Мазмуни:

Офтоб ҳар куни бошига зарра-зарра нур сочади. Эксир чашмаси (булоқ)да тун тугаб, тонг отади.

2 байтда офтоб ҳар куни гўзалнинг бошига ўзининг заррин нурларини сочиши ҳақида фикр берилади. Гўзалга нур таралиб туриши унинг юзи нурли эканлигидан далолатдир. Юзи, жисми нурга тўлган аёл ниҳоятда латофатлидир. Бу эса ҳар бир нарсани олтинга айлантириш хусусиятига эга бўлган афсонавий иксир чашмасида тун тугаб тонг отган пайтдаги олтин нурлар таралгани кабидир. Яъни гўзалнинг ўзи (иксир чашмаси) ва ундан нур тарилиши (гўзалнинг нурли юзи) ошиққа жон бахшида этади.

Бир кўриб гоҳи зақан Ҳорут ила Морут иков  
Чоҳи Бобил ичра қолмишлар бўлак тадбирда.

Мазмуни: Ҳорут ва Морут иккови юзнинг чап қисмидаги чуқурчани кўриб, Бобил чоҳида бошқа тадбир излайдилар.

Байтдаги юзи нурга тўлган гўзалнинг кулганда ҳосил бўладиган юздаги, юзнинг ияк қисмидаги чуқурчаси янада сеҳрловчилик хусусиятини орттириб юборган. Шоир Фурқат гўзал аёл портретини яратишда навбатдаги деталь – кулдиргичга юк ортади. Гўзалнинг кулдиргичи шу қадар сеҳрлики, сеҳргарларнинг муқаддас даргоҳи бўлган Бобил (Вавилон) чоҳидаги сеҳргарликни ўргатувчи Ҳорут ва Морутлар ҳам ўйланиб қолади. Уларнинг сеҳр-жодуларидан ҳам кўра гўзплнинг сеҳрловчи кучи юқорилигини

англашади ва бошқа тадбир ахтармоқчи бўлишади. Машхур Хорут ва Морут ҳақидаги афсонага ишора бериш билан фикр бўрттириб кўрсатилади.

Ламъаи қийғоч кўзидин анинг барқи нигоҳ,

Тезлик жавҳарлари гар бўлса ҳам шамширда.

Мазмуни: Қийик, қисилган (бодом) кўздан оқаётган шуъла яшинга ўхшайди. Худди шамширнинг тезлигидаги нурлар каби.

Байтда гўзал портретини янада мукаммаллаштириш мақсадида нигоҳнинг ўткирлигига эътибор қаратилган. Гўзалнинг мафтункорлигини оширувчи яна бир манба нигоҳининг тезлигидир. Нигоҳ ошиқнинг дилини ўртади ва гўзал бир караб қўйганидаёқ, ошиқнинг қалбида ёндириб юборадиган яшин каби ғулу пайдо бўлади. Бу эса шамширнинг (қилич) тезлик билан ҳаракатлантирилганда ялт этган нурнинг пайдо бўлишига нисбат қилинган. Яъни қилич зарб билан бош кесиши мумкин. Бу эса кишининг қалбига кўрқинч солади. Кўрқинч ва ғулу бир-бирига қиёс қилиниб, гўзалнинг қудрати кучлилигига ишора қилинган.

Қоши узра ҳолининг асроридин бир нуқтадир,

Сураи нун ўқидим пайваста ҳар тасвирда.

Мазмуни: Қошининг устидаги холи сирларидан хабар берувчи нуқтадир. Уни васф қилиш учун нур сурасини ўқидим.

Байтда гўзалнинг гўзаллик сирларидан бири қоши тепасидаги холи ва холнинг ўрнашган жойи. Шоир яратаётган аёл портретининг мукаммалигини белгиловчи навбатдаги деталь унинг холидир.

Хол бошқа миллий адабиётларда аёл гўзаллигини белгиловчи восита сифатида ишлатилиши шарт эмас. Рус ва ғарб ижодкорлари гўзаллар тасвирида холга доим ҳам мурожаат қилмайдилар. Масалан, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” асаридаги Татьяна, Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романидаги Наташа Ростова образларини яратишда уларнинг холларига эътибор берилмаган. Лекин ўзбек адабиётида аёлнинг юзидаги холи гўзаллигини белгиловчи асослардан бири бўлиб хизмат қилади. Масалан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Кумуш холининг

чиройли тасвири бор. Фурқатнинг ушбу ғазалида гўзалнинг қоши устидаги холи тавсифи портретдаги аёл гўзаллигини таъминловчи деталь сифатида далилланади. Хол маъшуқа гўзаллигини таъминловчи восита. Унинг мавжудлиги ва ўрнашган жойи Котиби қудрат – яратувчига боғлиқ. Борлиқнинг яралиши нун сурасида қайд этилади. Шу сабаб “нун” сурасидаги нун (ن) ҳарфи қош ва холга ўхшатилади. Бу ўхшашлик асослари 2 та. Биринчидан, “нун” сурасида бунёдкорлик ҳақида фикр юритилиши. Иккинчидан, нун (ن) ҳарфининг мавжудлиги ва унинг чиройли ифодаси. Ғазал давомида шоир иккинчи маротаба хол деталдан фойдаланган:

“Нукта лаб устида бежодир”, -- дедим. Айтди кулиб:

“Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда”.

Мазмуни: Лабинг устидаги холинг бежо турибди десам, бино қилувчи котиб таҳрир қилаётган пайтда хато қилган, деди кулиб.

Олдинги байтда гўзалнинг қоши устидаги холи юзига мутаносиб тушган бўлса, лаби устдаги холи бежодир. Бу нукта шу қадар мафтункорки, ихтиёрингдан айирмай иложи йўқ. Гўзал маъшуқа сўзлаганда лабининг устидаги холи ҳам ҳаракатланади. Ошиқнинг холи танг (бежо) бўлади. Шунда маъшуқа ошиқнинг аҳволидан кулиб, бу яратувчи котибнинг хатосидир, деб жавоб беради. Бир жойда турмай лаб устидаги холнинг кимираб туриши, яъни бежоланишидан.

Кейинги байтда гўзалнинг сочи таҳлилга тортилган:

Форуғ эрмас ҳеч ким у дилрабонинг ишқидин,

Зулфига дил басталиғ ҳар бир жувону пирда.

Мазмуни: дилга ором берувчининг ишқига мубтало бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳар бир ёшу қари унинг зулфига дил боғлаган. Бу байтдаги аёл портретини мукаммалаштирувчи соч, одатда, узун бўлади ва кўпинчау арқонга, илонга ўхшатилади. Шу сабаб Фурқат ғазалида ҳам сочнинг боғловчилик хусусиятига суянилган. Ҳар бир ёшу қарини маъшуқанинг гўзаллиги сочи орқали чирмаштирган. Ўзбек мумтоз

адабиётида соч тавсифи кўплаб учрайди. Фурқат ҳам салафлари ортидан бориб, сочни хусн орттирувчи деталь сифатида қўллайди.

Кейинги байтда сочнинг хусусиятлари кўпайтирилади:

Айтдим: “Эй, жон офати, зулфингга бўлмишам асир!”

Айтди: “Бул савдони қўй, умринг ўтар занжирда!”

Мазмуни: Ошиқ гўзалга, эй жоннинг офати, сочингга асир бўлдим, деса, маъшуқа ошиққа бундай савдога боғланмагин, умринг занжирда ўтади, деб жавоб беради.

Урушларда асир тушганлар бўйнига, қўлига, оёғига занжир солинган. Ҳазалда ҳам рамзий маънода ошиқни боғлаган ишқ – соч воситасида занжирланган. Яъни зулф – соч занжирга ўхшатилади. Қўл-оёғи боғлиқ ошиқ маъшуқага ўз аҳволини баён этади. Лекин маъшуқанинг жавоби аниқ. Сочимга бойлана кўрма, умринг боғланиб ўтади. Шоир ишқли кўнгил ҳамиша занжирланган деган хотимани беради. Савол-жавоб давом эттирилиб, мавзу ўзгаргандай бўлади:

Айди: “Эй бечора, қилдинг на учун тарки Ватан?”

Ман дедим: “Ғурбатда Фурқат бор экан тақдирда!”

Мазмуни: Ватандан узоқда бўлишининг сабаби нимада, деб сўради. Мен айрилиқ тақдиримда бор экан деб жавоб бердим.

Ҳазалнинг сўнгги қисмида ошиқнинг бечора аҳволи гўзални безовта қилади. Ўзга юртдан Кашмирга келиб қолиш сабабларини сўрайди. Ошиқ бунга очик жавоб беришдан тортинади. Жудоликнинг пешонага ёзилганлигини таъкидлайди. Гўзал бепарво. Ватандан жудолиғ эса унданда ёмон. Ҳазал бошидан охирига қадар тазод санъати асосида қурилган. Маъшуқанинг гўзаллиги ва бепарволигига ошиқнинг ғариблиги ва беватанлиги қарама-қарши қўйилган. Тазод орқали гўзалнинг кибр-ҳавоси янада бўрттирилади. Ошиқнинг ўй ва режалари ачинарли эканлиги, бошқа Ватанда бахт тутқич бермаслиги ёритилади.

Ҳазалда шоир Фурқат портрет яратиш имкониятларини кенгайтирган. Қиёсий ва тазодли тасвир фикр бериш учун қулай вазият яратган. Шоир

Фурқат гўзал аёлга бўлган муносабат орқали жамият ва сиёсат ҳақидаги қарашларни маъшуқа портретига сингдирган. Бу фикр ғазалнинг сўнгги байтида, айниқса, ёрқин ифодаланган. Портрет тасвир шоир ўтказмоқчи бўлган фикрни усталик билан яширади. Ҳ.Олимжон, шеърда шоир фикрини сўнгги байтдан ахтармоқ керак, деган эди. Фурқат шоир ўзга Ватанда ошиқлик ҳам ғариблиқдир, ҳатто ғарибга маъшуқа ҳам бепарводир, деган фикрни сингдиради.

## **ФУРҚАТНИНГ “ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ” ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛИ**

**Т. Абдукаримов,  
ФарДУ доценти, ф.ф.н.**

1X синф ва академик лицейларнинг ҳозирги адабиёт дастури талабига кўра, Фурқат лирикаси ўрганилади. Шоир лирикасининг гўзал намуналаридан бири “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали бўлиб, уни ўрганиш учун бир соат ажратиш мумкин. Унинг режаси қуйидагича бўлади:

### **Режа:**

1. Фурқатнинг ҳаёт йўлини қисқа такрорлаш, лирик шеърларини эслаш.
2. “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш:
  - а) ғазални ҳофиз Таваккал Қодиров ижросидаги матнини лентадан кўйиб эшиттириш;
  - б) шеърни ўқувчиларга ифодали ўқитиш, паузаларини изоҳлаш;
  - в) шеър матнидаги қийин сўзлар маъносини тушунтириш.
3. Шеърнинг ғоявий мазмуни ҳақида маълумот бериш.
4. Шеърнинг бадиий хусусиятлари (қофия, жонлантириш ва вазн) юзасидан суҳбат.
5. Суҳбатни якунлаш ва хулосалаш.

Режага кўра, дарс аввал ўтилган мавзу Фурқат ижоди ва унинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни бўйича фикрлашдан бошланади. Бунда 1X синф дарслигидаги савол ва топшириқлардан фойдаланилади. Ўқувчилар жавоби хулосаланади.

Шундан кейин янги мавзу эълон қилинади. Кейин эса “Фасли навбахор ўлди” ғазали асосида Т.Қодиров ижро этган ашулани лентадан қўйиб эшиттирилади, кейин матнни 2-3 ўқувчига ўқитиб кўрилади, сўнгра матндаги тарихий сўзлар луғати устида иш олиб борилади. Бу жараёнда хуррам-шод, яшнаган; абри найсон-бахордаги булут, настаран – ок гул, ёсуман - ёйсуман, эгилган; савсан - гулсафсар, зимистон - қиш, субҳ – тонг пайти, гирибон – кийим ёқаси каби сўзлар ўқувчилар томонидан аниқланади, ўқитувчи томонидан изоҳланади.

Шундан сўнг, шеърнинг ўқилиши ҳамда паузалари устида иш олиб борилади. Бу жабҳада ўқитувчи қуйидагиларни таъкидлайди:

Аруз вазнида ёзилган шеърларни ўқишда паузага алоҳида эътибор берилади. Масалан:

***Фасли навбахор ўлди, // кечибон зимистонлар, //***

***Дўстлар, // ганиматдур, // сайр этинг гулистонлар, //***

***Субҳидам тушиб шабнам, // бўлди сабзалар хуррам, //***

***Гул уза томиб кам-кам, // ёғди абри найсонлар, //***

Биринчи, учинчи, тўртинчи мисралар икки паузадан, иккинчи мисра эса уч паузадан иборат, яъни 1, 3, 4-мисралардаги 1, 2-паузалар 7 бўғиндан ( $2=7+7$ ), иккинчи мисра уч паузадан иборат бўлиб, биринчи пауза 2, иккинчи пауза 4, учинчи пауза 7 ( $3=2+4+7$ ) бўғин ёки ҳижодан иборат.

Ўқитувчи ифодали ўқишдаги бу қоидаларни ўқувчиларга тушунтиргач, шеърни қоидага риоя қилиб ўзи ўқийди, бир неча ўқувчига ўқитади. Натижада асарнинг мазмуни ўқувчиларга ўзлашиб боради.

Ана шундан сўнг, ўқитувчи ушбу асарнинг ғоявий мазмуни билан қуйидагича таништиради:

Муқимий ва Фурқат хассос шоир бўлганлар, улар ватан табиатини, хусусан, баҳор фаслини севганлар; табиатнинг гўзал манзараси бу икки шоирга илҳом, завқ-шавқ бағишлайди.

Бу фаслда Фарғона водийси гул боққа айланади, Ўзбекистон чаманларга қўмилади, лекин бу ўлканинг ажнабийлар қўлида эканидан шоирлар афсусланадилар. Ўлкада тенгсизлик ҳукм суради. Уларнинг кўз ўнгида аввало баҳор гўзаллиги гавдаланса, иккинчи томондан халқнинг оҳу фарёди, алам-дарди намоён бўлади. Дейиш мумкинки, улар Туркистонни мустақил кўриш орзуси билан яшайдилар. Бундай қарама-қаршилик Фурқат ижодига кучли таъсир этади ва бу зиддиятни ўз ижодида акс эттиради:

***Фасли навбаҳор ўлди, кечибон зимистонлар,***

***Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар.***

***Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,***

***Гул уза томиб кам-кам, ёғди абри найсонлар.***

Шоир баҳор гўзаллигидан мамнун бўлади, халқни бу гўзалликдан баҳраманд бўлишга чақиради:

***Куймасун бу водийда не учун димогимким,***

***Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар.***

Бу сатрларда нодонларнинг шодлиги, доноларнинг ўша даврдаги қайғу аламга дучорлигидан шоир қайғурмоқда.

Ўқитувчи мазкур шеърни таҳлил қилаётганда, унинг қофиясига ҳам эътибор бери ши, ғазал мисралари охирида келган қофиялар билан бирга, ички қофиялар ҳам мавжудлигини тушунтириши лозим. Байтдаги “зимистонлар” билан “гулистонлар”, “найсонлар” билан “сронлар” сўзлари қофиядошдир. Лекин юқоридаги байтда ички қофия ҳам бор. Масалан, шабнам кам-кам, юзни-кўзни сўзлари ички қофиядир. Бундай ички қофиялар шеър мазмунининг бўртиб туриши, мисраларнинг оҳангдор бўлишини таъминлайди.



Шоир шеърнинг гўзаллигини, таъсирчанлигини ошириш учун ажойиб бадий воситалардан фойдаланади. У дастлаб гўзал жонлантириш яратади. Бу жонлантириш шеърга бадий латофат, мусиқийлик бағишлайди. Шеър мисраларидаги “сабзалар”, “настаран”, “наргис”, “хуррам”, “ювиб юзни”, “очибон кўзни интизори ёронлар” сингари сўз ва бирикмалар орқали кўкаламзор ва гуллар жонлантирилади.

Шунингдек, шоир булбул, гунча ва гулнинг ажойиб образларини яратади:

*Булбул ўқигоч йиглаб субҳидам хазон фаслин,*

*Гунча қон ютуб, юз чок этди гул гирибонлар.*

Бундай мажозий маънолар шоирнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Ўқитувчи шеърнинг вазни хусусида ҳам маълумот беради. Фурқат бу ғазални арузнинг ҳажаз мусамман аштар вазнида ёзганлигини таъкидлайди, вазн схемасини доскага ёзиб кўрсатади: — v — v — — —

— v — v — — —

Фоилун мафоилун, фоилун мафоилун эканлигини уқтирди. Шундан сўнг, ўқитувчи шеърнинг бир-икки мисрасини вазнга уйғунлаштириб таҳлил намунасини кўрсатади. Уйга вазифа қилиб, шеърнинг икки байтини вазнга мувофиқ таҳлил қилишни топширади.

Шуни таъкидлаш жоизки, шеър матни устида ишлаш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларни кўпроқ жалб этмоғи лозим. Бу эса янги педагогик технологиянинг бугунги кундаги талабларидан биридир.